


РЕДКОЛЛЕГИЯ:

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ
ЭРКИН ВОҲИДОВ
ОДИЛ ЕҚУБОВ
НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ
АБДУЛЛА ОРИПОВ
ТУРОБ ТУЛА
ХУДОЙБЕРДИ ТУХТАБОЕВ
НОСИР ФОЗИЛОВ
ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА
ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ
АБДУБОҶИ ҒУЛОМОВ
ОЙДИН ҲОЖИЕВА
УТКИР ҲОШИМОВ



С 700500 — 116 50—79 4702570000
356 (04)—79

© Издательство «Еш гвардия», 1979



ШЕЪРЛАР,	МУШОИРА,
ҲИКОЯЛАР,	«ЁШЛИК»
БОЛАЛАР	ТАБАССУМИ,
АДАБИЁТИ,	МИНИАТЮРАЛАР,
ОЧЕРКЛАР,	АДАБИЙ ЎЙЛАР.

ЁШЛИК

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти
Тошкент—1979

Ё 84

**«Ёшлик»— 5. Альманах. Редкол: Б. Бойқобилов
ва бошқ.— Т. «Ёш гвардия», 1979. 128 б.
Ёшлик —5. Альманах.**

ББК 84Ўз7
Уз2

НАСР ВА НАЗМ





Раққоса Қизлархон Дўстмухамедова.
Рассом Т. Сайдуллаев

М

Мирҳамид АҲМЕДОВ



1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1958 йилда Маннон Уйғур номли 22-мактабни, 1968 йилда эса ТошДУнинг журналистика факультетини тугатди.

1967 йилдан бери Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиштириш давлат комитетида ишлайди.

«Қизил гуллар», «Ишчи қалъаси» номли радиопе-салар ва қатор ҳикоялар автори.

ОНА КҮНГЛИ

Моҳира бугун барвақт турди, кийиниб чиқиб кичкина хонада ётган қизи Назира-ни уйғотди. Унинг кайфияти чоғ эди.

Нонушта устида кўп гапириб, кўп кул-дими, қизчаси: «Опа, оймларникига бора-мизми?»— деб сўради. Эр-хотин маънодор кўз уриштириб, жилмайишди. Нонушта қи-либ бўлишгач, Моҳира кечаги газеталарни қўлтиғига қисиб, балконга чиқиб кетаётган эрини тўхтатди.

— Ҳай, қаёққа кетяпсиз? Газета бўлса ўқилар, кириб соқолингизни олинг. Кейин бозорга тушиб чиқасиз, ахир қуруқ кириб бормаймиз-ку, кун исиб кетмасдан етиб олайлик... Оймлар ҳам боришимизни бил-ладилар, тиқ этса эшикка қараб ўтирган-дирлар...

Эри иягини эриниб қашлади-да, газета-ни холодильник устига ташлаб хонага қай-тиб кирди. Туфлисини шоша-пиша кийиб, тўрхалта кўтарганча чиқиб кетди.

Моҳира гарчи ҳозир уйига бориш та-раддудидида отланаётган бўлса ҳам хаёли те-лефонда, кўзи эшикда: назарида ҳозир кимдир телефон қилиб қолади ёки ким-дир эшикдан кириб келади-ю, унинг бир ҳафтадан бери кутган ва дам олиш кун-и амалга ошираман деган нияти бузилаётган-дек эди... Ахир ойсининг кўзи тўрт бўлиб кетди-ку.

Хотин кишининг тилидаги эмас, дилида-ги бўлади.

Моҳира эндигина сочини турмаклар бўл-ган эди, эшик аста тақиллади. У чўчиб туш-ди. «Қизим бўлса керак, ҳовлига ўйнагани

чиқувди» деган фикр келди миясига. Ло-кин... Назира бунақа тартиб билан тақил-латмайди.

Эшик яна аста тақиллади.

— Кимди?— деди Моҳира атайин ингич-ка овозда.

— Мен...

Моҳира сергак тортди. «Кўрга ҳасса қи-либ кўнғироқ ўрнатиб қўйибмиз-ку»,— дег-минғирлаб, эшик туйнугидан қаради. Қо-ради-ю, орқасига тисарилди. Бироқ дар-ҳол ўзини қўлга олиб, тутқични тортди. Эшик олдида тўртинчи қаватга кўтарил-гунича мадори қуриб битган, қийналиб на-фас олаётган қайнанаси турарди.

— Келинг ойи! Ассалому алайкум!.. Келинг! Кириг, ичкарига кириг,— Моҳи-ра шошиб қолганди. Қайнана эса келини-дан кўз узмай турарди.

— Вой, нега бегоналардек турибсиз, ич-кари кирсангиз-чи!— Моҳира энди тамом ўзини қўлга олган эди.

Қайнана-келин қучоқ очиб, узоқ кўри-шишди.

— Эсон-омонмисиз ойи, яхши юриб-сизми, бормисиз?

Ўзини келиннинг иссиқ кўзёши елкасига тушганидагина Моҳира ич қўйлақда экан-лигини пайқайди, бир вақтлар, ёш келин-гўштор гавдасига осилди-қолди.

Қайнанасининг иссиқ кўзёши елкасига тушганидагина Моҳира ич қўйлақда экан-лигини пайқайди, бир вақтлар, ёш келин-

чақлигидек уятдан юзи қизариб кетди, икки қўли билан кўксини яширди:

— Мен ҳозир...— деди-ю, ётоқхонага ўзини урди.

— Сиз нариги уйга кириб ўтираверинг, мен ҳозир чиқаман,— келиннинг овози ичкаридан эшитилди. У бозордан қайтган эрига буюрарди.

Замира хола қўлидаги тугунини қай ерга қўярини билмай атрофига аланг-жаланг нигоҳ ташлади. Йўлакдан ўтиб ўрта хонага кирди, кимнидир қидириб уёқ-буёққа қаради.

— Назира қаёқда?..— сўради Замира хола тутила-тутила ва жавоб кутиб қия очиқ эшикка юрак ҳовучлаб қаради.

— Неварангизми? Ҳа қурмагур, ўртоқлари билан ўйнаб келгани пастга тушиб кетди.— Моҳира овозига сиполик бериб жавоб қилди:— Ўғлингиз ҳам ҳали замон шу ерда эдилар, заводдан машинада келиб, олиб кетишди, зарур иш чиқиб қолибди. Дам олиш куниям одамми ўз ҳолига қўйишмайди.

— Ҳозир автобусдан тушиб кўчанинг нариги бетида, тўсиққа суяниб, нафасимни ростлаб тургандим, бир йигит кўзимга иссиқ кўринди. Яхшилаб қарадим, тавба, ўғлимга ўхшатибман-а...

— Янглишгандирсиз...

— Йўқ, нақ отасининг ўзи-я! Бўйдор! Елкасини бир оз олдинга ташлаб, қалқиб кетгандай силкиниб, қадам ташлайди. Умринг узоқ бўлгур, нақ қуйиб қўйгандай отасининг ўзи.

— Бировни ўхшатгансиз, ойи!— деди Моҳира энди жаҳл аралаш товушда.

— Билмадим,— деди Замира хола бўшашиб.

— Шу домга кирдимми?

— Ҳа, шу домга кирди, қўлида сетка. Чақирмоқчи бўлдим-у, мен имиллаб йўлдан ўтиб боргунимча қўлида юк, пойлаб қолади, дедим. Тагин ким билади, қариллик қурсин. Бировни ўхшатган бўлсам бордир.

— Кўрмаганингизга ҳам анча вақт бўлди-е, ойи,— деди Моҳира парча гулли халатини кийиб ётоқхонадан чиқаркан, эшикни зичлаб ёпди.

— Кимни?...— Замира хола ялт этиб келинига қаради.

— Неварангизни, дейман-да. Шанба бўлдими, бас, ойимларникига борамизми, деяверади, нуқул.

— Қақилдоғим-эй!

— Боғ ҳовлидаги ўртоқларини соғинади шекилди.

— Ҳа, маҳалладаги қизлар ҳар куни мактабдан қайтаётганларида эшигимиз та-

гидан чуғурлашиб ўтишади. Назирани сўрашади, қизим тушмагурлар.

— Қўни-қўшнилар тинчми, эсон-омон юришибдими?

— Ҳа, ҳамма тинч, соғ-саломат, салом деб юборишди.

Қайнана-келин анчагача уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришди.

— Вой, ойи нима қилиб тугун кўтариб юрибсиз шундай иссиқ кунда!— Моҳира дивандадаги тугунни энди кўрди.

— Айтгандай қўлимда тугуним бор эди-я, қаранг,— Замира хола ярим ўғирлиб тугунни очди. Хонани гўшт ва гўшт селида ҳил-ҳил пишган пиёз ҳиди тутди...— Талинка бера қолинг, сомсани солиб қўяй, ҳадемай Назира қизим ҳам чиқиб қолар...

Моҳира ўрнидан турди, гарчи иссиқ сомса ҳиди димоғини китиклаётган бўлса-да, негадир қошлари қамирилди, ошхонага ўтиб чой қўйди.

— Ойи, нима қилардингиз овора бўлиб?

— Овораси бор эканми, болам. Эсингизда бўлса, ўғлим азбаройи тандир сомсани яхши кўрганидан ҳар шанба кечқурун, ойи, эрта билан вақтлироқ туриб тандирга ўтин қалайверайми, дея ҳазиллашарди...

— Ҳа, эсимда, ойи.

— Сиз, неварам... Ҳаммангиз кечаси тушимга кириб, ярим кечада уйқум ўчиб кетди. Эрта билан туриб бир зувала хамир қордим. Мана, қаранг, қанча нарса бўлди... Эсиз ўғлим йўқ экан, бир хурсанд бўларди.

— Кўрмайсизми, отдих куниям тинчлик йўқ у кишига,— деди Моҳира бояги гапини қайтариб.

— Ҳай, айтгандай, ўзимиз билан ўзимиз овора, қудамни сўрамабман-а, бақувватмилар?...— деди Замира хола.

— Худого шукур!..

— Укангиздан хат-хабар келиб турибдимми?

Моҳира чиқиб ошхонадан чойнақда чой, иккита иссиқ бозор нонидан олиб кирди. Чой қуйиб узатди.

— Ҳа, ҳар ҳафтада бўлмаса ҳам, ўн-ўн беш кунда хат келиб туради.

— Эй, болам, хат бошқа, дийдор бошқа, бола боққан, ўстирган билади, қудамга қийин бўлди.

— Мен ҳам шуни айтаман-да, ойи, чой устида ҳам, овқат устида ҳам бир эслаб, кўзёши қилиб оладилар. Ойи, замон тинчлик, ҳаш-паш дегунча икки йил ўтиб кетади, деймиш, қаёқда, кўздан йироқ кетдимми, соғинаверар экан одам! Азбаройи соғинганларидан келган хатни набираларига қайта-қайта ўқиттирадилар.

— Бола-да, болам...— Замира хола чойдан хўплади.

— Бўлмаса бир уй жон, икки келин, не-вара, биз ҳам ёлғизлатмай бориб тура-миз...

— Эй, болам, ўнта бўлса, ўрни бошқа... Эшик устма-уст тақиллади. Моҳирадан олдин Замира хола ўрнидан туришга ҳа-ракат қилди.

— Ойи, ўтираверинг, неварангиз! Бирам ҳовлиқадикки,— Моҳира бола эшикни очди.

— Адамла нима обкелдила?

— Бувинг келдилар, қизим...— деди Мо-ҳира унинг гапини бўлиб.

— Бувим...— Назира чопиб ўрта хонага кирди.— Ассалому алайкум, бувижон.

— Секинроқ, қизим, секинроқ.

— Майли, болам, майли, бувисини со-финган-да, қизим.

— Қизим, бувинг сенга патир, сомса ёпиб келибдилар, мана, ол.

— Менгами?— Назира яна бувисининг бўйнидан қучоқлади.

— Сенга, қизим, сенга...

— Опа, адамла қанила?

— Адангни заводга олиб кетишди. Ол, сомсани е, совиб қолмасин.

Назира сингиб қизариб пишган сомса-дан биттасини олиб карсиллатиб тишлар-қан, куйган қисмини уқалаб тақсимчанинг бир чеккасига солди.

— Ёмон одатинг бор-да, қизим,— Моҳи-ра уни койиди.

— Куйганини емагин, дегансиз-ку!— На-зира онасига қаради. Замира хола ярим соатлардан кейин тўсатдан қўзғалиб қолди.

— Мен кета қолай.

— Вой, ўтиратуринг. Чой дамлаб кел-дим,— деди Моҳира астойдил ранжиб.

— Майли, болам, яна келарман.

— Қола қолинг,— Назира онасининг оғ-қасида турар, бувисига қаролмасди.

— Яна келаман деяптилар-ку! Ўғлини-и йўқлигини қаранг!

Замира хола эшик томон юрди. Моҳира чакқонлик билан олдинга ўтиб, қайнашси-нинг кавушини тўғрилаб қўйди.

Замира хола эшик тутқичини маҳкам ту-тиб, чуқур нафас олди, оёғига кавушини илди.

— Моҳираой, тушмай қўя қолинг, ха-латда экансиз. Хайр!

— Хайр!— деди Моҳира.

— Хайр!— Замира хола зинага оёқ қўй-ди,— ўғлимга салом айтиб қўйинг.

— Хўп!

— Хайр, буви!— Назиранинг хомуш, си-ниқ овози эшитилди.

— Хайр, қизим!

Моҳира пардани қия очиб кўчага, уйл-ри тўғрисидаги чорраҳада бир-бир қадам ташлаб бораётган қайнашсини кузатаркан, бармоқлари титраётганини сезмасди.


Кампир чарчади шекилли, қизил ва са-риқ ранга бўялган ола-була темир тўсиққа суянди, бошини оғир кўтариб, тўртинчи қа-ват деразаларига қаради. Аммо ҳозиргини чиққан хонанинг деразасини ажратолмади чоғи...

Моҳира пардани қўйиб юбориб, титраёт-ган бармоқларини бир-бирига ишқалади, бошини орқага ташлаб кўзларини юмди-да, елкасидан тоғ ағдарилгандай чуқур ўф тортди. Кейин тақсимча четида ётган сом-санинг куйган учидан кўз узолмай ўтирган қизи ёнидан ўтиб ётоқхона эшигини очди.

— Бўла қолинг, пешинга қолиб кетдик.

Эри ёзлик, камарсиз кийиладиган шими-нинг чўнтагига қўл солиб эшикка тикилиб турар, кўзларида қўрқинч, ҳадик қотиб қолганди...





Абдугани АБДУГАФУРОВ

Қардош Қирғизистоннинг Ўш областида туғилган. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтини тамомлаган. Ҳозир Ўш шаҳридаги область театрида ишлайди. У кўпдан буён бадиий ижод билан шуғулланади, асарларида юморга мойиллик яққол сезилади.

МУКОФОТ ТАҚСИМЛАШ

Эрталабки «пятиминутка»да ярим соат ўтириб чиққан ходимлар директор хонасига яна таклиф қилинди. Ҳамманинг кўзи директорда.

— Корхонамизга иккита мукофот ажратилибди,— босиқ оҳангда сўз бошлади директор,— бирини энг оддий ишчига, иккинчисини инженер-техник ходимларимиздан бирига бериш тавсия қилиняпти. Иккала номзод ҳақида бошқармага зудлик билан маълумот беришимиз шарт. Хўш, мукофотга кимларни кўрсатамиз?

— Менимча, ишчилардан Урозов энг муносиб,— деди бош инженер.

— Тўғри таклиф,— сўзни илиб кетди бош механик.— Урозов фахримиз...

— Мен ҳам розиман,— бош механикнинг гапини кесди директор,— қаршилар борми?

— Йўқ...

— Йўқ...

— Демак, таклиф бир овоздан қабул қилинди. Иккинчи мукофотни кимга берамиз?

Ҳеч ким «чурқ» этмади.

— Иккинчи мукофотни энг актив, илғор, кўл остидаги ишчиларга меҳрибон, ғамхўр киши олиши керак. Инженер-техник ходимларимизнинг деярли ҳаммаси шу ерда экан. Демак, ўтирганлардан биринглар олишингиз керак. Кимни кўрсатасизлар?

Яна хонага пашша учса эшитилгудек сукунат чўкди.

— Гапирмайсизларми? Вақт зиқ. Қани, иккинчи цех бошлиғи, сиз нима дейсиз?

Цех бошлиғи эринибгина ўрнидан турди. Муштумини оғзига босиб, томоқ қирди. — Корхонамизга мукофот ажратилиши бу, ҳаммамиз учун шараф! Бу ғамхўрликдан миннатдоримиз. Айниқса, ишчи Хўрозовга берилиши...

— Кечирасиз, Хўрозов эмас, Урозов,— тузатди тўртинчи цех бошлиғи.

— Допустим, Урозов,— келган жойдан гапни давом эттирди иккинчи цех бошлиғи.— У дастлаб менинг цехимга ишга келган. Алифни калтак дерди. Роса ўн беш кун бошқа иш қилдирмай, сех эмас, цех дейишга ўргатганман. Бунинг устига ҳадеганда бурнини тортаверарди.

— Кечирасиз, биродар,— гапни бўлди директор.— Урозов ҳақида бир қарорга келдик, бас. Мукофотнинг яна бирини кимга бериш мумкинлиги ҳақида фикр сўраляпти сиздан.

— Тўғри, ишончинглар учун раҳмат. Бизда катта мукофотларга арзийдиган инженерлар, механиклар, цех бошлиқлари бор. Мана шу оғзига тушган ишчи Бўрозовни тарбиялашда ҳам...

— Бўрозов эмас, Урозов!— жаҳли чиқди тўртинчи цех бошлиғининг.

— Допустим, Урозов, фарқи йўқ. Ушани шунчалик одам қилишда инженер-техник ходимларнинг хизмати озмунча бўлди-ми? Масалан, мен ўзим буни эпақага келтиргунча чакана жон куйдирганим йўқ...

— Бўлди, бас, ўтиринг! Сиз нима дейсиз, ўртоқ механик?

— Мукофотнинг бирини ҳар тарафлама, айниқса, тарбиявий ишларда ўзини кўрсатган инженер-техник ходимга бериш шарт. Давр талаби бу! Мана, мукофотни ишчи Урозовга бериш тақдир қилинганида шахсан мен бир қоп семирдим. Ахир, бу менинг кадрим-ку?! Мен уни ташвиқот қилиб олиб келганман. Қўлига қорамой юқи латтани биринчи бўлиб мен ушлатганман. Солидол билан валидолнинг фарқига бормасди ўшанда. Техникадан ноль эди...

Директор тишини-тишига қўйиб турган эди, сабр косаси тўлди шекилли, игнага теккан шардай отилди:

— Бас! Калла борми ўзи сизларда? Мен Урозовни мақтаб беринглар, деганим йўқ. Номзод сўраяпман, номзод!

Яна оғир сукунат чўкди.

— Демак, орангларда мукофотга арзигулик киши йўқ. Яхши...— Директор телефонни олиб, бошқармага кўнғироқ қилди.

— Бизда мукофотга лойиқ иш қилган инженер-техник ходим топилмади. Ишчи Урозовга берсанглар бас...

Утирганлар енгил торгандай бошларини кўтарибди. Хонадан чиқаётиб, кимдир «бир ҳисобда яхши бўлди, бари бир менга тегмасди», деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. У кўпчиликнинг фикрини ифодалаган эди.

ШУБҲА

— Чертинг,— деди меҳмонхона навбатчиси мени хонагача кузатиб қайтаркан.— Хайр.

Эшикни паст бўйли, қотмагина йигит очди.

— Марҳамат, кириг. Хуш келибсиз! Чарчамадингизми? Эрталаб танишамизда, а? Дам олинг.

Вақт алламаҳал бўлгани учун гапни чўзмадим-у, ёта қолдим. Аммо юрагим безовта эди. Ҳамхонам қанақа одамикин? Бир оз шубҳалироқ саломлашди. Нақ фирибгар бўлса-я. Пулларимни қаерга беркитсамикин?

Топдим: дастрўмолимга тугиб, ёстиқнинг жилдига яширдим. Пул солинган тарафини пастга қилиб, аста ўрнимга чўзилдим. Энди киприкларим илашган эди, ҳамхонам бурнига қалампир кетиб қолгандай кетма-кет акса урди. Демак, ухламабди. Ҳаммасини фаҳмлабди. Эрталаб уйғонсам-у, бор-йў-

гимни шип-шийдон ҳолда кўрсам-а, «ча»-гим «шиғ» этиб кетди. Худо кўрсатмасин, қарз беринг, уйга этиб олай, деб кимга ёлвораман?

Одеялни қия кўтариб, қўшни қаравонга мўраладим. Деворга қараб пишиллаб ётибди. Бари бир ёстиққа ҳам ишонч йўқ. Роса қотиб ухлаганимда бошимни ёстиқдан олиб ёштга қўйиб кетса ҳам билмайман. Ёстиқ жилдидан тугунчани олиб, пайпоғимнинг ичига солдим ва туфлимнинг устига шундоққина ташлаб қўйдим. Бопладим, энг тажрибали ўғрининг ҳам хаёлига келмайди.

Кўзим энди уйқуга мойил бўлган экан, пол ёчирилди. Ирғиб турдим-у, пайпоғини чангалладим.

— Уйғотиб юбордимми?— илжайди трифиндан сув қуяётган ҳамхонам.— Кечирасиз, пол ёчирилди кетди.

— Йўғ-е, ўзим... Шунақа чўчийдиган одатим бор.

Нима қиларкин, деб бурканиб ётдим. Бутун вужудим кўз-қулоқ, пойлаяпман. Сув ичгач, кийимларини титкилади, алланимларни излади. Хатти-ҳаракатлари бежо. Эҳтиёт чорасини кўриб, кўп ақллилик қилибман. Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма, дейдилар. Пойлаб ётиб ухлаб қолибман.

Чўчиб уйғонганимда кун ёйилган, ҳамхонам чиқиб кетган эди. Шошилиб пайпоғини титкиладим. Хайрият, пул турибди. Стоп устида ҳамхонамнинг хотини, бола-чақасини олган совғалари ётибди. Қутчада тилло узук. Қоғоз парчасига ёзиб кетибди. «Яхши дам олдингизми? Кечки пайт кўришарми, танишарми. Ишларингизга муваффақият тилайман».


Бирдан эсимга тушди. Олтин соатим қани? Тилла суви югуртирилган узукни ташлаб, нақ олтин соатни олиб қочибди-ди, баттол!

Коридорга ўқдай отилиб чиқдим. Напбатчини қақриб, воқеани айтдим. У «шошманг» дегунчаёқ, шифонерни очиб ўғри ҳамхонамнинг кийимларига қўл солдим. Костюмининг чўнтагидан икки пачка пул, ҳужжатлар чиқди. Сурат бўлиб қолдим. Миям зингиллабди.

— Упкангизни қўлтиқлаган анқов экансиз, соатингиз қўлингизда турибди-ку?!— навбатчи ўзини тута олмади.

Унинг гапига парво қилмадим. Чунки нарахт бўлиб қолгандим.





АХМАДЖОН ДАЛИЕВ

1956 йил Андижон областининг Олимбек қишлоғида туғилган. 1972 йилда ўрта мактабни тамомлади. Ҳозир Андижон шаҳридаги адабиёт музейида экскурсовод бўлиб ишлайди.

Шеърлари 1973 йилдан буён область ва республика газеталарида эълон қилинган.

ОППОҚ ЧЎҚҚИЛАР

Қишлоқ кўчалари сокиндир бугун,
Куйилиб келмоқда кузги салқин шом.
Пахтазор рангидан ранг олмоқда тун,
Оқшомда ҳам терим этмоқда давом.

Куз келса деҳқоннинг тинчи йўқолур,
Чунки унинг қадри бугун хирмонда.
Деҳқон меҳнатидан тун ҳам завқ олур,
Оппоқ чўққиларнинг учи осмонда.

Оппоқ чўққилар — бу чигит унгунча
Деҳқон ўйларида кечган ғалаён.
Шона гулдан токи пахта бўлгунча,
Қоп-қора тупроққа эгилган инсон.

Оппоқ чўққилар — бу, табиат нози,
Бемаврид сел келган баҳор кунлари,
Ёзнинг саратони, кузнинг аёзи,
Сув кечиб беором ўтган тунлари.

Оппоқ чўққилар — бу, ваъда якуни,—
Юз бўлиб деҳқоннинг юзи ҳам ёруғ.
Йил бўйи тер тўкиб ўтган ҳар куни,
Меҳнатдан қаварган қўллари ёрик.

Куз фасли кунлари, ўзбекигим бу,
Ҳатто меҳмони кутар шийпонда.
Оппоқ чўққилар — бу, Дунё оқлиги,
Фахрли санарман ўзни жаҳонда,

ИСТИҚБОЛГА БОРАР КЕМАМ

Ҳаёт — уммон,
Тўлқинлари
Шиддаткордир,
Бетиним.
Манзилгоҳнинг ёлқинлари,
Кўрингунча йўқ тиним.
Яширмасман: мени унда
Кутаётир иқбол — шон.
Кемам тўлқин бағрин ёриб,
Боргусидир бегумон.
Пук ёғочдек ўз ҳолича,
Оқим бирла оқмагай.
Ҳаловатли қирғоқларга,
Нажот тилаб боқмагай.
Чунки уммон тўлқинида

Чиниққан
Жисмим — кема.
Юрак — дарға,
Бу дарғани
Ҳали кучсиз, ёш дема.
Гирдоблардан ўтмоқда у,
Бормоқда қалқиб-қалқиб.
Гўё денгиз сатҳида ой,
Оқмоқда балқиб-балқиб.
Ҳаёт — уммон,
Тўлқинлари
Шиддаткордир,
Бетиним.
Бу тўлқинлар бағрида ҳеч
Билмагумдир мен тиним.

БАҲОР ОҚШОМИДА

...Боғ аро кезаман, ҳаво ҳам намхуш,
Ёмғир томчилари жимлик бузади.
Ненидир қўмсайман — сеҳрланган хуш,
Нимадир мен билан бирга кезади.

Бунчалар оловли унинг нигоҳи,
Меҳримни илитар ўйчан термилиб.
Наҳотки бу ўша — илк севгим руҳи,
Мен бир-ла кезмоқда ёмғирда ивиб...

ҚИРҚ СЎЗ

Ойналар юзида ёмғир томчиси,
Қўкни тарк айлаган ёруғ юлдузлар.
Бир нуқтада қотган ҳорғин кўзларим,
Сокин тун бағридан илҳомни излар.


Ёмғир тиниб, отган чоғда оппоқ тонг,
Топдим илҳомимни шодликка тўлиб.
Силқиб оқди дилдан қирқ дона сўз,
Тонг каби мусаффо саккизлик бўлиб.

* * *

Шеърим сатри учун, булутга ёндош
Чўқиларнинг қори, оқлигингни бер.
Самовот бағрида жуфти йўқ Қуёш,
Нурли ҳамда буюк тоқлигингни бер.

Мовий кўк тоқига бош урган тоғлар,
Кекса отамга хос виқорингни бер.
Ҳамиша гул бўлиб яшнаган боғлар,
Табиат, яшил ранг баҳорингни бер.

□ □ □



Собир ЖАББОР

1955 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Ҳозир ТошДУда таҳсил кўрапти. Унинг шеърларида ёшлик жўшқинлиги, қайноқ нафас сезилиб туради.

* * *

Мен сўзлардан гуллар ясайман,
Оқликларда эгатлар очиб.
Оламни гул билан безайман —
Ўзим учун, келажак учун.

Мен сўзлардан йўллар излайман,
Кўрмоқ — билмоқ юрагим бурчи.

Улардан саодат истайман —
Ўзим учун, келажак учун.

Сўзимда ўқ бўлиб яшайман,
Беҳадик яшасин деб Тинчлик.
Армон йўқ, нишонга тегсам мен —
Ўзим учун, келажак учун.

КҮНГИЛ САЙРИ

Ҳаволарга тўлганда бағрим,
Нафасларда сездим ажиб гашт.
Табиатда не сулув, бари —
Нафосатдир, нафосат — оташ.

Ул оташдан ҳисларим ёнди,
Ёнди гўзалликнинг бағрида.

Назаримда олам уйғонди.
Кун тафтининг нурли сеҳридан.

Кўзларимда еттинчи осмон,
Хаёлларим эрур сарсари.
Нигоҳимда курраи жаҳон
Мен ўзимдан чиқдим ташқари...

ИСТАК

Бир нарсада фикрим курашчан,
Унга ётдир шўҳрат ва кибр.
Менга ҳам шоирлик ярашгач,—
Оддий бўлсин умрим таркиби.

Жонсиз қолсам, қабрга элтмай —
Пахтазорга ётқизинг жуссам.
Зора кўсак ёрилган бир пайт —
Чигит каби уйғониб кетсам...

Шунда руҳим тортажак енгил,
Қуш мисоли учар қуёшга.
Мендан яшаш сўраган кўнгил
Келажакни кўрар бир бўшдан.

Шунда юпун мисралар шаъни
Момик туйғуларда исинсин.
Ҳаёт ерга узатмай мени
Юрагида кўтариб юрсин.

ҲАЁТ ҲАҚИДА

Ҳаёт — тирикликда мужассам савдо,
Талашиб-тортишар ҳақлик, ноҳақлик.
Болага ҳолва-ю, онага ғавғо,
Кимга қайғу, кимга соф хушчақчақлик.

Яшаш насибасин нордонми — ширин,
Талашиб-тортишиб тотиб юрибман.

Аччиқ хаёлларда куйиб яширин,
Ошкора хандалар отиб юрибман!..

Қийналсам, кексалар дерлар:— Бу ҳолва —
Оқу қора ҳали ҳақлик, ноҳақлик...
Тараққиёт ундар: йўлингдан қолма,
Интил, ташвишларни айлаб бир ёқлик!





1956 йили Қўрғонтепа районидagi Дардоқ қишлоғида туғилган. Урта мактабни тугатган, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирган. Ҳозир V курсда таҳсил кўрмоқда. Машқлари район газетаси «Юқори ҳосил»да анча олдиндан, республика газета ва журналларида эса ўтган йилдан эътиборан кўрина бошлади.

БОЛА

— Нур болам, ҳў-ў, Нур болам! Тур, ўғлим, мактабингга кеч қоласан.

Уни ҳар куни эрталаб шундай уйғотишарди. Асли исми Нурмуҳаммад бўлса-да, бувиси эркалаб Нур болам, деб чақирар, шунинг учунми ё овулда энг ёқимтой, бийрон бола бўлгани сабаблими, бошқалар ҳам шундай аташарди. Фақат овул дўкончиси Жониқулгина уни «Нур хола», деб жиғига тегади. Ити билан юрганини кўрса: «Итингни тўсиб тур, бўлмаса уния, ўзингния қулоғингни кесиб ташлайман»,— деб пўписа қилади. Узи бўлса Тўрткўздан ўлғудай кўради.

Нурмуҳаммад эринибгина кўзини очди. Лекин иссиқ ўриндан тургиси келмай бошини секин кўрпадан чиқариб ўтовнинг очиқ эшигидан мўралади. Бувиси ўтов атрофида уймаллашиб юрар, дам-бадам ўчоққа осилган қора қумғон остига тезак қалаб кетарди. Нурмуҳаммад совуқдан жунжикиб бошигача кўрпага бурканиб олди ва яна дарров ухлаб қолди. Кўп ўтмай у Жониқулнинг овозидан уйғониб кетди. Жониқул бувиси билан бақриб гаплашар, Тўрткўз бўлса кампирнинг кўлидан чиқиб кетай, чиқиб кетай деб, Жониқулни еб юборгудай бўлиб юлқинарди.

Тўрткўз бутун овул бўйича мана шу Жониқуллар оиласини, ҳатто унинг кечалари ўтовлар атрофида тимирскиланиб, ўчоқбошларни искаб юрадиган лайчасини ҳам ёмон кўради. Бунга Серкабой чўпоннинг ўзиям ҳайрон қоларди.

Жониқул бетлари товоқдек, бурни тан-

қайган, мўйловдор киши бўлиб, сочини доим тап-тақир» қилиб олдириб юради. Ёш қизлар негадир ундан ҳайиқишади. Уни болалар ҳам ёқтиришмасди. У гулга қаламбир, мурч селиб болаларга исқатар, уларнинг аксиришини кўриб овозининг борича хохолаб куларди.

Нурмуҳаммаднинг бобоси билан бувиси жуда ювош, мулойим одамлар бўлсаям Жониқул негадир уларни доим мазахлаб, қулиб юради. Бувисининг гапларига қараганда бир вақтлар Жониқул ўғлига Нурмуҳаммаднинг онасини сўраганига бош тортиб қочиб кетган экан. Шу-шу Жониқул кампирга сўз бермаскан. Мана ҳозир ҳам Жониқул кесатиб, бувисини калака қиларди:

— Ҳа, кампир, қочоқ қизингдан хат-хабар келиб турибдими? Нур боланг қалай? Етим кўзи асрасанг оғзи-бурнинг мой этар, етим бола асрасанг оғзи-бурнинг қон этар, деган экан эскилар.

— Нега бундай дейсан, Жониқул?! Қизим қочиб кетган бўлсаям, эри билан тотув яшааяпти. Қайси замондаги гапларни кўтариб юрибсан-а, Жониқул. Бунинг устига мен Нур боламини асраб олганим йўқ. Худода шукур, у ўз набирам.

— Бари бир у сенга бола бўлмайди. Улғайиб, ишга ярагандан кейин қизинг шаҳарга олиб кетади.

Нурмуҳаммад чидаб туролмади. Қани энди ўтган йил шаҳарга — ойисининг олди-га борганда кўрган шундай улкан машинаси бўлса-ю, Жониқулни бостириб юборса,

У ўрнидан туриб бувиснинг олдига борди-да, секин Тўрткўзни бўшатиб юбормоқчи бўлувди, Жоникул пайқаб қолиб:

— Ҳей, Нур хола, нима қилаяпсан?!— деганча велосипедини фазиллатиб ҳайдаб қочиб қолди. Бувиси ушлаб қолмаганда, Нурмуҳаммад Тўрткўзни қўйиб юбормоқчи эди.

— Буви, нега Жоникулни уришиб бермайсан-а? У ёмон одам.

— Қўявер болам, ҳар кимнинг феъли. Уям худонинг бандаси.

* * *

Бутун овул бўйича Серкабой чўпоннинг итидақа ит йўқ ўзи. Юнглари бахмалдай силлиқ, товланиб туради. Орқа оёқларининг пастки қисми оппоқ бўлиб, уни Тўрткўзнинг «носкачаси» деб қўйишарди. Шу вақтгача ҳеч ким Тўрткўзнинг қулоқлари шалпайиб турганини кўрган эмас. Ҳар доим шарпа тинглаётгандай динг. Чопишини айтмайсизми кўрмагурнинг. Белини камалак қилиб ер сузиб чопганида кийиклар ҳам доғда қолади.

Ёз ойлари сурув қирдан қайтгандан сўнг овул болалари Тўрткўзни олиб, суви қуриб қолган Жарсойга тушишиб «уруш-уруш» ўйнашарди. Шериклардан бирининг эгинини Тўрткўзга исқатиб туриб, кейин уни беки-тишар, Нурмуҳаммад сеvimли ити билан разведкага борарди. Тўрткўз яшириган болани толганида болаларнинг қувончли қийқириғи овулгача эшитиларди. Кейин улар Тўрткўзни конфет билан сийлашар (Нурмуҳаммад ўтган йил мактабга қатнай бошлагандан бери мактаб буфетидан конфет олиб келиб юриб, уни конфетга ўргатиб олганди), бундан Нурмуҳаммаднинг боши осмонга етарди.

* * *

Бугун ҳам Нурмуҳаммад Тўрткўз билан Жарсойдан алламақалда қайтди. Бувиси тайёрлаб турган овқатни шоша-пиша ичди-да, азбаройи чарчаганидан донг қотиб ухлаб қолди.

...Ташқарида кўройдин. Жоникулнинг дўкони олдига гўнғир-гўнғир овозлар эшитилади. Дўкон склади ёнида «Волга» турар, йўғон гавдали, оқ плаш кийган шляпали бир киши машина эшигига суяганча Жоникулга гап уқтирарди: «Хоҳласанг шу ерда пулла, хоҳласанг бошқа жойда, бу сенинг ишинг. Лекин ой охиригача менга «пачкаларни» оборасан. Тушундингми?» Жоникул, маъкул, дегандай қўлини кўксига қўйди. Бу пайт шу яқин ўртада ўралашиб

юрган Тўрткўз ўз одатига кўра овулда ёна гона одамлар пайдо бўлганини дарров илғади. У ўзини қизиқтирган гўнғир-гўнғирлар томон ўқдай отилиб келди-да, ҳамон машина эшигига суяганча турган шляпали кишига ташланди. Агар у эпчиллик қилиб ўзини ичкарига олиб қолмаганда борми, нақ... Жоникул ўтақаси ёрилиб, дўкон ёнига суяб қўйилган хода билан Тўрткўзнинг орқа оёғига урди. Ит вангиллаб орқасини тисарилди. Жоникул уни яна урмоқчи бўлиб бурилганди, ходанинг учи машина ойнасига тегиб кетди. Ойна дарз еди. Икки томонлама хижолат бўлган Жоникул «хлп, сеними», деб тишларини ғижирлатиб Тўрткўзнинг орқасидан сўкиниб қолди.

Улар шу алфозда яна анча гўнғирлашиб туришди. Кейин уйига қайтган Жоникул деворда осиглиқ турган милтиғини олиб яна дўконига қараб кетди.

Эртасига Нурмуҳаммад Жоникулнинг овозидан уйғониб кетди.

— Серкабой ака-а-а! У-ў-ў, кампир! Нима бало, қулоқларинг том битганми? Мана, итларингни олинглар, отиб ташладим. Туни билан ўтовим олдига менинг итим билан олишиб чиқди. Шунча ҳайдаганимга қарамай, Олапарим бечорани уёқдан-буёққа судрайвериб ўлар ҳолатга келтирди. Учоқбошимизиям тўс-тўполонини чиқариб юборди аблах,— шундай деб у қўра ёнидан чопиб келган чол-кампирнинг оёқлари остига итни ташлади-да, кейин индамай орқасига бурилиб кетаверди.

Кампир озгин елкалари титраб Жоникулнинг орқасидан қаргаганча итнинг олдига чўккалаб қолди. Серкабой чўпон эса ҳар доимги оғир-вазмин, ювш табиатига мос келмаган бир вазиятда кўзлари ғазабга тўлиб, соқоллари титрарди.

Тўрткўз чиройли ялтироқ юнглари қонга бўялиб чўзилиб ётар, ҳаммавақт динг турадиган қулоқлар шалпайиб кўзининг устидаги бир жуфт сариқ нуқта устига тушиб қолганди.

Ўтовдан отилиб чиққан Нурмуҳаммад Тўрткўзни бу ҳолатда кўриб серрайиб қолди, кейин ўзини ерга отиб, думалаб-думалаб, ўқсиб-ўқсиб йиғлай бошлади. Бобоси: «Қўй, йиғлама Нур болам, ҳамма бало шунга келсин, Жоникулни итнинг уволи тутсин! Узим сенга яна Тўрткўзингдак кучўк бола обкеб бераман»,— деб ҳарчанд овутмасин, унга бу гапларнинг биронтаси ҳам таъсир қилмасди.

Шу кун у мактабга бормади. Эртасига ҳам. Емас, ичмас, гапирмас, фақатгина Тўрткўзни ўйларди. Тоби қочиб, бир неча кун ётди.

Тузалгач ҳам болаларга қўшилгиси кел-

май юрди. Үртоқлари қанча қисташмасин, Жарсойгаям тушмади. У ерда нима қилади энди? Энди қандай разведкага боради? Тўрткўзсиз бу ўйинларнинг унга қизиғи бормиди?!

У бунинг ўрнига ҳар куни қирга — бобосининг олдига чиқиб кетарди-да, у ердан Жониқуллар ўтовини, унинг дўконини кузатиб ўтирарди. Бугун ҳам қирда чўзмакамалак ясаб ўтирар экан, ойиси билан ғойибона гаплаша бошлади:

— Сен билан дадам шу ерда бўлганларингда Жониқул Тўрткўзни отолмасди. У бобом билан бувимдан кўрқмайди. Улар қариб қолишган.— Бола «у» ҳарфи шаклидаги ёғочнинг бир томонига резинкани боғлаб, уни тортиб-тортиб қўйди.— Мен Жониқулни ёмон кўраман. Ҳали унга кўрса-тиб қўяман. Шаҳарга кетаман-да, у ердан олдин борганимда кўрган каттакон машинани миниб келаман. Кейин,— у резинкани ёғочнинг бу томонига ҳам боғлаб туриб лабларини маҳкам қимтиганча ипини қаттиқроқ тортиб қўйди,— кейин Жониқулнинг ўзиниям, дўкониниям машинам билан бос-тириб ташлайман.

Эртасига у қирга чиқмади. Жониқулнинг дўконга ўтишини пойлаб ўтирди. Мана ҳар кунги вақтидан эртароқ Жониқул ҳам ўтиб кетди. Бола унинг ортидан дўконга йўл олди.

Жониқул ичкарида харидорлар билан уймалашарди. Нурмуҳаммад Жониқулнинг дўкон орқасига суяб қўйган велосипеди ол-

дига борди. Уёқ-буёққа аланглаб қараб олди-да, кеча кўрадан топиб олган йўғон миҳ билан велосипед камерасини теша бошлади. Кейин яна қирга қайтиб кетди.

Кечга томон қирдан қайтгач, шаҳарга олиб тушадиган шағал йўлга бориб чўнтақларини юмалоқ тошчалар билан тўлдирди-да, яна Жониқулнинг дўконига йўл олди.

Атрофда ҳеч ким йўқ. Сурув эндигина қирдан қайтганлиги учун атроф ҳавоси чанг эди. Нурмуҳаммад катта бир кесакни дўкондан ўн беш қадамча нарига қўйиб пакка қилиб олди, кейин ўнг кўзини юмиб туриб чўзмакамалак билан дўкон ойналарини чил-чил синдира бошлади.

* * *

Эртасига эрталаб у бобоси билан бувиси кўрада қўйлар билан овора бўлиб юришганида ўрнидан турди-да, ўтовдан унча олис бўлмаган геологлар посёлкаси томон йўлга тушди. Ҳар куни эрталаб бу ердан шаҳарга машина бўлишини у биларди.

...Бир оздан сўнг чолини қирга кузатиб қайтган кампир ўтов атрофида уймалашиб юрганча, набирасини уйғотар эди:

— Нур болам, хў-ў, Нур болам! Тура қол, ўғлим!..

Нур бола эса бу вақтда қўлларини чўнтақларига солганча шаҳар томон кетиб борарди.

□ □ □

Баҳром МАҲМУДОВ



Педагог, Қаршида яшайди. Унинг шеърларида лирик кайфиятлар публицистик руҳ билан қоришиб келади.

ҚАЛБИМ

Қалбим ёйиқ шоҳи сўзана,
Севги унинг ўчмас каштаси.
Тўқиганман тунлари ёна
Сенга атаб дил фариштаси.

Ишонч, вафо ёр бўлиб ҳар вақт,
Толмас қанот бўлса юракка.
Шунда ишқнинг нурли сўқмоғи
Олиб чиқар бизни юксакка!

ОДАМ МОНОЛОГИ

Табиатдан яралганман,
Ўқ илдизим ерда маним.
Қиндик қоним томган тупроқ,
Шу — Ер менинг кенг Ватаним.
Мартабамдир — баланд тоғлар.
Кулгим эрур — кўкда қуёш.
Чидамимга олам қойил,
Бардошимдир метин ҳар тош.
Шалолалар шодлигимдир,
Порлоқ Хулкар — чақноқ кўзим.

Кўкда гумбур этган чақмоқ
Менинг айтган оташ сўзим.
Улуғ меҳнат менга — шараф!
Қўлларимда «Уроқ-Болға».
Олмос қирра онгим билан
Интилурман мудом олға.
Дунё умри — менинг умрим,
Ёшлигимдир — сўлмас кўклам.
Мен ҳаётда ўлмас бўлиб
Туғилганман, номим — ОДАМ!

О Й

Борлиққа сочиб ёғду
Ой чиқди, қаранг, хушҳол.
Чўққи курсида бир оз
Ўлтириб сурди хаёл.
Тасма каби товланган
Дарёларга термулди.
Лолаларга бурканган
Қирларга боқиб кулди.

Сўнгра секин жўнади,
Юлдузларни оралаб,
Юлдузлар кузатганча
Ортада қолдилар қараб.
Ой эмас — олтин олма,
Денгизда қалқа-қалқа,
Қирғоққа етган каби
Сўнг бекинди уфққа.





Зоир МАМАЖОНОВ

1949 йили Сурхондарё область, Денов районида туғилди. Урта мактабни тугатгач, ТошДунийг журналистика факультетига ўқишга кирди. Уни 1974 йилда татомлади. Ҳозир Денов район «Галаба учун» газетасининг масъул котиби. Ҳикоялари область, республика матбуотида босилиб туради.

РАИСЛИҚНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИ

Райондаги энг кенжа раис Фарҳод Нейматовичга тўй ўтиришмади...

У даврада бир-бири билан қўл ушлашиб ўйнаётган чол-камбирнинг муқомларини томоша қилиб ўтириб, бор овози билан яйраб кулди. Ижроқўм раиси энгашиб, унга хўмрайиб қараб қўйди. Фарҳод тева-ракка разм солса, бошлиқлар ўтирган қатордан фақат ўзи кулибди. У қизариб, сув ичди. Стоканда йилтираётган сувга тикилиб, ўйлаб қолди: «Мендан бошқа ҳеч ким кулмади-я. Ё, куладиган гап бўлмадимми? Энди мени бошлиқлар кайфи ошиб қолди деб ўйлашади...»

Тўй охирида, қиз-йигитлар, жувонлар жуфт-жуфт бўлиб ўйнай бошлади. Бирдан, унинг ҳам ўйнагиси келди. Қулочини кенг очиб, елкаларини қимирлатиб-қимирлатиб, эркакчасига бир ташламоқчи бўлди. Энгашиб, бошлиқлар тарафга кўз югуртирди. Улар ўйинни сукут сақлаб томоша қилишарди. Айниқса, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи худди қотиб қолгандек ўтирарди. Уларнинг овқат ейиши ҳам раҳбарларга хос. Фарҳоднинг энсаси қотди: «Тавба, нима бало, мажлис бўляптими бу ерда...»

Фарҳод даврада хотинини кўриб қолди. Афтидан Азиза ҳам бир ўйнагиси келиб даврага тушган эди. У чиқинг, ўйнаймиз, деган маънода имладди. Фарҳод ўрнидан турши учун тараддулланган эди, ижроқўм раиси унга ўқрайди.

— Раис деган раисдай ўтирсал

Фарҳод қулоқларига ишонмай бошлиққа, сўнг хотинига қаради. Азиза гинахон-

лик билан яна қўл силкиди. Фарҳод ўзинг ўйнайвер, деган ишорани билдирди. Хотини яна бирпас кутди. Фарҳод чиқавермагач, Шарифжон деган йигит билан жуфт бўлиб ўйнаб кетди...

Фарҳод ўзини ноқулай сезиб, чап томонига оғиб ўтирди. У кўрди — хотини Шарифжонга табассум ҳада этди... Фарҳод кайф устида баттар қизариб, ўнг тарафига оғиб ўтирди. Азиза Шарифжон билан энди қўл ушлашиб ўйнай бошлади. Фарҳод атрофга маъносиз аланглаб, «ҳм-ҳм», деб қўйди. Сўнг тиззаларини асабий ишқалай бошлади. Фарҳодга шундай туюлдики ё ростдан ҳам шундай бўлдики, ишқилиб Шарифжон унинг хотинига илжайиб... кўзини қисгандек бўлди...

Фарҳод сесканиб кетди. Лабига сигарета қистириб, кўкрак чўнтаklarини пайпаслади. Ҳеч нима тополмагач, ёнида ўтирган бозор директоридан ғугурт сўради. Гугуртни чирсиллатиб ёқиб, сигарета тутатди. Оёқларини чалиштирди. Сигарета тортиб, лабларини чўччайтириб, осмонга пуфлади. Кўз остидан хотинига қаради. Азиза завқ билан ўйнар, у яшнаб кетган эди. Фарҳод унга «бас, ўйнама» ишорасини қилмоқчи бўлди. Бироқ хотини унга қайрилиб ҳам қарамади. Тўрда ўтирган бошлиқлар туриб, кўчага чиқишди. Фарҳод ғаш бир кайфиятда машинасига қараб юрди. Ҳеч ким билан хайрлашмади ҳам. Борса, машинанинг орқа уриндигида Азиза ўтирипти. У ҳозир хотини ёнига ўтириши керак эди. Бироқ олдинги ўриндиққа ўтирди. Шофёрга, ҳайда, деди.

Машина уларни уйга олиб келди. Йўлда бир оғиз ҳам гаплашмадилар. Фарҳод негадир ўзини уйига ҳам, Азизага ҳам бегонадек сеза бошлади. Одатдагидек ён хонага кириб, ярим ечинганча ўзини диванга ташлади. Бир оздан кейин Азиза кириб гап-сўзсиз, чироқни ўчириб чиқиб кетди. Фарҳод кўзларини юмиб ўйлаб қолди: «Орамиздан мушук ўтдими десам, гап буёқда экан-да. Колхозга раис бўлмасимдан илгари шундай ётиб қолсам уйғотарди. Раис бўлганимдан буён қаерда ётсам ётиб қоляпман. Мен билан ишиям йўқ». У ўрнидан турди. Пайпаслаб, стул қиррасидаги костюми чўнтагидан сигарета олди. Сигарета тутатган гугурт чўпини ўчирмай, хотини ётган хонага юрди. Азиза кўзларини юмиб, чалқанча ётарди. Нафас олишидан ҳали уйғоқ эди.

Чўп ўчди. Фарҳод дераза тоқчасига суяниб, қоронғиликка тикилди. Азиза кўзларини очди. Эридан садо чиқавермагач, кинояли овозда:

— Гапирсинлар, Фарҳод Неъматович,— деди.

Талабалик йиллари уни ҳамма оддийгина қилиб «Фарҳод» дерди. Азиза билан эса сенсирлашиб гаплашарди. Азиза тўйдан кейин эрини ҳурмат юзасидан сизлайдиган бўлди. Ишга келгач, ҳамма уни Фарҳод Неъматович, деб атади. Фарҳод авваллари бу гапни ҳазм қилолмай, уялиб юрди. Сўнг, кўникиб қолди. Идорада шунга яраша ўзини тутди. Азиза бу гапни биринчи эшитганда қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Сўнг, уям эрини бошқалардек Фарҳод Неъматович деб атайдиган бўлди. Одамлар жиддий, хотини эса киноя, ҳазил билан шундай дер эди. Фарҳод хотинининг юзи ҳозир қай ҳолатда эканини тасаввур қилди. Зардали овозда:

— Нимани гапираман?— деди.

Азиза эса, аксинча, жуда мулоим, вазмин овозде жавоб қайтарди:

— Нимани бўларди, уёқдан-буёқдан, бир тутам қиёқдан-да, Фарҳод Неъматович. План масалалари қандай, минбар, қарсақлар, дегандай...

Фарҳод, хотини унинг устидан яна кулаётганини англади. Сигаретанинг чўғи бир яшнаб, яна пасаёди.

— Кўп майна қилма! Кўрдик, роса ташлашдиларинг!

— Ҳа, ташлашдик. Нимаёди, Фарҳод Неъматович?

Сигарета охиригача ёниб, Фарҳоднинг бармоғини куйдирди. У сигаретага тупуриб, деразадан чертиб юборди. Қоронғида мўлжаллаб бориб, тўшак ёнига ўтирди.

— Менга қара!

— Қараб турибман, Фарҳод Неъматович.

— Кўп гапни бурма! Шу кеча ё нари, ё бери бўламиз!

— Гапни бураётганим йўқ, Фарҳод Неъматович. Марҳамат, бурган бўлсам, шил йўлга солиб қўйишим мумкин: гапни Шарифжон билан ташлашганимиздан бошланган эдингиз. Шундайми?

— Ушанга тега қол, ўзиям йигитмисан йигит экан-да...

— Энди, Фарҳод Неъматович, уни сиздан сўрамаймиз.

— Шундай дегин? Йўғ-е? Унчалик эмасдир, хоним!

— Ҳадеб бир гапни такрорлайворманг. Бошқа гапларингиз ҳам борми?

Фарҳоднинг бор дунёси қоронғиллашиб, нима дейишини билмай қолди.

— Йўқ!

— Ундай бўлса, ухланг!

— Йўқ, мен орани очиқ қилмасдан ухламайман!

— Бир парда пастга тушсинлар, Фарҳод Неъматович. Келинг, энди музокарага ўтамыз.

— Қанақа музокара?! Нима, энди мажлисни масҳара қилмоқчимисан?!

— Яна бир парда тушсинлар, Фарҳод Неъматович. Мен сизга ҳурмат юзасидан ўзингизнинг тилингизда гапиряпман-да. Айтинг-чи, Фарҳод Неъматович, сиз мабодо осмонни кўтариб турганингиз йўқми?

— Ёпирым-е, ким айтди сенга Фарҳод Неъмат... Фарҳод осмонни кўтариб турибди деб?!

— Бўлмаса нимага бунча куйиб-пишпиз? Нима, сиздан бошқа катта йўқми?

— Учир овозингни!

Жимиб қолишди. «Ўзи нима бўляпти-а?— ўйлади у ўзича.— Азиза болаларини онасиникига атайин юборган экан-да. Шарифжон билан ҳам келишиб қўйган бўлса-чи? Қўлидан келади. У бекорга бутун бошли институт йигитларини куйдирмаган». Фарҳоднинг хаёллари чуваллашиб кетди. Эҳ, талабалик йиллари. Қадрига етмаган экан.

Азизанинг хаёллари ҳам талабалик йилларида эди: «Қандай яхши эди-я, талабалик йиллари. Районга ишга келган йиллари ҳам ёмон эмасди. Янги фильмларни қолдирмай кўришарди. Китоблар ўқирдилар. Ҳозир-чи? Кечалари бемаҳал келади, саҳарлаб туриб кетади...»

Фарҳод институтни тамомлаб келгач, қишлоқ хўжалик бошқармасининг уруғчилик бўлимига ишга жойлашди. Район иқроия комитети учун бир неча бор ҳисобот тайёрлади. Катта йиғилишларда ўсим-

ликларнинг уруғини кўпайтириш, улардан қандай қилиб юқори ҳосил олиш ҳақида маърузалар қилиб, назарга тушди. Райкомнинг биринчи секретари турли йиғилишларда уни анча саводли, ўсадиган мутахассис, деб тилга олди. Кўп ўтмай Фарҳодни бошқарманинг катта агрономлигига қўйишди. Сўнг, мана, ярим йилга яқинлашиб қолдики—раис. Секретарь бошқа районга ишга ўтди, ўрнига янги секретарь келди... Мажлис деса Фарҳоднинг юраги безиллайдиган бўлиб қолди. Мажлис ўзи қизиқ-да. Албатта кимдир мақталиши, кимдир танқид қилиниши керак. Турган гап, обрўли раислар мақталади. Бирор киши уларга тил теккизиб кўрсин-чи. Шартта ўринларидан туриб танқид қилаётган одамнинг гапини қайтариб оғзига уришади. Шунинг учун соддароқ, кўримсизроқ раҳбарга ёпишишади. Янги секретарь келгандан буён Фарҳод танқид учун объект қилиб олинадиган бўлди. Чунки, у ёш, та-рафкашлари йўқ...

— Айрим раисларимиз, ўртоқлар, масъулиятни ҳис қилмайди! Бундайларга шафқатсиз бўлиш керак!—деди бир гал ижроқўм раиси.—Масалан, мана «Қизил Байроқ» колхозининг пахтасини ҳашарот еб ётибди! Фарҳод Нетьматович эса, ўртоқлар, ҳақиқий тер тўкишга эмас, ўзини кўйди-пишди қилиб кўрсатишга устаси фаранг бўлиб кетган, ҳа!

— Сиз нега энди ҳадеб Фарҳод Нетьматовичга ёпишиб қолдингиз, нима, бошқа одам йўқми?—қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўтирган жойидан лўқма ташлади.

— Тўғри, бошқа одамлар ҳам бор, ўртоқ Турғунов! Ҳа, бор! Аммо улар меҳнат ветеранлари! «Қизил Байроқ» колхозининг раиси эса ҳали ёш, биз уни тарбиялашимиз керак! Ёшлар билан ишлаш ҳозирги

куннинг актуал проблемаларидан бири, ҳа!

Тўғриси, бир нима дейишга Фарҳоднинг юраги бетламади. Рост, камчилик бор, айтганларидай айрим жойларга ҳашарот тушган. Ниҳоят, қутулиш йўлини тутди:

— Жуда тўғри танқид, ўртоқлар! Ваъда бериб айтманки, камчиликларни тузатиш учун барча кучимизни сарфлаймиз. Резервларни ишга солаемиз!

Ҳаммасидан ҳам уйига врач юборишгани ошиб тушди. У иситмаси кўтарилиб ётган эди. Райондан врач келиб: «Сизнинг соғлиғингиз ҳақида районга ахборот беришимиз керак», деди. Фарҳод бу врачни яхши танирди. Район бош врач. Одам сифатида анча мулоҳазали, кўп нарсалар билан чиқишмайди, деб эшитган. Шунинг учун ҳам уни ўзига яқин олиб, ёрилди:

— Очиқ айтинг, Мардонов ака! Шуям гапми? Ўша сизни юборган одамга айтмадингизми, ўзингиз бирга юринг, мен ҳам алдашим мумкин, деб!

— Хафа бўлманг, Нетьматович ука, ижроқўм раиси айтгандан кейин келдим-да. Медицина ёрдами кўрсатинг деса, йўқ, бориб текшириб кўринг, ҳозирги ёшлар айёр бўлиб кетган, дейди.

...Фарҳод қоронғига тикилиб хаёл суриб ўтириб, раис бўлгандан буён биринчи марта... ўзи, Азиза ҳақида ўйлади. Ўринни пайпаслади... Хотинини излади. Аммо топа олмади. Оралари жуда, жуда узоқдай эди. Фарҳод жойига қайтиб ўтириб уф тортиб юборди. «Билдирмай чиқиб кетдимикин?... У икки қўллаб пайпаслаганча эмаклаб бораверди. Ора ҳамон узоқ эди... Шунда хотинининг эрқаланган овозини эшитди:


— Нимани излаяпсиз?

— Сени.

— Мана мен...—Хотинининг тафтли қўллари унинг билагидан ушлади...



Абдуқодир НИЁЗОВ



1952 йил Андижон шаҳрида туғилган. 1975 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети-нинг журналистика факультети кечки бўлимини тугатган. Ҳозир «Тошкент оқшоми» газетаси редакциясида ишлайди.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР ЯЛПИЗЧА

Тонгда Тўғаноқ соҳилига бордим. Соё лабда гуркираб ўсаётган ўт-ўланларнинг бўйлари димоққа гуп уради. Уларнинг ичида ялпиз ўткир ҳиди билан ажралиб турарди. Қуёш сари бўй чўзаётган ялпизлардан қувониб-қувониб тердим. Маза қилиб ҳидладим. Руҳим енгил тортиб, ғайратим жўшди. Яна ялпиз тергим келди. Топа олмадим. Бироқ қидиришда давом этдим.

Кекса бақатерак пойидаги заъфарон ажриқлар орасида кичкина, ям-яшил ялпизроқчани кўриб, юрагим ҳаприқди. Бу — ялпиз эди! Ялпизчани қуёш меҳридан, баҳор эпкини ва инсон нигоҳидан яширишга уринган, умри ўтган ўтларни юлиб ташладим. Озод бўлган нозик ялпизчани тўйиб ҳидладим. У аввал терган барча ялпизларимдан ҳам хушроқ бўй таратарди...

ҲАЁ

Гул нафис пардалари остидан уфққа боқди. Бўзарибди. «Келяпти». У чехрасидан пардасини олди. Қирмизи, нимпушти, зангори юзидаги кўзёши — шабнамни тонг эпкинида шоша-пиша қуритди. Шаббоданинг тарағида таранди.

Қуёш уни узоқдан кўриб, жилмайганича қадамини илдамлатди.

Интизор нигоҳлар тўқнашди. Бир-бирларига тикилишганича бир зум лол қолишди. Қуёш унинг ҳаё, ибо тўла япроқларига, тош қалбларни ҳам эритгудек қудратли, мафтункор гулбаргларига тикилди. Қони чунонам жўш урдик, қирмизи дудоқларга лаб босмоқ учун эгилди. Бироқ, гул пардасини ёпди. Ошиқ қалби қафасдаги қушдай типирчилади, бўзлади: «Нега ундоқ қилади? Наҳот ишонмаса?!»...

Қуёш кўкда муаллақ қолиб, ялинди, ёлворди. Гул юзини очмади. Наҳотсиз Қуёш бошини мағрур тутиб, у томон қарай-қарай пастга кета бошлади.

Гул хатосини англаб, у ёнимга қайтар, парвона бўлар дея кутди. Қуёш ҳатто қилрилмади. Шунда у пардаларини ҳар томон отиб, ошиғи кетаётган тарафга илтижо, интизорлик билан боқди. Қуёш ёниб-куйиб, уфққа сингиди...

...Намозшомгул Қуёшни ярим тунга қадар кутди. Келмади. Охири уйқуга таслим бўлди. Тушида йиғлаб чиқди. Тонг отмасдан уйғонди. Яна ўша ҳолат такрорланди. Ҳаё ва ғурур севишганларни ҳикронинг отди...

ҚАРҒА

Унинг ҳаловати йўқолган...

Сумалаклар йиғлай-йиғлай адо бўлишди. Қуёш кўринмас қалами билан она-ер бағрига турфа манзаралар чиза бошлади. Навқирон фасл уйғонмоқда. Бундан ҳамма, айниқса, серҳикмат, залворли тоғлар шод. Нуруний тоғларнинг севинч ёшлари оппоқ соқолларидан тома-тома жилға бўлиб, томирдаги қондек кўпириб, уйғониб келаятган фасл ташналигини қондиришга ошиқмоқда.

Ҳа, борлиқ баҳорни олқишламоқда! Новдалар хандон пистанинг мағзидай яшил куртакчаларини кўрсатди. Шу кичик тугунчада борлиққа шодлик, бахт ҳадея этувчи қудрат бор. У кун сайин улғаймоқда. Аммо

қарғанинг кўнглига ҳеч нарса сиғмайди, вақти-бемаҳал қағиллайди... У уйғониб келаятган баҳорни бўғмоқчи, ўша аёзли, шўх-шодон кунларини қайтармоқчи. Бунинг учун умри тугаб бораётган қишдан ҳам ёрдам сўрашга тайёр.

...Қарға новдаларга маржондек тизилган куртакларни ҳаром тумшуғи билан уриб тушира бошлади. Битта новдадаги куртакларни йиқитгач, кўнгли ўрнига тушди шекилли, атрофга мағрур нигоҳ ташлади. Лекин теваракда саноксиз куртаклар борлиги, ўз ниятига ета олмаслигини сезиб, аламли қиққирди-да, қаёқларгадир учиб кетди...



Темур НОРОВ

1938 йили Бухоро районидаги Мугулон қишлоғида туғилган. 1964 йили Бухоро Давлат педагогика институти тарих-филология факультетини тугатиб, шу институтнинг ўзбек тили кафедрасида ишлаган.

1975 йили академик В. Абдуллаев раҳбарлигида «Жонмуҳаммад Жоний ва Толиб Толибийларнинг адабий мероси» мавзусида илмий иш ёқлаб, филология фанлари кандидати илмий даражасини олган. Ун-ўн беш йилдан буён шеър машқ қилади. Шеърлари республика матбуотларида эълон қилинган. Шеърларидаги ўйчанлик, фалсафий мушоҳадалар шеърхонни ўзига жалб этади.



* * *

Икки ўрик соясида тебранади беланчак,
Офтоб секин пишмоқда.
Бункер-бункер «оқ олтин»ни бўшатаркан

келинчак,

Боласини эмизмоққа шошмоқда.
Она шодмон, кўкси ёнар истиқбол қуёшидан,
Бахт калити қўлида.
Бахт қуёши айланади йироқ кетмай бошидан,
Орзу ёнар дилида.
Беланчакда дўмбоғини қучиб ўпар юзидан,
Иссиқ кўксин тутати.
Кўксидаги сути билан Ватан меҳри ўзидан —
Боласига ўтади.

ҲОВУЗ

Қишлоқ сийнасида
Не орзу билан
Яралди дилҳузур янги бир ҳовуз.
Мен ҳовуз лабида чалиб чанговуз,
Ўзимни кўрардим ойнасида.
Суви ҳам бўзадек дилкаш, мазали,
Мисоли қайси бир шоир ғазали.
Маҳлиё эдим мен дилбар куйига,
Гоҳ тунлар келардим ҳовуз бўйига,

Қарасам, бағрида қанча юлдузлар,
Жилмайиб ўзига бир маскан излар.
Келсам кундузлар —
Ҳовузнинг қалбида қуёш бор эди,
У зиллол бу сувга кўп хумор эди.
Қуёшга ҳовуз ҳам гўё бир осмон,
Ажралмас ҳеч қачон икки меҳрибон...
Қишлоқ сийнасида дилҳузур ҳовуз,
Қирғоғида чалдим чанговуз...

АЖАБ ДУНЁ

Қизиқ дунё!

Дерлар бордан йўқ бўлмас асло,
Улар фақат бошқа рангда кўринар аммо,
Одамзот ҳам шундаймикан?!

Ҳа, бу — ҳақиқат!

Бошқачароқ бир ташбеҳни изладим фақат.
...Минораи Калон билан бўлсам юзма-юз,

Оқ саллалай файласуфдек кўрсатар у юз.
Донишмандга, санъаткорга ўхшайди чунон,
Дарҳақиқат, алломани эслатар, инон.
Демак, кимдир зарра-зарра ва бўлиб кукун,
Ўзлигини минорага ўтказган бутун.
Илму дониш, ҳарорату ҳам кўз нуруни,
Қувватини, талантини, қалби қўруни,
Секин-секин санъатига эта бошлаб нақш,
Ҳаётини минорага этган экан бахш.
Ва ёзибди:— Умр ўтар, дунё бебақо,
Минора бу — борлигимдир, мен — уста Бақо!
Ғаройиб-ку, одам — минор, қаранглар, мана,
Унинг руҳи, орзулари шунда тантана!
Минорага боқиб тўймас одамлар кўзи,
Хулосаси:— Уста Бақо ўлмабди ўзи.
...Навоийнинг «Девон»ини қолдим варақлаб,
Ҳар мисраси офтоб мисол турар чарақлаб.
Бу мисрамас, Навоийнинг юрак кукуни,
Девонлари орасида ўзи бутуни.
Дўстлар, демак инсон кетмас тамом йўқолиб,
Қаранг, улар кўринмоқда бошқа ранг олиб.

* * *

Онт ичиб тутдим қалам — мен шеърият майдонида,
Не илож, орзу агар жўш урса одам қонида.
Бир умиднинг эвазига минг маломат заҳмати,
Майлига, от сурдим энди шеърият бўстонида.
Шоҳи султондек бу майдон тахтида Эркин турар,
От суриб Фирдавс мисол Абдулла анинг ёнида.
Файласуф Тўлқин, Жамолу ҳам Омонлар бир тараф,
Бир тараф Гулчеҳра, Ойдинлар ижод айвонида.
Сарбаст майдонида от сурди Рауф неча тонг,
Гул очилди Шер, Мухаммадлар, Тилак достонида.
Яшину Уйғун, Ҳамид, Зулфия, Туроб — дарғалар,—
Қанча шогирдпешалар таъзимда — не армонида.
Назм кўшқида Алишер, Увайсийлар хандон турар,
Бошимиздан мисли офтоб шеърият осмонида.
Заррасан, ўпгил буюклар қўлини, эй Темуро,
Зарра ҳам офтоб жигарбанди умид бўстонида...

ТУТ ВА ТОЛ

Ўсдилар ҳовлида тут, тол ёнма-ён,
Қарайман, ўйлайман, нега бундай ҳол —
Иккови қуёшни ичиб баравар,
Ҳосилдан қилмайди тол нега ҳаёл?!

Соясига ўзи бўлиб маҳлиё,
Тол баҳор — ёзини елга совурди.
Мева деб умрида гулламади у,
Ҳамиша шамолнинг базмида юрди.

Тут эса изланди қуёшни ўқиб,
Эл аро меваси манзуру ҳавас.
Ҳаттоки, томиру илдизи шифо,
Япрогин шираси кимхобу атлас.

...Умрининг кузида ўйғонибди тол,
Ҳосилсиз ўтгани қилмоқда алам.
Бунга дарахт чидаб турибди алҳол,
О, лекин чидарми бу ҳолга одам?!

Арофат НОСИРОВА



«Қишлоқ ҳақиқати» газетасида ишлайди. Шеърда сўз ва оҳангни яхши ҳис қилади. Машқларида қизларга хос майин латофат мавж уриб туради.

ГУЛДАСТА

Қалбинг аллалаган дилбар куйлардек,
Зебо гул маржони солланар боғда.
Кўзларим қамашар, туриб қолдим тек,
Беғубор чиннигул товланар боғда.

Шўх, қувноқ қизларнинг лаби янглиғ, оҳ,
Дилрабо нигоҳи ёнади ял-ял.
Аста одимладим, қаршимда ногоҳ,
Лозор гилами ёнар нақ машъал.

Майми ё чечаклар мени этган маст,
Ажиб оҳанг билан лиммо-лим кўнглим.
Ҳар нечук сархушман, сармастман-сармаст,
Ахир гўзалликдан энтикмайди ким?..

Дилимда завқу шавқ туғёнда, бугун
Гулдаста боғлади Арофат сизга.
Бўлсин шу гуллардек чеҳрангиз гулгун,
Тўкин бахт тилагум мен ҳаммангизга!

КИМНИДИР...


Кимнидир севади юрагим,
Кимнидир...
Кимнидир қувади юрагим,
Кимнидир...
Кимгадир хўп хумор сўзларим,
Кимгадир...
Кимгадир унсиз куй чалади,
Кимгадир...

Кимнидир оташга солади,
Кимнидир...
Кимнидир излайди қўшиқдан,
Кимнидир...
Кимгадир вафодор бу кўзлар,
Кимгадир...
Кимгадир жавобкор бу сўзлар,
Кимгадир...

БАҲОР ОВОЗАСИ

Баҳор овозаси келади кундан,
Майин-майин сочилиб шуъла.
Сумалаклар эриб бугундан,
Ер бағрига солар гўлгула.
Баҳор овозаси келади гулдан,
Димоқларга пуркаб атрини.
Қўшиқ тингла, тингла булбулдан,
Баҳор таронаси, баҳор сатрини.
Баҳор овозаси келади ҳар бир
Япроқ ёзган кўм-кўк ниҳолдан.
Деҳқон эса ёзади ҳовур,
Кетмонини қўймасдан қўлдан.
Баҳор овозаси келади кўзни

Қувонтирган яшил бойликдан.
Оташ бўлиб ёнганда қизни
Чеҳрасида тўлган шодликдан.
Баҳор овозаси келади намхуш,
Олтин тупроқ ҳароратидан.
Бойчечакни қилади олқиш,
Ёмғир ювиб чангни бетидан.
Баҳор овозаси келади тошиб,
Шалоланинг шўх куйларидан.
Қўшиқ айтай меҳримни кўшиб,
Далаларнинг илк тонларидан.
Баҳор овозаси келади...



Тўра НОРБОЕВ

Сурхондарё область, Термиз районида туғилган. Илк машқлари «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» газеталари ва «Гулхан» журналида эълон қилинган.

СИРТЛОНТУЁҚ

Бу воқеа 1950 йилнинг қаҳратон қишида бўлган эди. Сурхон даштларида одатда, қор жуда ҳам кам ёғади. Лекин ўша йили қор шунчалик кўп ёғдики, ҳатто уйимизнинг керагалари ҳам қорга кўмилиб кетди. Акаларимнинг айтишларига қараганда, отам вафот қилган йили ҳам худди шундай қаттиқ қиш бўлиб, кўп қор ёққан экан.

Бугун ҳам қоронғи тушиши билан қор-бўрон бошланди. Қора уйнинг эскириб кетган кигизлари тешигидан қираётган қор учқунлари ичкарининг ҳар жой-ҳар жойини оқартириб қўйганди, уй совуқ эди.

Онам: «Туйнукни ёпиб қўйинглар», деди. Мен акаларим орасида кўрпанинг ичидан бошимни чиқармасдан ётардим. Туйнуги беркитилган уйнинг ичи аччиқ тутунга тўлиб кетди. Биз кўзимизни юмиб олгандик. Фақат онам билан опам кўзларини зўрға очиб, хамир ийлашарди. Шу пайт ташқаридан Бўйноқнинг безовта бўлиб ёнгишигани эшитилди. Одатда бундай пайтларда акаларимдан бири ташқарига чиқиб хабар олар, борди-ю, биронта мол оғилдан чиқиб кетган бўлса, бизни чақирарди. Акам икки марта ташқарига чиқиб, тинчлик, деб қайтиб келди. Онам эса: «Итга овқат бердингларми!» деб опамдан сўради. Кўрпадан бошимни чиқармасдан гапга аралашдим:

— Узимиз кўмманинг қачон пишини кутиб ўтирибмиз-у, сиз итни сўрайсиз.

Онамнинг гапларини қайтариш одобдан эмасди, лекин жуда очиққан эдик. Онам индамасдан уҳ тортиб қўйди. Акам яна

ташқарига чиқди. Бўйноқ баттароқ депсинар, занжирни узғудай зарб билан аччиқ-аччиқ хурарди. Акам яна бир марта сомхонани, оғилни қараб келди.

— Тавба,— деди хамирини тугатаётган онам.— Бўйноқ бекордан-бекорга бунчалик безовта бўлмасди. Ўзини қўйиб юборчи! Сичқон юрган бўлса ҳам толиб олади.

Бўйнидан занжир олиниши билан Бўйноқ отилиб уй ортига ўтиб кетди ва итми ё бўри биланми олиша бошлагани эшитилди. Биз ҳам ташқарига югурдик. Қарасак, бегона бир ит Бўйноқни ерга ётқизиб олибди. Акаларим уйдан косов, таёқ олиб чиқишди. Бегона ит Бўйноқни тишламас, фақат уни силтаб отарди. Уни савалай кетдик. Лекин бегона ит уйдан бир қадам ҳам нари кетмас, орқа оёқларини остонага тираганча калтакларга дош бериб турарди. Опам фонусни олиб чиқди.

— Ие,— деди акам,— бу ўзимизнинг Сиртлонтўёқ-ку.

Мен Сиртлонтўёқ ҳақида онам ва акаларимдан кўп эшитганман, лекин унинг ўзини ҳеч кўрмагандим. Шу пайт унга жуда раҳим келиб кетди. Онам ҳам хамир қўли билан чиқиб келди.

— Бечоранинг пешонаси ёрилибди,— деди акам ва итнинг бўйнидан қучоқлаб олди.

Опам акамдан хафа бўлиб:

— Қўй-е, олдин қарамайсанми, ҳадеб калтаклайвергунча,— деди.— Шуни айтади-да, ит эгасига содиқ деб, бўлмаса отам ўл-

ганига шунча йил бўлибди-ю, ўсган уйини излаб келибди.

Акам Сиртлонни сомонхонага киритиб қўйди. Мен нонимнинг ярмини унга бердим.

Онамнинг ҳикоя қилишича, отам урушдан қайтаётганда Тожикистоннинг Вахш дарёси кўприги тагидан Сиртлонтўёқни топиб олибди. Ҳали кўзи очилмаган кучукчани кимдир қолдириб кетган экан. Онам, бу бўри оладиган ит бўлади, деркан. Ҳақиқатан ҳам Сиртлонтўёқ икки йилдаёқ кўшни чўпонларнинг ман-ман деган итларини енгадиган бўлиб, отарнинг олдида юришдек фаҳрга сазовор бўлибди. Сиртлонтўёқ отам билан бирга уч йил тоғма-тоғ, адирма-адир, чўлма-чўл кезган.

Отам ўлган кунни ҳам худди шундай қорбўрон бўлган экан. Уша йили Бандихондаги отарлардан бўрилар ҳар кунни икки-учта қўйни олиб кетар экан-у, лекин бизнинг отаримизга яқин келишга ботина олишмас экан.

Шу кеча онам ўша пайтда Бандихонда жойлашган отарларнинг шўрини қуритган Кўкбўри билан Сиртлонтўёқнинг қандай олишганини ҳам гапириб берди.

...Бир кун хуфтон пайтда қўйларимиз гур этиб Сўхта тарафдаги катта сойликка тушиб кетади. Шу пайт отам битта катта Кўкбўрининг ҳисор-ширвоз кўзичоқни бўйнидан маҳкам тишлаб етаклаб кетаётганини кўриб қолибди. Кўкбўри жуда абжир ва айёр экан. У семиз ва ёш кўзичоқларни бўйнидан тишлаганча, худди одамдек етаклаб, думи билан қўй қуйруғига уриб, чоптириб кетаркан. Кўкбўри пастки сойга тушган пайтда Сиртлонтўёқ этиб олибди. Бўри кўзичоқни ерга ётқизганча тошни тошга ургандай тишларини қарсиллата бошлабди. Одатда бундай пайтда кўпчилик ит унга яқин келолмас экан. Сиртлонтўёқ эса тап тортмай олиша кетибди. Кўкбўри ҳар қандай олғир итни ҳам томоғидан олиб, бўғиб ташларкан. У Сиртлонтўёғимизни ҳам шундай қилмоқчи бўлибди. Лекин ит унинг бўйнидан маҳкам тишлаб тагига босиб олибди. Орадан бир оз ўтгач, Сиртлонтўёқ уни қўйиб юборибди. Кўкбўри яна унга ташланибди, узоқ олишувдан кейин у таслим бўлиб, қочиб қолиш пайига тушибди. Шунда отам қўштиғидан ўқ узиб уни йиқитган экан.

Ҳикоя охирида онам:— Сиртлонтўёққа Бўйноқ нима бўлибди, хайриятки, ўлдириб қўймагани,— деди. Кейин:— Унга яримта кўмма билан сув беринглар,— деб тайинлади.

Қизиқ, отам вафотидан кейин чўпонлар Сиртлонтўёқни Бойсун тоғларига олиб ке-

тишган экан. Лекин етти жойга — Ҳўжақиндан — Бандихонга, Бандихондан — Тўғма, Тўғиздан — Тахияга, Тахиядан — Ангор даштларига қўчиб келибмиз-у, у бизни топиб келибди. Туни билан мижожа қоқмадим ҳисоб, тезроқ тонг отишини истардим, кўнглимда Сиртлонтўёқ кетиб қолмасайди, дердим, уни ёруғда бир кўриш иштиёқи менга тинчлик бермасди.

* * *

Мана, қиш ҳам охираб Сурхон дараларида тўрғайлар сайрашиб қолди. Илиқ шабада сўнги қорларни ҳам эритиб, ариқларни лойқатиб, ўлкага баҳорни олиб келаяпти. Остонамизга туташган Сурхон—Шеробод чўлига юриш бошланган. Тракторнинг овози кечаси билан ўчмайди. Тракторчилар туни билан қўшиқ айтиб ер ҳайдашди. Сиртлон эса уйдан сал наридаги отамнинг отига қилинган охур ичида ётибди. У сўнги яраларини тили билан ялаб даволаяпти.

Бир кунни онам қўлимга нон ўралган туғунча тутқазиб, бобонгдан хабар олиб кел, деди. Бобом кўшни қишлоқда эди. Йўлда Эшмўмин бобонинг машҳур Бобик исмли ити дуч келишидан чўчиб, Сиртлонни ҳам эргаштириб олдим. Одамларнинг айтишига қараганда Бобик от устидаги одамни ҳам ағдарган экан. Кечқурунлари эса қишлоқдаги биронта ит ҳам унга рўпара келолмасди...

Эшмўмин бобо уйи ёнига етганимда Бобик занжирни узиб кетди. Қўрқанимдан ўрик устига чиқиб олдим. У ариқ бўйида чўнкайиб ўтирган Сиртлонни кўкраги билан уриб сувга йиқитди.


Бобик Сиртлонтўёққа нисбатан анча ёш эди. Сиртлон ариқдан чиқди. Унинг туллаб кетган юнглирдан сув сизиб оқарди. Бобик яна икки марта Сиртлонни ерга ётқизиб, ғажий кетди. Итимга ачиниб, кўзларим ёшланди. Бобик Сиртлонтўёқни баттар судрар, энди тузалаётган яраларини яна қонга белаган эди. Лекин Сиртлонтўёқ ҳужумга ўтай демасди. Ёки олишолмай қолганмикин? Эҳтимол чўпонлар ҳам уни бўри оломай қолгани учун ҳайдаб юборгандирлар. Сиртлонтўёққа қанчалик раҳмим келмасин, пастга тушолмасдим. Шунда онамдан эшитган Сиртлон ҳақидаги ҳикояларимга ишонмадим. Бу ўша Сиртлонтўёққа сира ўхшамасди. У балки қочмоқчидир? Йўқ, Сиртлонтўёқнинг қочиб нияти йўқ эди. Бир олддан кейин унинг елка жунлари тиккайди, ўрнидан ирғиб турди-да, шиддат билан ҳамлага ўтди. Ҳатто гавдаси катта Бобик ҳам энди унинг бирон жойидан тишлаб олмай қолди. Сиртлонтўёқнинг овулимиз-

даги мард полвонлардек жанг қилишини шунда биринчи марта ўз кўзим билан кўрдим. У худди Кўкбўри билан олишгани каби Бобикнинг елкасидан оёғини ўтказиб олди-ю, орқа оёқларини ерга тираганча унинг жағи аралаш маҳкам тишлади. Бобик беҳол ерга йиқилди. Эҳтимол Бобикнинг ҳам биринчи марта йиқилишидир. У

тезроқ туриб кетмоқчи бўлар, лекин ётган жойидан қўзғалолмасди. Охири кучук боладай вангиллай бошлади. Шу пайт Эшмўмин бобо келиб қолди. У қўлидаги бели билан Сиртлонтўёқнинг елкасига туширди. Кейин Бобикни бўйнидан ушлаганча уйи тарафга бошлаб кетди. Бобик ҳатто орқасига ҳам қарай олмади...

□ □ □

ОЛИМ ОТАХОНОВ



1951 йили Тошкент шаҳрида оддий ишчи оиласида туғилди. Урта мактабни тугатгач, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетининг кечки бўлимида ўқиди. Ҳарбий хизматда бўлди. «Ёш ленинчи» газетасида ишлади. Ҳозир Уқитувчилар уйида кутубхоначи. Матбуотда 1969 йилдан кўрина бошлаган.

ЧАНОҚ

Кичкина, панжарали эшикча очилиб, нимқоронғи, илиққина уйчага оппоқ тонг нури кириши билан каптарлар чўчиб-чўчиб тўйнуқ олдига келишди. Ичкарига муздек, майин, фақат юксакликда қуёшнинг заррин нурлари остида чарх уриб учаётган чоғда ҳис қилиш мумкин бўлган шамол ёпирилди-да, каптарларнинг қизғиш, яшил тўшларига урилди, момиқ патларини тўзғитди. Аввал Чаноқ номли оппоқ каптар остонага яқин келди-да, сабрсизлик билан талпинди, сўнгра кўркам қанотларини ёйиб бирдан салқин, ҳузурбахш ҳаво денгизига отилди. Ана-мана дегунча қолган каптарлар ҳам унинг ён-верида ҳозир бўлдилар. Атрофни шўх қанот товуши тутди. Севинчдан боши айланаётган Чаноқ ўқдек кўтарилиб, қуёш нурининг қизғиш шуъласида жилва қилаётган томлар, тебраниб турган яшил дарахтлар устидан учиб кетди.

Чаноқ ёш эди. Тажрибасизлигидан хавф-хатар олдида питирлаб қолар, ўзига ортиқча ишонар, шунинг учун ҳам унга етакчилиكنи муносиб кўрмасдилар. Аммо учишга келганда унга тенг келадигани йўқ эди. Айни куч-қувватга тўлган ва узоқларга бетўхтов учишга муштоқ қанотлари байроқдек ҳилпираб, бошқа каптарлар чиқолмайдиган юксакликка осонгина кўтарилар, бундан кейларда тўда унга эргашишга мажбур бўларди.

Чаноқ ҳамон юқорилаб, гавдасини қиялатиб, ортига қайрилмасдан учар эди. Каптарлар шунча тезлик билан учсалар-да,

узоққа кетмас, инлари жойлашган ҳовли, кўча устида айланаб юришарди.

Каптарлар охириги марта катта доира ясаб олишди-да, ўннга бурилиб биллурдек тиниқ, денгиздек мовий кўринувчи юксакликка кўтарилди бошладилар. Энди уларни, тўда бошлиғи, бутун вужуди, ялтироқ занг кукунига белангандек кўринувчи «Новототи» исмли қари каптар бошлаб кетди. Чаноқ ўксиниб, пастга кўз ташлади. Ловиллаб турган оппоқ ҳовур ичида қизил дўппи кийган ва қўлини силкитаётган болани, доим ўзларини сўридан, тарнов бағирларидан ҳайдайдиган хунук аёлни, офтобда ястаниб ётган бароқ бир махлуқ—мушукни ғира-шира кўрди-да, ўнга яқин каптарлар ортидан кетди.

Чаноқ галанинг чап томонида учиб борарди. Ёнидаги ҳаддан зиёд ўйноқи Тождор унинг энгил, шамолдек эркин учишига қитмирлик қилиб, халақит берарди. У асабийлашиб, яқинда даврага қўшилган ва ҳалитдан кўпчилиكنи қайириб олган олдидаги семиз, ҳурпайган қора каптардан ўзиб, кўкраги камалакдек товланувчи Товус ёнига ўтиб олди...

Чаноқ оламни беҳад севарди. Яшашга бўлган иштиёқини фақат парвоз чоғида намойиш қилар, атрофидаги қушларни интилишсиз, шавқсиз яшаётганлари учун унча хуш кўрмас, ёт-беғоналарини-ку бутунлай ёқтирмас эди. Том бошида латта боғланган ёғочларни силкитиб хуржитмоқчи бўлган одамларни, баъзан тош отиб, баъзан

ҳавас билан кузатган болаларни кўпда пай-қамас, зотан уларнинг ёмон ниятда қул-лоқни қоматга келтирувчи товушда қичқи-риши, қўлга тушириш учун дон сепишлар-рига тушунмас ҳам, Чаноқ буларни пар-войига келтирмас ҳам эди. Чунки унинг то-мирида ёшликнинг қайноқ, асов қони кў-пириб оқарди.

Чаноқ кўққисдан юқорига кўтарилиди-да, ўқ теккандек шувиллаб пастга туша бош-лади. То баланд теракларнинг ясси япроқ-ларига тегай дегунча пастлаб, оппоқ қанот-ларини еллиғичдек ёйди-ю, чархдек ўйнай кетди. У эркин ва шод айланар, олам унинг учун дилбар масканга айланган эди. Беш-олти марта шох ташлагач, ўзини шундоқ-енгил ҳис қилди-ки... Аммо саодатли қўш-гагина маълум бўлган эркинликнинг беқиёс лаззати қанчалар тотли эканини бировга айтиб беришга у ожиз эди.

Осмон борган сари тиниқлашади. Қу-ёшнинг олтин коптоғи тобора юқори кўта-рилади.

Каптарлар яна ярим соатча учишгач, орт-га қайтдилар. Энди уларнинг қанот қо-қишларида боягидек эҳтиросли куч сезил-маса-да, ҳаммалари аллақандай мамнуни-ят билан шошилмай келар эдилар.

Гала йўл-йўлақай баланд бир томда дам олгани кўнди. Чаноқ хушламайгина Товус-нинг рўпарасига — қийшайиб, ичини чи-ринди ва чанг босган тарнов четига ўр-нашди. Атроф жимжит. Кафтдеккина ҳов-лида дарахтларнинг узун соялари оҳиста солланади.

Чаноқ шарқираб оқаётган сув салқини-ни илғаб сергак тортиди. Сўнг, ёнига яқин-лашиб ғашига тегаётган семиз, кўзлари қип-қизил Рояндан қутулмоқ учун учиб, ариқ лабига тушди. Тумшуғини сувга суқиб, юқорига кўтарди-да, ютина-ютина ташна-лигини қондира бошлади. Тепадан каптар-ларнинг «қубб-қубб»и эшитилди. У сузи-либ қанотини керди-да, юқорига учиб чиқ-ди. Унинг ўрнини Роян эгаллаб олганди. У сал нарига кўнди. «Хуб-хуб»лаб Товус-нинг заррин либосига, одоб сақлаб тури-шига, бошидаги кичкина яшил тожга ҳа-вас билан қараб ёнига яқинлашди. Келиб суйканди. Роян «гув-гув»лаб яна Чаноққа тегажаклик қила бошлаганди, Товус унга отилиб, кўкраги билан уриб юборди. Шу чоқ қолган каптарлар гур-р этиб кўтари-либ қолшди. Қолганлари ҳам пайсалламай тўда кетидан учишди.

Таниш, қадрдон ҳовлига етишгач, бирин-кетин уйчаларига киришди. Бу ер эрталаб-га қараганда анча ёришган, исиб қолган эди. Лекин Чаноқ бари бир ўзини диққи-нафас ҳис қилди.

Ҳар куни, айниқса, кейинги ҳафталар давомида бошланиб бугунга қадар давом этаётган, улар учун кучли одат тусига кир-ган эрталабки сайр унинг жонига тегма-ганди. Ҳатто донлашдан кўра учишни кўп-роқ ёқтирарди.

Кўққисдан эшикча очилиб, таниш қўл ичкарига суқилди-да, жонҳолатда бурчак-ка қисилган Чаноқни ушлади. Унинг юра-ги қинидан чиқиб кетай деди. Иссиқ вужу-ди совиб қолгандек бўлди. Чучмал ҳид ўрнашиб қолган таниш қўлда турган бўл-саям, кўрқувдан ўзига келолмасди. Одам-нинг кафтида туриш, диққинафас хонада яшашдан минг чандон оғир эканлигини у энди пайқади. Бармоқлар уни қаттиқроқ сиқаётгани етмаётгандек, мутлақо бегона қўл тумшуғидан ушлаб тортиди. Кўзлари олайиб, қорачиғи ичига тушиб кетаёзди. Эгаси бармоқларини бир оз бўшатганди, Чаноқ қутулдим деб ўйлади. Йўқ! У бош-қа муздек бармоқлар исканжасига тушди. Бу нотаниш қўл уни кўкси аралаш ушла-май, томоғидан ўтказиб тескари ушлади. Қанотлари оғриди. Шу дақиқадан бошлаб бу чоғроқ ҳовли, ундаги ачимсиқ ҳид бос-ган уйчан, Роянни, Товусни кўришдан Ча-ноқ узоқ муддат маҳрум бўлаётганини билмай қолди.

Кечга яқин ўзини бегона ерда, аммо ил-гариги бошпанасига қараганда кенг ва ёруғроқ, баҳаво уйчада кўрди. Тақдирига тан бергиси келмай, қўш табақали эшик панжарасига бир-икки марта кўкраги би-лан бориб урилди. Сўнг бўшашганча юм-шоқ нарсага кўксини бериб ётди...

Тонг отди. Оламга ёруғлик бахш этувчи қуёш ўзи билан Чаноққа сайрнинг чексиз завқини ҳада этарди. Бу сафар тонг унга мутлақо номаълум қисматнинг биринчи ку-нини олиб келганди.

Аввал ёнида баҳайбат қора каптар пай-до бўлди. Кейин ўзини ушлаб, қанотлари учини қирқишди. Патлари орасидан ип ўт-казишди-да, яна инига улоқтиришди. Шу билан унинг аччиқ турмуши бошланди. У кунларнинг ўтишини сезмас, қора каптар-дан ҳайиқар, фақат очиққанда, унинг ёни-да бемалолроқ донларди. Янги ҳаётга кў-никиб борган сари, қора каптарни ўзига яқин ола борди.

Ниҳоят бир куни, бу ерга келганига тах-минан ой тўлганда Чаноқ ўзида ҳамхо-насига нисбатан илиқ майл сезди. Айни ҳисни қора каптар ҳам туйди шекилли, келиб Чаноққа суйканди. Чаноқ ўзини олиб қочмади, фақат истамайгина «қубб-қубб»-лаб, четланди...

Баҳор ҳам тугади. Олов нафасини пур-каб ёз келди. Дилгир оқшомлар қанчайин

чароғон бўлмасин, қанчайин хушманзара бўлмасин Чаноқ учун тутқун кунларнинг давомидек туюлаверар эди. Гарчи, баъзан ҳовлига қўйиб юборишса-да, қанот қоқмай, қадрдон осмонга кўтарилмай, уёқ-буёққа юриб вақтини ўтказарди. Кеч тушганда соатлаб, бир умид оғушида ташқарига қараб кўкрагини хас-хашакка бериб ётарди. Қоронғи кеча қаърида дарахт шохла-рида қунишиб ўтирган мусичаларнинг эрки унинг учун эришиб бўлмас бахтдек туюлади. Унинг парвоз қилгиси, узоқроқ қанот қоққиси келади. Табиатнинг буюк кучига бўйсуниб, гоҳо ташқарига чиқиш илинжида қалин сим панжарага ўзини уради. Бу вақтда унинг қанотлари аслига қайтиб, эгаси ипини ечиб ташлаганди...

У илгаригига қараганда анча тўлишиб, гавдасида вазминлик ҳис қилар, баъзан учолмай қолиш хавфидан чўчиб-чўчиб кўярди.

Безовталиги авжига чиққан кунларнинг бирида суякларигадаги қаттиқ оғриқдан талвасага тушди, кейин бирдан оғриқ пасайди. Насл қолдиришнинг абадий қонуниятига бўйсунганча, оппоқина тухумни бағрига олиб, узоқ ётди. Ана шу дақиқадан бошлаб унинг учун зеркиш ҳам, учиш ҳам ўз мазмунини йўқотди. У энди уззукун

тухумини авайлаб, эҳтиётлаб босиб ётар, ортиқ ҳеч нарса керак эмаслигига амин эди.

Ниҳоят бир куни... тухумдаги ўзгаришни пайқади. Зийракланиб, уйчада уёқ-буёққа юрди, нима қилиш кераклигини Чаноқ билмасди. Биринчи марта она бўлаётганди!

Субҳидам чоғи тухумча дарз кетди. Чаноқ тараддудланиб чиройли тумшугининг учи билан тухумга бир-икки урган эди, ёрилди. Сарғиш, мўъжазгина, энди ғимирлай бошлаган вужуд Чаноқнинг томирларидаги қонни жўштирди. Унда оналикнинг беқиёс гўзал саховати аста-секин уйғона бошлаганди...

...Эртасига, қуёш чиқмасдан бурун, таниш, кичкина, панжарали эшикча очилиб, нимқоронғи, илиққина пичан ва тупроқ ҳиди анқиб турган уйчага тонг нури ёпирилиб, тўйнуқ олдига келган бир тўда каптарлар қатори озгина хас-чўп ёпишган тўшини кўтариб учишга шай каптарни бутунлай ёритди. У мовий, мусаффо ҳаво денгизига отилай-отилай дерди-ю, аммо вужудида аллақандай ички хотиржамлик, фақат тажрибали қушларга хос босиқлик сезиларди.

Бу, Чаноқ эди...

□ □ □



Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ

Тошкентда туғилган. Касби журналист. Кўп йиллардан бери «Муштум» журналида ишлайди. Кўплаб ҳажвиялари газета ва журналларда эълон қилинган, улар жамланиб, «Муштум» сериясида алоҳида китоб ҳолида ҳам чоп этилган.

ТОҒ ҚИЗИ

Баъзан ўйламай қилиб қўйган ишинг орқасидан қанчалар хижолат чекиб юрасан, киши. Қоратоғга чиққанимиздан бери тоғ эсимга тушса, ҳамон хижолат бўламан. Аммо, ўша тоғ қизининг қўлидан тутиб ўтказган бир неча дақиқали дамлар, унинг довураклиги, сеҳрли қўшиғи ҳамон қалбимни ҳаяжонлантиради.

Воқеа бундай бўлганди: ўртоқларимнинг сўзига қулоқ солмай, уларни булоқ тепасида қолдириб, баланд қояга ёлғиз чиқиб кетдим. Тоғқа боришнинг гашти ҳам шунда-да, ахир.

Анча юрганимдан кейин хушовоз булбуллар макони ҳам, тоғни аллалаётган жарангдор шалола ҳам, киши кўнглини маст қилувчи турфа-турфа тоғ гулларининг хушбўй атри ҳам орқада, пастда қолиб кетди. Мен ҳамон ўша қояга тирмашардим. Энкайиб юришнинг иложи қолмагач, эмаклаб юриб кўрдим. Охири бунинг ҳам иложи қолмади. Қоя бўлса, яқинлашиш ўрнига, ҳамон узоқлашарди. Чиқишга кўзим етмагач, нафасимни ростлаб орқага қайтмоқчи бўлдим. Утириб шундай орқага қарасам, эҳ-ҳе, ўртоқларим тугул булоқ тепасидаги улкан сада ҳам кўринмасди.

Юқорига интилибман-у, орқага қайтиб тушишни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Бу нарса мени ташвишга солиб қўйди. Пастга бир икки қадам босай десам, қияликда тойиб кетишимга сал қолди. Ўзим ҳам жуда юқорига чиқиб кетган эканман. Бу ерга мenden бошқа ҳеч ким чиқ-

маган бўлса керак, деган фикр кўнглимга келди ўша пайт.

Бошқа вақт бўлганда, ён-веримдаги беқиёс гўзалликлардан роса завқланган бўлардим-у, аммо шу топда юрагимга қил ҳам сизмасди. Ёқимли қўшиғим ҳам кўркувимга таскин беролмасди.

Юрак ҳовучлаб ўтирганимда, юқоридан ашула эшитилди. Бошимни кўтардим. Қарадим-у қувончдан сакраб юборай дедим. Агар пастда шундай ҳаяжонлансам, балки, ўйинга тушган бўлармидим!

Ун саккиз-ўн тўққиз ёшлар чамасидаги бир қиз елкасига сават қўйиб ўзини хиёл орқага ташлаб, юқоридан эркин тушиб келарди.

Унинг чеҳраси, узун-узун киприги ярашган шахло кўзлари ёлқиндек чакнарди. Овози эса тоғда шундай акс-садо бериб жаранглардики, буни сўз билан таърифлаш қийин эди. У мени пайқаб, қўшиғини тўхтатди.

Ёнимга етиб келгач, тушолмай ўтирганимни сездим шекилли, саватни чап қўлига олиб, ўнг қўлини менга узатди:

— Чиқишга чиқиб қўйиб тушолмаётганга ўхшайсиз-а?— деди беғубор жилмайиб. Мен эътироз билдирдим:

— Йўғ-э, қўйинг, синглим, ёш болани етаклагандек, ўзим ҳам туша оламан.

— Бу ерда тортинчоқлик кетмайди...— деди у буйруқ оҳангида. Унинг товушидаги тоғликларга хос кескинлиги мени ранжитмади. Тоғликлар шу оҳангда гапирган-

лари билан қалблари шалола сувидек мусаффолигини кўп эшитганман. Биз етаклашиб тоғдан туша бошладик.

Қиз менга йўл-йўлакай тоғнинг гўзаллигини мақтаб, кўринган қоянинг орқаси бу ердан ҳам гўзал, мевазор эканлигини завқланиб гапирган сари мен ўзимни қўрқоқликда, иродасизликда айблардим. Қизга бўлса тик қарай олмас, сўзларини тўлиқ эшитолмасдим.

Биз булоққа яқинлашгач, қиз мен билан

хайрлашиб, ўннга бурилиб кетди. Уртоқларим мендан хавотир олиб туришган экан, буни кўриб (рашқдан бўлса керак) бири олиб, бири қўйиб таъна қила бошладилар.

— Биз сендан хавотирланиб ўтирибмизу, сен бўлсанг...

— Ким экан ўзи у соҳибжамол?

— Дарров қандай таниша қолдинг..

Мен уларнинг саволларига жавоб бермадим. Тоғ қизининг тошдан-тошга оҳудек сакраб юриши мени лол қилиб қўйган эди.





Муҳаммад ПИРРИЕВ

1946 йили Бухоро областининг Қорақўл райониде гуғилган. Асли касби шифокор. Тошкент Давлат медицина институтини битирган.

1976 йилдан республика матбуотида, жумладан, «Муштум» журналикда ўз ҳажвиялари билан чиқа бошлади.

БИЗ КИМЛАРДАН КУЛАМИЗ!

ҲАЖВИЯЛАР

ОМОНАТ

Кетди-кетди деган шовқин-сурондан уй-қониб кетдим. Қарасам, ҳали каллаи саҳар. Фақат қўшнимиз Боқи беданавозникида фарёд тинмасди. Бирор жойга ўт кетдимикан ёки ўғри-пўғри тушдимикан, деган хаёлда тўнимни елвагай олдим-да, кўчага отилдим. Қарасам, мендан бошқа ҳам тўрт-беш ёш-яланг, саҳаргашта чоллар тўпланишибди. Нима гаплигини суриштирдим. Боқи бобонинг беданасини қафас-пафаси билан ит кўтариб кетибди.

— Вой, шунга шунчами, бедана ҳам мол бўлибди-ю, тонг саҳарда мунча одамни бошига тўплаб, э худо кўтарсин сен қариб қуйилмаганини,— жавради ҳовлиқиб бош-яланг чиққан Қумри кампир.

Боқи бобонинг жазаваси авжиге минди:

— Ушланглар уни, мана буюққа кетди занғар, эш-ш-шақдай келадиған қора ит экан.

Бобонинг кўнгли учун ёшлардан иккитаси қўлларига паншаха олиб итнинг орқасидан югурдилар.

— Сабил қолсин ўша бедана, менга қафасни келтиринглар, қафасни,— ҳамон жағи тинмасди бобонинг.

— Бедана от билан туя бўлибдими, бунча азият чекасиз, қафасни ҳам ясаб оласиз,— қарияни тинчлантирган бўлдик биз.

— Ясаб оласиз эмиш-а, ясаб оласиз эмиш! Менинг охиратим кетди у қафас билан.

Бизлар ҳеч нарса тушунмай бир-биримизга қарадик. Шу пайт итни қулаб кетган ёшлар келишди. Бирининг қўлида бўш қафас турарди. Бобо қафасни юлқиб олди-да, уёқ-буёғини апил-тапил пайпаслай кетди. Ҳолсизланиб энди ерга ўтирмоқчи бўлганида ҳалиги йигит илжайганича қўлтиғидан бир даста пул олиб узатди.

— Беданангизни ит еб кетибди, хайриятки пулни ит емайди.

Тўпланганларнинг бири ёқа ушласа, бири хандон отиб қуларди.

ХАТО

Дўқиев даҳшатга тушди. Қўлидаги омбирда тиш билан бирга тил ҳам илиниб турарди! Кўзига ҳадеб суднинг қора курсиси кўринаверди. Шу аснода бемор аёл чаккасини ушлаганича чиқиб кетди. Дўқиевни совуқ тер босиб, беморлар учун қўйилган креслога ўтириб қолди...

Эшик «ғийқ» этиб очилишидан ўзига келиб бундай қараса, қаршисида давдай бир йигит турарди. Дўқиев гарданига тушадиган муштдан ўзини асраб иккала қўлини қалқон қилган эди, ҳалиги йигит мулойимлик билан гап бошлади:

— Ака, шуни олиб қўйинг.

Дўқиев қараса, йигитнинг қўлида бир чангал пул...

— Йўқ, йўқ. Мени ким деб ўйлаясиз!

— Жо-о-н ака, олинг, оз бўлса яна қўшаман.

— Ахир бундоқ тушунтирсангиз-чи, нима хизматларим учун бу?

— Ҳалиги тишини олдирган аёл менинг қайнонам бўладилар. Тиллари шундай ҳам заҳар эди-ки... Жо-о-н ака, йўқ деманг, олинг!

«ИХТИРО»

Шанба куни эди. Кузакнинг офтоби элтиб бир оз мизгиган эканман, бир нарса оёғимга суйкалгандай бўлди. Сесканиб кўзимни очсам, бир махлуқ менга тикилиб турибди. Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Ё алҳазар, тушиммикин?! У ер-бу еримни чимчилаб кўрсам, оғриқ сезади, демак уйғоқман. Менга термилиб турган бу таъвия нима бўлдикин? Кўриниши мушукка ўхшайди, лекин тишларигача қоп-қора. Дам-бадам аянчли қилиб «мияу-у-у», деб кўяди. Ер депсиниб, пишт-пишт, дедим. Сал четлашиб яна «мияу-у-у», дейди. Шовкин устига ўғилчамиз югуриб келди:

— Ия, бу ўзимизнинг мушугимиз-ку!

— Бекорларни депсан, бизнинг мушугимиз оппоқ эди.

Шу пайт мушук эркаланиб ўғлимга суйкалди. Ўғилчанинг оппоқ шими қоп-қора бўлди. «Ие, буни ким қорага бўяб юбордикин?» деб ўйладим. Сир эртасига ошкор бўлди.

Бозор куни эди. У-бу нарса харид қилиш учун бозорга тушдим. Қайтаётганимда кўшнимиз Содиқжон учраб қолди. Йўл-йўлакай гурунглашиб келдик. Аста-секин гап мавзуи яқинлашиб келаётган қишга кўчди. Мен уч тонна кўмир ғамлаб қўйганимни айтиб керилдим. Фақат контрамарка

печкамиз дуд қайтаришидан нолидим. Кўшнимга жон кирди.

— Мана бизда-да, иложи!

— Мен ҳам эшитдим. Икки челақ сувни томга олиб чиқиб, мўридан қуйиб юборсанг, вассалом дейишди. Ишонқирамай турирман.

— Бэ-э-э, ҳеч қанақа сув-пувнинг кераги йўқ.

— Хўш-хўш?— қизиқиб сўрадим.

— Мен сизга айтаман-у, бошқалар эшитмасин. Мана бизнинг ҳам контрамарка тикилган эди. Бултур қишда роса қурум ютдик. Нима қилсамикин деб юргандим, кеча калламга ажойиб бир фикр келди. Юовошгина каттакон бир мушукни тутдим-да, томга олиб чиқиб, мўридан ташлаб юбордим. Пастга тушиб печканинг ичига калламни тиқиб, «пиш-пиш»лаб роса чақирдим. Тушавермагач печканинг ичига бир-икки қийма гўшт қўйдим-да, уйнинг эшигини очиб қолдириб кўчага чиқиб кетдим. Келиб қарасам, полда мушук излари, печка тагида эса бир челақча қурум Кўрдингизми бизнинг ихтирони!

Кўз олдимга қоракуяга ботган мушугимиз келди.

— Ҳа, қўшникжон, кўрдим...

МАШИНА

Янгангиз, бир тикув машинаси олиб берсангиз, у-бу нарсаларни ўзим тикаверардим, деб жон-ҳолимга қўймади. Ахир дам олиш куни, тикув машина кўрган борми, деб шаҳарга равона бўлдим. Магазин-магазин юрганимда шундай рўпарамдан қадрдон ошноларимдан бири чиқиб қолди.

— И-и-и, ассалому-алайкум. Шаҳарга тушибсиз, тинчликми?

— Ҳа, ҳалиги... янгангизга бир машина олиб бермоқчидим.

— Жуда камтарсиз-да, Меливой ака, жуда камтарсиз. Ахир ўзим олмоқчиман деб қўя қолмайсизми?! Хайр, соғ бўлинг, ишим тифзирок.

Кар билан соқов гаплашгандай бир-биримизни тушунмай хайрлашдик. Хуллас. «Белорус» маркали тикув машинасидан бирини харид қилиб келиб янгангизни роса қувонтирдим. Энди кечқурунги овқатга ўтирган эдик ҳамки, дарвоза тақиллаб қолди. Очсам, беш-олтита ошнолар илжайиб туришибди.

— Ассалому алайкум, келинлар, келинлар...

— Ҳа, энди, айтмасангиз ҳам келавердик, бир табриклаб қўяйлик деб.

— Жуда яхши, кининлар, марҳамат!

Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Алло, ҳа, Меливойман.

— Табриклайман тоғажон, табриклайман. Бир оғиз билдирмайсиз-а! Йўлга чиқдик, ҳозир етиб борамиз.

Энди оғиз жуфтлаган эдим, трубкани қўйиб қўйди, гапим томоғимда қолди. Бу шаҳардаги жиянимиз эди, сал ўтмай тўлиб-тошиб етиб келишди. Хуллас, ҳовлимиз тўйхонага айланди-қолди. Утирганлардан бири ҳазиллашиб дуо қилди,— илоҳи омин, йўли равон бўлсин, соатдай чиқиллаб ишласин.

— Меливой, бу дийман «Москвич»ми ё «Жигули»? Ўзи ҳам «люкс»идандир-ов!

— «Белорус»идан, ака, «Белорус»идан, ўзи ҳам айтганингиздай соатдек чиқиллаб ишлайди.

— Қўйинг ҳазилингни, нима, «Белорус» олиб ариқ кавларминдигиз?!

— Ранги қанақа, тоғажон, «молочний» бўлса кераг-а,— гапга аралашди жиян.

— Рангини қанақа десаикин, ранги ёнғоқ рангида, ҳа-ҳа, ёнғоқ рангида, қутиси ҳам фанердан ишланган.

Утирганлар хандон отиб кулишиб, гапимни ҳазилга йўйишди.


— Ювишдан олдин бир кўрсак,— яна гапга аралашди жиян.

Шарт ўрнимдан турдим-да, бешикдай келадиган тикиш машинасини кўтариб чиқдим.

— Мана, марҳамат, қанча тикиш-чатиш бўлса келтираверасизлар, янгангиз шарилатиб тикиб бераверади!



ОМОН РАЖАБОВ



Қардош Тожикистоннинг Евон районида яшайди, терапевт-врач. Омоннинг шеърлари равонлиги, жўшқинлиги билан ажралиб туради.

МАРДОНАЛИК ҲАҚИДА

Жаҳоннинг зийнати мардоналикдан,
Жаҳоннинг қиймати мардоналикдан.
Тарихлар қаърини порлатгучи нур,
Асрлар шуҳрати мардоналикдан.
Жаҳонлар қалбини пайванд этар куч,
Буюклик ҳикмати мардоналикдан.

Ҳақиқат нахлиги кўкламги ёмғир,
Ғизоси, қудрати мардоналикдан.
Бу шева шарпаси минг-мингта дoston,
Ғазал, шеър шавкати мардоналикдан.
Бировлар илқидан кутмас Омон бахт,
Баланд бахт, давлати — мардоналикдан.

ТОРТИШ КУЧЛАРИ

Космик кема кетди Ердан йироқлаб,
Мувозанатсизлик қаърига тушди:
Куррамининг тортиш қуввати тугаб,
Гўёки ожизлик наҳрига тушди.

Кема узоқларда, унда космонавт
Минут сайин қаттиқ тортилар Ерга.

Қалби қистар, тезроқ етсайдим, дейди,
Муқаддас тупроққа, қонсайдим меҳрга.

Мана, у сеvimли она-Ватанда,
Дўстлар даврасида масруру мағрур.
Қуёш ҳам фазодан олқишлагандай
Порлоқ чеҳра билан сочар заррин нур.

ҚОРЛИ ТОҒ

{Лавҳа}

Баланд тоғ қартайган бир она мисол
Епинган бошига оқ доқа рўмол.

Утирмиш юзида беҳисоб излар,
Тоғ ости чашмалар — киртайган кўзлар.

Кумушранг жилғалар монанд сочига,
Тоғнинг тизмалари — қўл, қулочига.

Бағрида фарзанди — яшил далалар,
Бошига онаси тақмиш лолалар.

□ □ □



Абдумурод РАҲМОНОВ

Бойсунда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Тиниқ ҳис, самимият билан ёзади. Унинг машқларидаги эҳтиросли мисралар ўқувчи қалбига ширин ҳиссиёт бахш этади.

МЕҲР

Қирқ учинчи йилнинг айнаи ёзида
Курскда йўқотди битта оёғин.
Тор кўриниб кетди олам кўзига,
Уйлаб ҳаётининг бундан буёғин.
Госпиталда ётиб ўйлади узок
Дилбарининг ундан «юз буриши»ни.
Нақадар даҳшатдир орани узмоқ,
Кутарми гулдек ёр мажруҳ кишини?!
Бир куни... қалбида минг бир изтироб,
Қўлтиқтаёқ билан дарвоза қоқди.

Келинчак эшикни очди-ю, шу тоб
Кўзёши юзидан сел бўлиб оқди.
Йўқ, вафодор ёри юз ўғирмади —
Йигит ўзин кўрди қайноқ қучоқда!
Шу дам тоғни ортса кутарар эди
Бир оёғу икки қўлтиқ таёқда!..
Ҳозир йигит чолу келинчак — кампир,
Болаю неварам... йўқдир асло кам.
Инсонга инсонлар кўрсатган меҳр
Топиб берар экан йўқотганин ҳам!

ҲАМДАМЛИК

Маҳаллада бўлар тўй,
Кураш, улоқ... яйрар дил.
Буюрдилар:— Тез бўл, ҳей,
Одамларга хабар қил!

Маҳаллада мунг, ғусса,
Кўзларда нам, дил чил-чил.

Буюрдилар оҳиста:
— Одамларга хабар қил...

Ҳа, келса шодлик, қайғу —
Бир-бирова ҳамдаммиз.
Зотан, шу олий туйғу —
Бор учун ҳам Одаммиз!

ДИЛ ДАРДИ

Бир орзиқиш, дард билан
қўлга қалам оламан,
Ўзи дардсиз битилган
шеърга ким ҳам қарайди?!
Ўзга дардин олмасам,
гулдек сўлиб қоламан,
Мен дард билан ёзган шеър
малҳамликка ярайди.

Мен дард билан ёзган шеър
ўзга дардин олганда,
Вужудимда қуш каби
бир енгиллик туяман.
Дил шу дарддан воз кечиб,
Ҳувайдо бўп қолганда —
Умримга ҳам, эй дўстлар,
сўнги нуқта қўяман!

□ □ □

Қутлибека РАҲИМБОЕВА



Туркменистон ССР Тошовуз районида 1952 йили туғилган. 1973 йили Фарғона педагогика институтини тугатди. Илк шеърйи машқлари «Коммуна» газетасида, «Гулистон», «Саодат», «Шарқ юлдузи» журналларида эълон қилинган.

ШУ СЕВГИНИ СЕВАМАН

Бир нарсани истайман...
Уриklar оппоқ бўлиб гуллай бошлаган чоғда,
Олчалар қизғиш бўлиб гуллай бошлаган чоғда,
Жонингни яратгувчи хуш ислар келса боғдан,
Нурларнинг лаби теккан ерлар ҳам гуллаб қолар,
Бироқ ернинг гуллари яшил рангларда ёнар.
Деҳқон ернинг гуллари — ғўзаси, бугдойига,
Сўнгсиз орзулар билан термулиб тургани дам,
Унинг кўз қорасида бир севгини кўраман,

Шу севгини севаман.

Митти кўзида шодлик порлаётган болажон,
Ёш жувон оғушида ўйнаётган болажон.
«Ойи», деб яна недир гуврангандай туюлар,
Фарзандидан эшитиб ўзининг янги номин,
Онанинг вужудига дунё севинч қуюлар.
Унинг кўз қорасига қарасам агар шу дам,
Ҳеч нарсага қиёсиз бир севгини кўраман,

Шу севгини севаман.

Мен-чи, қуёш остида яшаётган одамлар
Шу қуёш остидаги гуллаб ётган нарсани,
Ҳатто гул очмоқликни орзу қилганларни ҳам,
Деҳқон севгиси билан севолса экан дейман,
Яна қуёш остида яшаётган одамлар,
Шу қуёш остидаги гўдакдай софликларни,
Она юраги билан ардоқлай олса экан,
Она севгиси билан севолса экан дейман!

Шу севгини севаман!..

* * *

Қувонаман, сулув тонлар кўкнинг сутранг этаги
Уригимнинг маржонларин сут рангига беласа.
Уша оппоқ гулларимни қуёш қилиб элаги
Миттигина майсаларга нурларини эласа,
Қувонаман.

Қувонаман —
Қўнғир ернинг кўрпасидан бошин кўтариб ғўза,
Юзларида порилласа шуъла — кулдиргичлари,
Еру боғларнинг чиройи сиғмай тошса кўзимга,
Еру боғлар ёнларидан кетолмай қолсам нари,
Қувонаман.
Қувонаман —
Офтоб бутун юзи билан Ерга термулиб қолса,
Нуқра тусли пахталарим гупурса чаноғида.
Уша дамда «қувонч» отлиқ бошқа бир қуёш ёнса,
Бу дамларни интиқ кутган деҳқоним нигоҳида,
Қувонаман.
Шунда мен ҳам юрагимни майин ҳисга тўлдириб,
Энтиктирган қувончларга қўшилмоқни истайман.
Унинг олранг, ўтрангдаги битта қатраси бўлиб,
Она замин вужудига тўкилмоқни истайман!
Жуда-жуда истайман!

* * *

Ёмғирдан сўнг бошим яланг далаларга чопаман,
Бола шавқи бир лаҳзада қуюлади дилимга.
Камалакнинг чиройига ҳайрат билан боқаман,
Уни бир бор сийпаб кўргим келар доим қўлимда.
Титраётган майсаларни сийпалайман авайлаб,
Қўлларимнинг тафти билан илитмоқчи бўламан.
Кунни қўйиб юбормаган булутларга тикилиб,
Кўзларимнинг чўғларида эритмоқчи бўламан.
Қалбим билан қучоқлайман еру осмон орасин,
«Меники», деб шивирлагим келар жуда ҳам шу пайт.
Айтолмайман, гарчанд уни жондай севсам-да беҳад,
Ҳа, «меники» дейиш учун еру осмон орасин,
Фақатгина севгим етмас, бор умрни бермоқ шарт!


БИР ШАКЛ ЧИЗАЯПМАН...

Бир шакл чизаяпман...
Бир шакл чизаяпман кўпдан буён жон ҳалак,
Қуёш чиққанида ҳам, ботганда ҳам олмай тин.
Султонлар-чун нақш ўйган наққош каби жонсарақ,
Ҳар нуқтага тикиб жон, эҳтиёткор ва секин.

Бир шакл чизаяпман...
Оламнинг рангларига кўнгилгинам тўлмай мен,
Узга ранг излаяпман, топаяпман ўртаниб.
Ўзим кашф этган рангнинг номини ҳам билмайман,
Лекин у яшил, қизил, мовий ҳам бўлмас аниқ.

Бир шакл чизаяпман...
Уни бир бор чизарман, чизиб бўлмас иккинчи,
Истайман, чизганларим бўлиб қолмасин хира.
Бузилса тузатиб ҳам, бўяб ҳам бўлмас сира,
Оламларга сиғмайди хира бўлса ўкинчим.
Бир шакл чизаяпман...

Қўлларим чизмаётир, чизмоқда туйғуларим,
Бу шакл ҳам аслида менинг ниҳол ўйларим.
Ўйларимни тўқаман шу шаклга, шу изга,
Сўнг уни чизарманми сизнинг ҳам ўйингизга.
Бир шакл чизаяпман...



Касби — журналист. Унинг машқлари эса шеърят мухлисларига кўпдан таниш. Муроджоннинг кўп шеърлари қўшиқ қилиб ҳам айтилади.

ҚУШИҚЛАР

МЕНИНГ ЮЛДУЗИМ...

Шу оламда яшарсан ахир,
Излаб-излаб топарман бир кун.
Изларингдан чопарман бир кун,
Шу оламда яшарсан ахир...

Меҳр тўла кўзингга боқиб,
Орзуйимга қанот оларман,
Юрагингда мангу қоларман,
Меҳр тўла кўзингга боқиб...

Қайдан излай, дилим баҳори,
Висолинга етиб бўлурми?

Мен истаган бахт топилурми,
Қайдан излай, дилим баҳори?..

Сен — хаёлда порлаган юлдуз,
Энг вафодор, энг содиқ дилдор.
Кулиб турган, чеҳраси гул ёр,
Сен — хаёлда порлаган юлдуз...

Шу оламда яшарсан ахир,
Излаб-излаб топарман бир кун.
Изларингдан чопарман бир кун,
Шу оламда яшарсан ахир...

ҚАЛБ ОРЗУСИ...

Қўшиқларда куйласам назокатингни,
Кўриб турсам кўзингда садоқатингни...
Сезиб турсам мудом қалб ҳароратингни,
Ўйламоқлик бурчимдир фароғатингни.

Тонгда кулсанг бир бора, кечгача дил шод,
Табассуминг орзуга бағишлар қанот...
Меҳринг билан шириндир, лаззатли ҳаёт,
Истайман, ёр, ҳамиша камолотингни!

Бахтиёрман дунёда, сен билан шодон,
Парвонасан ёнимда, тенгсиз меҳрибон...
Яшнар кўнглим сен билан, доим бўл омон,
Ҳар ютуқда сезаман шарофатингни.

Ёр учун сен шунчалар фидокор бўлсанг,
Ардоқлайин умрбод бахтга ёр бўлсанг.
Муродимга етарман — вафодор бўлсанг,
Ҳеч узмасанг кўзимдан назоратингни...

ҚИШЛОҒИМ ДАЛАСИ...

Қишлоғим даласи чорлайди мени,
Кумуш, дур толаси чорлайди мени.
Дўстлар шўх яллasi чорлайди мени,
Ҳар меҳнат палласи чорлайди мени.

Эгатларда жўшар ҳаёт нафаси...
Қўшиқ бўлиб чорлар қушлар навоси.
Элининг кўнглидек тоза ҳавоси...
Қишлоғим даласи чорлайди мени.

Бутун гўзалликлар қишлоқда гўё,
«Олтин қўл»ли деҳқон қўлида дунё.
Унда қалбим ёққан бир малак сиймо,
Қишлоғим даласи чорлайди мени.

Нурларга тўладир қиз пахтазори,
Бораман кулсин деб бахтим баҳори.
Соғиндим, Муродим, қалб ифтихори—
Қишлоғим даласи чорлайди мени.

САМИМИЙЛИК...

Сен борсанки, ҳаёт ширин, ишқ барқарор, самимийлик,
Сен борсанки, дўстлик мангу, ёр вафодор, самимийлик.

Сен бор жойда кўнгил равшан, диллар чароғон ҳамиша,
Сен бор жойда йўқдир ғараз, йўқдир озор, самимийлик.

Сен бор жойда турмуш гўзал, кулиб боқар бахт, истиқбол,
Сен бор жойда яхшилик бор, эзгулик бор, самимийлик.

Сен борсанки, софдил одам, эл фаровон, замон хуррам,
Сен бор жойда бўлмас гумон, йўқ ҳеч ғубор, самимийлик.

Сен борсанки, чеҳралар, гул, барча шодон, табассум мўл,
Сен борсанки, кўнгилларда доим баҳор, самимийлик.

Садоқат ҳам пок хислатлар, сен-ла яшар саодатлар,
Ватан боғи яшнар — сен-ла чўллар гулзор, самимийлик.

Чиройлидир сен-ла олам, сен биландир Мурод ҳар дам,
Мангу яшар сен жаҳонда, бўлгин бисёр, самимийлик.

ВАФОДОР...


Сен ҳақингда кимлар севиб сўйламаган...
Садоқатинг қайси ошиқ куйламаган?!
Борму васлингни жаҳонда ўйламаган,
Кимга армон, кимга ёрсан, вафодор,
Юракларга сен баҳорсан, вафодор!

Ҳар ким яхши фазилатинг қилар орзу,
Ҳар кўнгилда сен ҳақингда ширин туйғу.
Кимдир сени вафо билан кутар мангу,
Сен-чи, кимга интизорсан, вафодор,
Кимга армон, кимга ёрсан, вафодор...

Дилни ёқар дилдор кўзингда маънолар,
Ақлу одоб, иффатингга тасаннолар.
Аҳдинг билан бўстон бўлар чўл, саҳролар.
Эзгу меҳнатда бедорсан, вафодор,
Эл-у юртга фидокорсан, вафодор.

Фироқларда, ҳижронларда тўкмай кўз ёш,
Қайғу, алам, ситамларга берган бардош,
Соф, покиза хислатларга йўлдош умрдош,
Ишқ, меҳрда бетакрорсан, вафодор,
Мурод билан бахтга ёрсан, вафодор...

Ҳабибулла САИДҒАНИЕВ



Ҳабибулла — қўқонлиқ, 1944 йилда туғилган, мактабда рус тили ва адабиёти фанидан дарс беради. У кўп ўқийди, ўз устида қунт билан ишлайди, бу унинг шеърларида акс этиб туради.

ҲАЛИМА ОПА КУЙЛАГАНДА

Ўтмишда нотавон эди бу дунё,
Ой каби қизларин тангага сотиб,
Ёш бўлиб оқарди ғулули дарё,
Оналар қолганда сочларин ёзиб,
Бир кўшиқ ёғарди юлдуздан,
Бу кўшиқ ёруғроқ кундуздан.

Паҳлавон уйқудан уйғонган каби,
Халқим олганида қўлига қурол,
Кўкда озод учди тонгдек кабутар,
Бу тонгга ташланди калхатлар дарҳол.
Бир кўшиқ ёғарди юлдуздан.
Бу кўшиқ ёруғроқ кундуздан.

Чўққиларда дайдиб юрарди бўрон,
Фарёд урар эди тоғларга тўшин.
Сут каби сувингда оқарди армон,
Ахир, Ҳамза бўлиб сўйилган кўшиқ...
Бир кўшиқ оқарди юлдуздан,
Бу кўшиқ ёруғроқ кундуздан.

Бу замон тароват кўйнида олам,
Ой бўлиб тўлишган кўҳли келинчак.
Нурлардан арғимчоқ эшару шу дам
Қора тол шохига ташлар беланчак.
Бир кўшиқ ёғади юлдуздан,
Бу кўшиқ ёруғроқ кундуздан.

БЎЛИБ УТГАН ВОҒЕА

Ғунчадан йирикроқ бир қушча,
Жонсарақ қушча,
Чаманин қўмсабми, кафтимга қўнди.
Кўзларин кўзимга тикканча
Куйлай кетди:
Тонглар ҳақидами,
Бахтлар ҳақидами,
Ғамлар ҳақидами,
Куртақдек юрагин ўртаб.
Жон қушча, кўзлари мунчоқ қушча,
Қушнинг тилин тушунмайди, ахир, одамлар!
Кеч кузак эди,
Сарғайган боғда,
Маъсума ғунча
Бир силкиниб,

Лабидаги шабнамни тўкиб
Менга куйлай кетди:
Тонглар ҳақидами,
Бахтлар ҳақидами,
Ғамлар ҳақидами,
Бир чимдим юрагин ўртаб.
Жон гулим, жонон гулим,
Гулнинг тилин тушунмайди, ахир, одамлар!

Суюқлигим,
Мен сенга шу кўримсиз қушчадек,
Кеч кузнинг бир маънос гулидек
Тонглар ҳақида куйладим,
Бахтлар ҳақида куйладим.
Ва ўзимни куйладим.





Аббос САИДОВ

1956 йили Тошкентда туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетининг кечки бўлимида ўқийди. Унинг машқларида самимийлик ва ёшларга хос эҳтирос кучли.

ЁМҒИРДА

Баҳром трамвай бекатига келганида ёмғир тезлашди. Кўча жимжит. Фақат унда бунда сув сачратиб ўтаётган машиналар-у, ёмғиргина сокинликни бузаяпти, холос. «Болалар дунёси» магазини пештоқида чарақлаб турган ҳар хил рангдаги жажжи чироқчалару йўлнинг четига қўйилган йўғон ус-тундаги неон нурларида ёмғирнинг тобора авж олаётгани яққол кўришиб турарди.

Унинг ёнгинасида турган қиз билан йигит соябоннинг тагида бир-бирининг пинжига сингиб кетгандай. Баҳром уларга ҳавас билан термилди. Шу пайт, унинг ёнгинасидан ёмғирдан ивиб кетган яна бир жуфт севишганлар қўлтиқлашиб кўчанинг у бетига ўтиб кетишди. Баҳром гоҳ ёнидагиларга, гоҳ бояги қиз билан йигит кетган тарафга қараб қўяркан, ўзини алланечук ёлғиз сизди. Нега энди у ёлғиз? У ҳам ана шулар каби бахтли бўлиши мумкин эмасми. Бунга ўзи айбдор. Шу пайтгача кўпгина қизларнинг нимасидандир кўнгли тўлмасди.

Ёмғир тинмасди... Трамвай йўли тинч. У оқ пахмоқ куртқасининг ёқасини кўтариб олди. Ёмғир унинг юзига ура бошлади. Соцларининг учидан томчилаб киприкларига, ундан эса лабларига оқиб тушарди.

Кўзи йигит билан қиздан сал нарироқда турган истараси иссиқкина қизга тушди. Қиз ҳам Баҳромнинг ўзи томон қараётганини сезиб қолиб кўзини олиб қочди. Лекин яна қаради. Баҳромнинг назарида у худди нимадир демоқчи бўларди-ю, ёнидагиларданми ё Баҳромданми ийманар, ишқилиб журъат қилолмасди. У кўлидаги

соябонини ликиллатар, трамвай келадиган томонга қарар, кейин ёмғирда бўкиб турган нотаниш йигитга қараб-қараб қўярди. Буни Баҳром сездди.

Балки раҳми келаётгандир, хаёлидан ўтказди у. Йўғ-е, шу пайтда кимнинг биров билан иши бўларди. Мана ёнидагилар ҳам сабри чидамай, такси тўхтайдиган томонга кетишди. Улар ёлғиз қолишди. Фақатгина ёмғиру, улар иккиси. Баҳромнинг қулоғига ёмғирнинг асфальтга урилиб товуш чиқариши ўрнашиб қолди. Қизга қараркан, хушбичимгина экан, деган фикрни хаёлидан ўтказди. Қиз ҳам тез-тез унга қараб қўяр, безовталанаётгани сезилиб турарди. Ниҳоят, қиз ўзида қандайдир куч сездими, унга юзланди.

— Кечирасиз,— у тортинарди,— кечирингу тагин енгилтак деб ўйламанг, лекин жуда ивиб кетибсиз, бунинг устига қаранг қуйишини. Зонтик иккимизга етади.

У охири сўзини шундай самимий айтдики, Баҳромнинг юраги тез-тез уриб кетди. Қиз йигитга яқинлашиб, соябонини унга ҳам тутди.

— Раҳмат, сизни овора қилдим-да. Эрталаб билганимда эди бундай бўлишини... Ҳай, майли, тиниб қолар!— Баҳром жим қолди. Қизик, калласига тузукроқ, қизнинг кўнглини оладиغان гап келавермасди. Ноқулай аҳволни қиз бузди.

— Қаранг, ҳеч тингиси келмайди-я?!— Қиз қўлларини ёмғирга тутди. Баҳром унинг кафтларига қўнган ёмғир томчиларига қараркан, унинг назарида худди шу

томчилар нафис гулга кўнган капалакдек туюлиб кетди.— Ажойиб-а?— У неон нурида ялтиллаб ёғаётган ёмғирга ишора қилди. Баҳром қизни тингларкан, унинг ҳар бир сўзида кишининг ҳавасини келтирадиган кучли жозоба бор эканини сизди.

— Менга бера қолинг, қўлингиз толгандир.— У қизнинг қўлидан соябонни олди. Бир оз иккиланиб тургач, сўради:

— Сўраганинг айби йўқ дейишади, исмингиз...

— Исмин Дилор...— қиз жим қолди. — Меники, Баҳром!— у кафтлари орасига иссиқ ҳарорат югургандагина ўзини қўлга олди. Қизнинг оппоқ, момикдай қўлларини қўйиб юборгиси келмасди.

— Бемаҳалда қаердан келаётувдингиз? — Дугонаманикдан, дарс тайёрловдик, қолиб кетдим. Бунинг устига қаранг жалани.

— Қисматимиз бир экан. Мен ҳам...

— Сиз ҳам дўстингизникиданми?

— Шоир дўстим бор, дарвеш. Мен ҳам унинг шеригиман. Унинг шеърларини эшитиш учун уйига бориб ўтирибман-а?!

— Ҳали сиз ҳам ёзасизми?— қиз табассум билан йигитга қаради.

— Йўғ-э, унчалик эмас, шунчаки адабиёт факультетида ўқийман.— Баҳром изза тортди. Назарида ортиқча мақтаниб қўйгандек эди. Гапни бурди.— Дилором, бир нимани сўрасам майлими?

— Сўранг, агар ўринли бўлса...

— Боя менга раҳмингиз келдимми? Ахир ҳамма ҳам бунга журъат қилмайди-ку?!

— Мен, мен чидаб туролмадим. Ўзингиз ўйлаб қаранг. Мен зонтикнинг панасида турсам-у, сиз...

Шу пайт «тақа-туқ» қилиб келаётган трамвайнинг товуши эшитилди.

— Ана келаяпти, ўнинчи, меники. Худди ишчилар шаҳарчасининг ўзгинасига боради.— Қиз жуда севиниб кетган эди.— Сиз ҳам чиқасизми?

— Мен ҳам ўша ёқда. «Собир Раҳимов» кўчасида тураман!

— Қўшни эканмиз-ку.

Улар трамвайга чиқишди. Баҳром кимсасиз бекатга қараб қолди. Ҳозиргина икковлари турган жой хувиллаб қолганди. Қиз мийиғида кулиб қўйди.

— Ҳа, нега уёққа қараб қолдингиз?

— Биласизми Дилором, назаримда ўша ерда нимадир қолиб кетгандек бўлди.

— Ёмғир ювиб кетган бўлмасин тагин,— қиз кулиб қўйди.

— Йўқ, ёмғир тугул, довулнинг кучи ҳам етмайди.

Улар жим кетдилар...

...Трамвай кўчани кесиб ўтиб, охири бурилишда тўхтади.

— Дилор, уйингизгача кузатиб қўйсам, қарши эмасмисиз?— Қиз индамади. Улар сўзсиз юриб кетишди.

— Мана шу уй бизники!

— Дарров етиб келдикми-а?!— Баҳром норози бўлгандай қараб қўйди. Қиз йигитнинг дилидагини сизди шекилли, кулди:

— Қани, Баҳром ака, юринг ичкарига.

— Раҳмат, Дилором. Танимаган жойга қандай қилиб...

— Қизиқ экансиз-ку, нега энди танимас экансиз, ахир мени...

— Гап унда эмас... бемаҳал. Сиз ажойибсиз, ажойиб.

Қиз қўлини чўзди. Йигит нафис қўлларини бақувват кафтлари орасига оларкан, иссиқ ҳароратни сизди. Юраги гупуллаб ура бошлади.


— Зонтикни олиб кета қолинг... Эртага қайтарарсиз.

Баҳромнинг юраги янада тезроқ уриб кетди. «Наҳотки, келишимни хоҳласа?..»

Қиз унга соябонни тутқазиб, чопиб уйига кириб кетди.

Йигит катта йўлга чиқиб олганда, негандир ўзини кушдек енгил ҳис қилди.





Тошкент шаҳрида туғилган.
 Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг филология факультетини тамомлаб, шундан бери Ўзбекистон радиосининг «Табассум» радиожурналида редактор бўлиб ишлайди. Вақтли матбуот-да 1965 йилдан қатнашиб келади.

ХАЁЛ ПАРАСТ

...Эшикдан киришим билан хотиним:
 — Ассалому алайкум!— деб салом берди жуда мулойимлик билан.

Энсам қотиб индамадим.
 — Ҳа, эт-бетингиз оғрияптими, мазангиз йўқми?— сўради меҳрибонлик билан.

— Йўқ, тузукман,— дедим қовоқ уйиб.

— Ишда чарчадингизми?

— Қўйсанг-чи,— жеркиб бердим.

— Хўп, хўп... Бошқа сўрамайман... Чой ичасизми, дамлайми? Ё бирпас дамингизни оласизми?

— Чой дамлай қол! Аччиғроқ бўлсин!

— Ҳозир, ҳозир,— деди олиб-югуриб.

— Овқатинг пишмадими?— захримни сочдим ўшшайиб.

— Пишиб қолди,— ярашмаган жилмайиш қилди.— Ҳа, айтгандек, ҳалиги... қиттайдан ҳам келтириб қўйдим... болачасидан.

— Болачаси нимаси?— сўрадим ўзимни билмасликка олиб.

— Ҳалиги, обизамзамдан бор-ку? Ўзингиз яхши кўрадингиз.

— Оқиданми?

— Ҳа.

— Оқини ўзинг ичавер!

— Нега ундай дейсиз, ҳаммасидан ҳам шуниси ўтаверсин, деганингизга мен шунақасидан келтирган эдим-да.

— Ҳа, майли,— дедим бир оз юмшаб.— Бўлар иш бўпти. Сенинг ҳам сазанг ўлмасин.

— Раҳмат, яшанг,— деди хотиним яна сўзларга шакар қўшиб,— кининг уйга, бошқа кийимларингизни кийиб чиқа қолинг. Ҳа,

айтгандай пижамангизни ювиб, ямаб қўйдим. Узи ҳам роса кирга ботиб кетибди. Чиннидай бўлди. Дазмоллаб вешалкага осиб қўйибман, кийиб ола қолинг.

— Бир ўзим кийинаманми?

— Йўқ, йўқ, ҳозир бирга кирамиз-да, мен пайпоқларингизни ечиб қўяман, кийимларингизни чўткалаб, жойига иламан... Э, қаерларда ўтирдизми? Шимингизни қаранг, тиззасига тарвуз қамаб қўйилгандек шишиб ётибди. Бир умр дазмол кўрмагандай. Майли, эрталаб ишга кетгунингизга қадар кифтини келтириб, дазмоллаб қўяман.

— Жуда ошириб юборяпсанми-а,— дедим таажжуб ва тўнглик билан.

— Йўқ, ошираётганим йўқ,— деди у чеҳраси гул-гул очилиб.— Бугундан бошлаб ўзгардим. Қарасам, сизни жуда қийнаб юбораётганга ўхшайман. Сиз эса, доим меҳрибонсиз... Мен ҳам ўйлай-ўйлай шу қарорга келдим. Ахир, ҳаётимда сиз энг азиз кишим бўласиз-ку!

— Бўлди, бас қил!— буйруқ бердим мен ҳам ўтказган эски аламлари эсимга тушиб.— Бунча мингилламанган, қулоқни қоматга келтирдизми-ку! Гап қопинг очилиб кетди, ҳаммасини йиғиб қўйган экансан-да.

— Хўп, мана жим бўлдим... Кўриб турибсиз, бугун нега яна ишдан кеч қайтингиз, деб сўраётганим йўқ. Балки йўлда бирорта юмушингиз чиқиб қолгандир...

...Ана шунақа хаёллар оғушида уйга етиб келганимни ҳам сезмай қолибман.

Эшикдан киришим билан хотиним:

— Ҳа, бугун ҳам жиндай ўтириш чиқиб қолдим, дейман?!— ўшқирди икки қўлини биқинига тираб.

— Йўқ... биласанми... ҳалиги...— деёлдим мулойимлик билан.

— Дарҳол уйга кириб, кийимларни ал-маштиринг-да, самоварга ўт ташлаб юборинг,— захрини сочди яна хотиним.

— Хўп... ҳозир...

— Кўчада лаллайиб, хаёл суриб юрган-сиз-да,— авжига мина бошлади у.

— Қаердан била қолдинг хаёл сурганимни?!— дедим капалагим учиб.

— Ҳа, мен ернинг тагида илон қимирласа, биламан. Сиз ўлгудай хаёл-парастсиз.

— Тўғри, хаёлпарастман... Доим қаёқдаги йўқ хаёлларни қилиб юраман... Бизга шунақа... хаёлимиз ёр бўлса, бўлгани, уёғини қўявер,— деб ўтин ёриб, кейин самоварга ўт қалаб юбордим.





Убайдулла СОДИҚОВ

1946 йили Андижонда туғилган. 1977 йили В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Машқлари 1968 йилдан матбуотда эълон қилиниб туради. Ҳозир Андижон областининг Бўз районида ўқитувчи.

ОНА

Муслима хола тонг қоронғисида уйғониб кетди. Ташқарига тонг отиш олдидан бўлаган қоронғилик чўккан, зимистон. Олислардан хўрозларнинг бўғиқ қичқиргани эшитилади. Аллақайда тинимсиз водокачка тапиллайди. Енгил ва ўйноқи шабада дарахт шохларини чайқалтириб, япроқларни шитирлатади. Кун чиқар томон хиёл оқара бошлаган, юлдузлар сийраклашиб, қоронғилик осмонга сингиб борарди.

Муслима хола ўринда бир оз хаёлланиб ўтирди-да, ёстиғида қолган дуррасининг чигалини ёзиб, бошига танғиди ва ўрнидан туриб, уйдан чиқди. Тонг шабадаси димоғига урилиб, баҳри-дили очилди, ўзини тектик сезди. У аввал пиликли плитани ёқиб хамирга сув қўйди, кейин бет-қўлини чайгани ҳовли этағидаги ариқчага қараб кетди. Ювиниб келгандан сўнг, ҳовли супуришга киришди.

Мардон... бугун кетишади. Яна бир-икки кун тура қолишса нима қиларкин? Унашмаяпти-да. Кеча Мардон отпускамиз туғди, келинингиз ҳам, мен ҳам ишга тушимиз керак, деди-ку. Умуман, кўчиб келиша қолса бўлмасмикин? Институтда муаллим бўлмаса, мактабда дарс берар. Козимнинг фезлинику биллади-я. Еки... Бобиржонни олиб қолсаммикин! Маҳбуба кўнармикин? Айтмоқчи, Бобирни боғчада дейишяпти. Боғчадан чиқариб беришса-ю, ўзим боқиб катта қилардим-а. Бир томондан ёлғизлигим билинмасмиди, овунармидим. Кўнишмаса керак. Мардон унаса ҳам,

Маҳбуба кўнмаса керак. Боласини ер-кўкка ишонмаяпти-ку... Эҳ...

Муслима хола супургини ток тагига ташлаб, ўсиб ётган райхондан бир шохини сндириб ҳидлади ва қулоғига қистириб қўйди. У пешонасини кафти билан силаркан, чиқиб қолган соч толаларини дуррасининг тагига қистириб қўйди. Қўшни ҳовлида биғиллаб гўдак йиғлади, эркак киши йўталди. Муслима хола ошхонадан хамирпечини олиб чиқиб, ҳовлининг ўрасига ёйди-да, ун элай бошлади.

Бошинг тошдан бўлгур, ёшлигидан уй нонини яхши кўрарди. Нон ёпаётса, тан-дир бошидан нари кетмасди, кулча қилиб беринг, деб турарди... Болагинам. Мусофир шаҳарда унга ким нон қилиб берарди. Келини ҳам ишда бўлса. Ярлақагур, ўғлининг бахтига очиққина. Эпчиллиги-чи. Келгандан буён тиним билмайди. Козими ҳам, бу келини ҳам ёмон эмас-ку, аммо каттаси бошқача... Майли, ҳаммалари ҳам омон бўлишсин... Бобиржоннинг ширинлиги. Қуйиб қўйгандай худди дадасининг ўзи. Илойим умрини берсин...

Муслима хола унни элаб бўлиб, элакни супрага тескари уриб қоқди-да, сўкичак устундаги михга олиб бориб илди. Уйга кириб, хамир қиладиган тоғорасини олиб чиқди, сувни келтирди. «Исиб кетмадиммикин?» деб у мис чойнақдаги сувдан қўлига қуйиб кўрди. Салгина илибди холос. У тоғорага сув қуйиб, ҳовучлаб-ҳовучлаб ун солди-да, чая бошлади. Тоғора ярим бў-

либ, ун билан сув бир оз аралашгач, чўка тушиб олиб, хамирни муштлашга киришди. У ҳансираб хамир муштлар, хамирдан мушт узганда «чип, чип» этган товуш чиқарди.

Козими тушмагур, кечкурун келгандаям майли эди. Ақаси бугун кетишни-ку биледи-я. Мардон келган кунни ҳам келдию кетди. Сал ўзи... Ҳа майли, тинч бўлишсин. Иш билан бўлиб фурсат тополмаётгандирда. Унгаям осонмас. Мактабнинг иши ҳам майда, одамни эзиб юборади. Хотини бўлса боғчада. Ҳар ҳолда мурасалари яхши-ку, фақат Козим уйлангунча сал бўлакчароқ эди. Уйландию...

Қўшининг хўрози деворга ирғиб чиқди-да, қанотларини икки ёнига патиллашиб уриб, бўйинини чўзганча қичқириб юборди. Муслима холанинг хаёли бўлиниб, ҳушёр тортди. Тонг отиб, кун ёйилиб кетибди. Узоқдан поезднинг «тапа-тап, тапа-тап» қилиб ўтиб бориши унинг юрагини ўртаб ўтгандай бўлди... Мардонбеклар ҳам бугун жўнашади... Намунча узоқ қолиб кетишмаса. Раҳиманинг одати, меҳмонга эрталаб бир сиқим ош дамламаса, кўнгли ўрнига тушмайди... Козимнинг келмаётганини, ишқилиб тинчмикин, бирор кор-ҳол бўлмадимикан?..

Улар ўтган йили шаҳардан дом олиб, кўчишиб кетишди. Ораси унчалик узоқ ҳам эмас. Бу ерга қатнайдиغان автобус шундоққина уларнинг уйининг олдинда қайтади. Бир нави яхши ҳам бўлди. Кейинги пайтларда Муслима холага озгина шовқин ҳам таъсир қиладиган бўлиб қолган... Аммо, бола бола экан-да, Козим кетди-ю, юраги ҳувиллаб қолди. Мардонни-ку, ақлини танигандан буён уйда турмайди. Аввал ўқишда бўлди. Ҳозир эса, ўша Тошкентда, ўзи ўқиган институтда муаллим. Бундан тўрт йил олдин уйлаб қўйган. Унда ҳали ўқирди. Илгаритдан ўзи билан ўқийдиган бир қиз билан ваъдаси бор экан. Ҳозирги замоннинг ёшлари, бир нарса дейиш қийин деб, Козимни ёнига олиб Тошкентга борган. Қиз истараликина бўлиб, Муслима холага ҳам ёқиб тушган ва уларга умр тилаб, дуо қилган... Энди булар ҳам қичкишиб кетса, ҳайҳотдек ҳовлида сўппайиб ўзи қоладими? Уйлагани бўлди. Улар ҳам кўчишиб кетди. Нима ҳам қила оларди? Қариганида ёлғизлик ёмон экан... Козим авваллари ҳар ой-ҳар ойда келиб хабар олиб турарди. Бора-бора келмай қўйди. Она экан. Майли, болам келмаса мен бора қоламан деди-ю, Козимнига ўзи қатнаб юрди. Фурсат топганда ҳануз бориб-келиб турарди. Мардон келмасидан сал илгарироқ бир гап бўлиб, ўғлиниқидан оёғи узилди...

Ушанда рамазонга уч-тўрт кун қолган эди. Рўза бошланса боришим қийин бўлиб қолади, деб Муслима хола Козимнинг жўнаган. Козим ҳам, келини ҳам уйда экан, ёмон қутишмади. Муслима хола ўғли ва келини билан ўтган-кетган, узоқ-яқинларидан гаплашиб ўтириб, кўнгли хийла ёринган ва ўғлиниқида ётиб қолди. Унга қушни хонага қаравотга жой қилишиб берган эди. Муслима хола ерда ётиб ўрганган эмасми, қаравотда буклиниб қолаётганини бўлиб, ухлаёлмади. Деразадан очиқ ҳаяога, осмонга тикилганча хаёл суриб ётди. Бир вақт... Нариги хонадаги шивир-шивир ва келинининг кулгиси Муслима холанинг қулоғига чалинди. У бошқаларнинг гапини яширинча қулоқ солишини ёмон кўради. Бироқ, у ўшанда ўғлининг:

— Кампирни қистама... Эрталаб кетса керак... қистамай кўявер,— деган гапи қулоғига кирмай қолмади. Муслима хола ётган ерида нест бўлиб қолди. «Малол қилибман... Қаёқдан ҳам келдим?!» Унинг бутун дарду дунёси қоронғилашиб, кечаси билан ухлай олмай тўлғаниб чиқди... Шундан буён у кунининг қандоқ ўтиб бораётганини билмайди. Уйламаган ўйи-ю, сурмаган хаёли қолмади. ...Дунёга келиб нима кўрди?... Эри бўлса ҳарбийда дом-дараксиз йўқ бўлиб кетди... Уруш қизигандан-қизиб, ҳаммани довдиратиб қўйган. Бир томонда колхозчилик: азонда тонг ёришмасдан чиқиб кетадию, хуфтонда қайтади. Уруш ҳамма нарсани бало-қазодек ямлаб-ютиб турибди. Дардим бор деб ўтирадиган пайтлар эмас...

Ҳаммаси ортда қолиб кетди. Уруш ҳам тамом бўлди. Юрт ҳам тинчиди. Тундлик, хафалиқдан сўлғин бўлган чехралардан алам излари ўча бошлади. Мана шундай кунларда ҳам у ўзгалар шодлигигагина қувонди. Эрини қутиб кўчага термилган кўзлари, термилган бўйи қолаверди. Эридан на хат келди, на хабар... Яхшиямки, иш бор, бўлмаса бу фўрбатлар уни еб, аллақачонлар адои тамом қилармиди... У дардига фақат меҳнатдан мал-ҳам топди. Айниқса, жавдираб турган шу икки гўдагини кўрганда унинг юрагида ўт қайнаб, биллига куч тўлди. Ишлади, ишлаганлари зое кетмади. Обрў-иззат топди. Мақтов варақаларию, мукофот пулларию... Ҳаммасини шуларга сарфлади... Уейлларим улғаяди, белимга қувват бўлади, кўзимга нур бўлади деб ўйлади... Энди бўлса... Уйида бир кеча ётиб қолганига... Уҳ!..

Муслима хола тоғорадаги хамирни дастурхонга ўраб, ўрнидан турди. Кун ёришиб бўлган, офтобнинг заррин нурлари дарахт учларини ялтиллашиб, чумчуқлар-

нинг чуғир-чуғири кулоқни қоматга келтирарди.

Муслима хола томга тироғлик турган нарвонни тўғриллаган бўлди-да, зинасига оёқ қўйди. У бир поғона кўтарилди-ю, тиззасини чангаллаганча туриб қолди. Тиззасининг кўзида зирқиллаб оғриқ турди. У оғриган жойини аста уқаларкан, ич-ичидан чуқур хўрсиниқ келиб, чўзиб «уф»лади... Бир вақтлар қандоқ қиз эди, қандоқ қиз эди-я! Нақ олов эди! Бир нафас бўлсин тинч турмасди. Эндиликда, ҳаммаси хаёл... У кунлар ўтиб кетди. Қайтиб келмайди. Эҳ! Қодиржон... Қариган чоғида... Уша бўлганда ҳам билинмасмиди...

Муслима эрини саккиз йил кутди. Охири қариндош-уруғлари маслаҳатлашиб, эрига аза очилди. Кейин... Уфф!.. Майли! Худога шукур, ўғиллари ёмон бўлишмади. Иккови ҳам ўқимишли. Нолийдиган жойи йўқ. Фақат... кичиги сал бемехрроқ чиқди. Ҳа, майли, боши омон бўлсин!

Муслима холанинг бармоғи куйди. Хаёл билан бўлиб енгчасини кўрга босиб олибди. У шошиб енгчани косадаги сувга тикди. Коса қийшайиб, сув тўкилди.

— Ҳа, ўлсин-а,— деди у енгчадан қўлни суғуриб силтаркан. Бармоқларининг учи жазиллаб ачишарди. У бир оз куйган бармоқларини силаб турди-да, бошини эгиб, тандир ичига қаради. Шу пайт:

— Козим ака... Онамиз нон ёпаптилар экан,— деган товушни эшитиб, уй томонга қаради. Айвонда сетка кўтариб олган келини ва Козим Муслима холага тикилишиб турарди. «Козим келибди-да...» У қолган нонларни шоша-пиша узиб, саватни кўтарганча айвонга чиқиб келди. Келини кўлидаги сеткани Козимга ушлатиб, югуриб бориб қайнанасининг қўлидан саватни олди.

— Кел... Келинлар болам...

Муслима хола келинининг пешонасидан ўпиб, нон тўла саватни унга берди-да, ўғлига қараб юрди.

— Утирипсизми?— деди Козим ўзига яқинлашган онасига елкасини тутиб.

— Тинчмисизлар... Намунча дарагинлар йўқ...

Муслима хола ўғлининг бўйнидан кучиб, пешонасидан ўпди.

— Мана, келдик-ку,— деди у ва бир оз жим қолди:

— Гарнитурни олиб келган эдик. Кеча шуни жойлаштирдик,— деди.

«Ҳа, сенга гарнитур бўлса бўлгани...» Муслима холанинг кўнглини маъюслик чулғади.

— Нон ёпибсиз-да... Акам қани?— деди Козим гилос томонга юриб.

— Раҳима холангни биласан-у, кеча кўярда-қўймай ҳаммасини олиб кетди. Ҳозир келиб қолишади, болам...

Козим эгилиб турган гилос шохидан чўрт дона гилос олиб оғзига солди-да, лунжини тез-тез қимирлатиб данагини пуфлаб ташлади ва этак томонга ўтиб кетди. «Тузукроқ кўришишням билмайди. Э худо...» деб ўйланди Муслима хола уй томонга юраркан.

— Мен нима қилай, онажон,— деди жемпирини устун миҳига илаётган келини қайнанасига қараб.

— Қўйинг, келинпошша... Сизга иш буюрамани?

— Вой... Буюрсангиз нима қипти, онажон.

— Бўлмасам, ҳовлига бир сув сепиб юборасизми...

Келин челақни кўтариб, кўча эшигига қараб юрди. У эшикка етиб улгурмасдан, эшик очилиб, Мардон, бола етаклаб олган овсини Маҳбуба, яна икки хотин бирин-кетин ҳовлига кириб келишди.

— Буви, меҳмонлар келишди...

Улар бир-бири билан қўл бериб сўрашишаркан:

— Бир нима дедингизми, келин?— уйдан Муслима холанинг товуши чиқди.

— Чиқинг, меҳмонлар келишди.

Муслима хола шошиб уйдан чиқди. У Мардоннинг жўнашини эшитиб, кўнгил сўрагани кирган маҳалла хотинлари билан омонлашаркан, Мардон онасига меҳр билан қаради-ю, ҳовлига ўтиб кетди.

— Опа, уй салқинроқ, уйга кира қолайлик,— деди устун миҳига ёпинчиғини илаётган Раҳима онасига қараб.

— Майли...

Ҳаммалари уйга киришди. Ҳовли бир зумда ғала-ғовурга тўлди. Муслима холанинг кўнгли тоғдек кўтарилиб, меҳмонларни ўтқизишга жой тополмасди. Ярлақагурлар, келинлари зипиллашиб хизмат қилишиб турибди. У ора-сира ҳув ҳовлининг этагидаги каравотда ўтирган Мардон билан Козимга меҳр билан қараб кўярди. Ака-ука ўзаро нималарнидир гаплашишяпти. Козимнинг қайсарлиги йўқолиб, акасининг гапига жим кулоқ соларди. «Насиҳат қиялпти. Мени гапиряпти шекилли. Зора, гап кор қилиб, шуям одам бўлиб қолса!.. Яхшиямки, шулари бор. Бўлмаса, ҳувиллаган бу ҳовлига ким ҳам кирарди».

Хотинларнинг бири олиб, бири қўйиб, олдин мастава қилишди, кейин ош дамлашди. Муслима хола бўлса, ҳовли тўлганига севишиб, кўннинг қандоқ ўтиб кетганини ҳам билмай қолди. Ош ейилиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, маҳалла хотинлари Мар-

дон билан хайр-хўшлашиб чиқиб кета бошлаганларида, унинг юрагини қандайдир билиб бўлмас туйғулар кемира бошлади. Нариги маҳаллалик Сожда буви деган кампир Мардоннинг елкасидан қучоқлаб хайрлашаркан, кичкина эмассизлар, ўғлим, тез-тез келиб оналарингдан хабар олиб туринглар, бу бечоранинг ҳам сизлардан бошқа суянадиган кими бор, деганда Муслима хола бир энтикиб олди-ю, юрагида аллақандай санчиққа ўхшаш оғриқ турди. У ҳаялланиб қанча туриб қолди, билмайди, Раҳиманинг товушидан ўзига келди. Синглиси уйдан туриб уни чақирарди.

— Опа, энди булар жўнашади. Манавилар етарлими?— деди Муслима хола уйга кириб борганда оқ дастрўмол устига кўйилган нон, қанд-курс, туршакларни кўрсатиб. Муслима хола синглисига қараб, ҳиссиз калла ликиллатди.

— Қани бўлдингларми, сетка билан чамадонни менга беринг,— деди онасининг ортидан кирган Козим.

— Раҳимахон, токчада ликопчада қозғоли қанд бор эди. Шуниям солдингизми?

— Э, қизиқ экансиз-кў, Тошкентда бунақа қандларни ҳеч ким емайди. Бўлсаларинг-чи,— деди Козим жержиганнамо. Холаси унга бир нарсa демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, индамай кўя қолди.

Ҳаммалари ҳовлига чиқишди ва бир-бирларига тикилишганча, бир дақиқа жимиб қолишди. Ҳамма ўз ўйи билан банд, фақат Маҳбубанинг қўлидаги Бобиргина бепарво эди. У онасининг кўйлак ёқасини ўйнар, ҳайрон бўлиб, ўзига тикилиб афтини бужмайтираётган Козимга қараб куларди.

«Булар тагин қачон келишадю, беш кунлигим қолганми-йўқми», ўйланарди Муслима хола.

— Қани опа, буларга бир оқ фотиҳа беринг,— деди Раҳима Козимнинг жаҳлланаётганини кўриб. Мардон бошини эгиб, онасига яқинлашди. Муслима хола ўғлининг юз-кўзларидан ўпаркан, йиғлагиси келди. Аммо тишини-тишига босиб, оёқлари қалтираб аста ўтирди, қўлини очди ва ўзича нималарнидир пичирлаб, ўғилларини узундан-узоқ дуо қилди.


— Борган заҳотинглар, биз етиб келдик, деб икки энлик хат қилиб юборинглар. Менинг кўнглим тинчимайди,— деди Муслима хола дарвоза олдига чиққанларида.

— Хўп. Хотиржам бўлинг. Борган заҳотим телеграмма бераман,— деди Мардон.

— Хайр де, бувижон, хайр, бизникига боринг де, хайр-хайр қил,— деди кетиб бораётган Маҳбуба ўғлининг билакчасидан ушлаб силкитаркан. Ҳаммалари кўча муюлишига боришганда қўлларини кўтаришдию бурилишиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Муслима хола бармоқлари билан кўз милкидаги ёш томчиларини сидирди... Чигирткалар тинимсиз чириллар, қишлоққа оқшом чўкиб борарди. Осмондаги ҳар хил ранглар бир-бирига сингишиб-араллашиб, кўкимтирлашиб-қуюқлашиб борар, уйларда чироқ ёна бошлаган, Муслима холанинг қулоғига ариқчадаги сувнинг чайқалиб оқишидан бўлак товуш кирмас, синглиси Раҳима ўчоқ бошида қозон-товоқларни йиғиштириб юрар эди...





Мирзапулат ТОШПУЛАТОВ

Қашқадарёлик, 1952 йили туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини 1976 йили тугатган. Ҳозир Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди. Машқлари газета ва журналларда бот-бот чиқиб туради.

СОДИҚ ПОЛВОН

(Ўтмишдан ҳикоя)

Осмон юзини қоплаб олган булутлар кечга бориб тарқалди. Кўкда юлдузлар порлади. Куни билан тўхтовсиз ёққан қор ер бағрини ҳарирга буркади. Ҳаво мусатфо. Қишлоқ сокин. Совуқдан жунжиган итларнинг ҳуриши ҳам эшитилмайди.

Жумагул болаларини ухлатиб, ҳовлига чиқди. Дарвоза тирқишидан кўчага кўз ташлади. Ҳеч ким йўқ... Учоққа олов ёқиб, қумғон кўйди. Намиққан ўтин буруқсади.

Анча вақтдан кейин қумғондаги сув шақиллаб, қайнади. Жумагул чой дамлади. Учоқдаги оловни сандалга солиб, чойдишни бир четга кўйди. Сандал бир зумда қизиб, оёқ узатиб ётган болаларнинг иякларини, бурнилари устида тер резалари кўринди.

Жумагулнинг хаёли Содиқда. Эрининг рақиблари бир неча бор Жумагулга: «Эринга айт, полвонликдан воз кечсин, бўлмаса гўдакларинг билан чирқираб қоласан», деб пўписа қилишган. Жумагул Содиқнинг оёқларига йиқилиб, тўйларда даврага тушмаслигини ўтиниб сўради ҳам — бўлмади. Содиқ касбини ташлагиси келмасди. Содиқнинг отасини рақиблари ўлдириб кетганини эслаб: «Эй худойим, бало-қазодан асра», деб пичирлаганча хаёл оғушида уйқуга кетди.

Эри билан кечаси қаердандир келишмоқда эди. Қаршидан қора либосли кимсалар чиқишди:

— Қўлга тушдингми, баччағар!— деди отда турган Содиққа.

— Хотининг ўлжа. Узинг қузғунларга ем бўласан!

Улар Содиққа ташланишди.

— Дод!.. Войдод!

Жумагулнинг фарёидан ухлаб ётган болалари уйғониб кетишди.

Тўнғичи Нажим пиёлада сув тутди.

Жумагулнинг вужуди кўрқинчли тушдан дағ-дағ титрарди.

— Босинқирабман, ётаверинглар, болаларим,— дея уларнинг устига кўрпа ташлаб ташқарига чиқди.

Қора тунда изғирин еларди.

* * *

Воҳанинг ҳамма томонларидан номи кетган полвонлар келган. Кураш учун ажратилган майдонга кўр тўкилган. Тўрт-беш жойда кунжара каллак ёқиб кўйибди. Гулханларга тўнқалар қаланган. Тарафқашларнинг: «Бўш келма, Содиқ! Баракалла!»— деган қийқириқлари янграйди.

Полвонлар совуқни писанд қилмай рақибни устида ғолиб чиқиш, соврин олиш учун бир-бирига ҳамла қилишарди. Устлараридаги тўнқалари чидаш бермай, шир-шир йиртилларди. Бойваччалар пул чиқариб, «Содиқ йиқитади», «Содиқ йиқитади» қилиб, қимор ўйнагандек дов тикишарди.

Содиқ рақибни даст кўтариб ташлади. Гурс этган товуш ерни зириллатиб юборди-

ёв.: «Балли Содиқ. Ота ўғли Ҳалол», деган қийқириқлар эшитилди.

Содиқ катта қўчқорни гарданига ташлаб даврани бир айланди-да, ҳамқишлоқлари олдига келиб ўтирди.

Йиқилган полвон чамаси Содиқдан ёши катта эди. Урнидан туриб унга яқинлашди-да, қўл чўзди:

— Қойилман. Шу пайтгача елкам ерга тегманг эди,— дея Содиқнинг кўлини қисиб орқага қайтди.

Давра ҳаками:

— Содиқ чиқ! Сен билан тушишга бекнинг ўғли Сафарниёз полвон талабгор,— деди.

Содиқ даврага чиқиб, қариялардан фотиҳа сўраганча тиз чўқди.

— Омин, олло ёр бўлсин!— дея фотиҳа берилди қариялар.

Содиқ қоида бўйича даврани уч айланди-да, ўмов кериб, забардаст, офтобда қорайган, оғир меҳнатда қадок бўлган қўлларини рақиби Сафарниёзга узатиб борди.

Сафарниёз ҳам анча номи чиққан полвонлардан эди. Отасига қарашли ерларда бўладиган тўйларда ҳам доим биринчи товоқ учун курашиб юрарди. У Содиқ билан ilk марта беллашмоқда. Тез келиб, унинг ёқасини йиғиб ғиппа ушлади-да, қоқма берди. Содиқ буни кутмаган эди. «Биринчи қафасда куч синашганимиздан кейин, қўйиб юборар», деб ўйлаган эди. У чўккалаб қолди. Сафарниёз эса унга ёпишиб, йиқитишга уринарди. Содиқ полвон номини олганидан бери уни биронтаси тиз чўқтира олмаганди. Бор кучини тўплаб Сафарниёзни даст кўтариб урди. Елкаси ерга тегиши билан кўксидан босди. Сафарниёз ёғини, кўзлари косасидан чиқиб кетай дерди.

— Қўйвор, ялангоёқ,— деди типирчилаб, ётган жойида. Тарафкашлар Содиқни овозлари борича олқишлай олмадилар. Юзбоши ва бойваччалар Сафарниёзни ўрнидан турғазиб, даврадан олиб чиқиб кетдилар. Ҳаммаси унинг кўнглини овлаш билан оворга эди. Бирови қайноққина чой узатса, бирови елкасини қоқди.

Даврага товоқ келтирилди. Баковул товоқларнинг зотини чираниб айта бошлади:

— Биринчи товоқ нор туя, иккинчиси — хўкиз, учинчи товоқ — бир қўчқор, ёнида икки кийим бўзи билан — тўн қилиб кияди! Ҳой, талабгорлар, қани товоқларни олинглар!

Даврада жонланиш бошланди.

Аммо Содиқнинг тарафкашлари жим эдилар. Содиқ учун товоқ олиб келадиган Ҳамро бободан ҳам садо чиқмасди. Бу-

нинг ажабланидиган жойи йўқ. Ҳаммаси бекнинг кўзига ёмон кўринишдан кўрқадди. Содиқ ҳам индамай ўтираверди. Иккинчи товоқни Ҳамро бобо Содиқнинг шоғирди Назирқулга олиб келди. Учинчи товоқ тўй эгасининг маҳалласидан Нодир полвонга тегди. Назирқул рақибини йиқитиб зотга эга бўлди. Нодир зотни қаркилик Темир полвонга бой берди. Биринчи товоқни ҳеч ким олавермагач, чоржўйлик Танти полвон тарафдорлари олдилар. Танти даврани икки айланди-да, ўрнига бориб ўтирди. Ҳеч ким даврага чиқавермагач, баковул ўртага чиқиб:

— Талабгор бўлмаса, зотни Танти полвонга берамиз,— деб эълон қилди.

Яна ҳеч кимдан садо чиқмади. Қоида бўйича Танти полвон даврани яна бир айланиши, бордию талабгор чиқмаса, зотни олиши керак эди. Танти полвон даврани бир айланиб Содиқнинг қаршисига тўхтади.

— Содиқ, сен билан беллашиш учун келган эдим, доврўегингни эшитиб. Наҳотки олишмасдан зотни олиб кетаверсам, оринг келмайдимиз? Сени ориятли полвон деб эшитган эдим...

Тантининг охирги сўзлари Содиққа қаттиқ ботди шекилли, ошиқмайгина белига белбоғини бойлаб, ўртага чиқди. Ҳалаговур тиниб қолаётган даврада жонланиш бошланди. Иккала полвон ҳам ном чиқарганлардан эмасми, секингина қўл ушлашга кўришгач, куч синашди-да, биринчи қафасни тугатиб, иккинчи бор ёпишишди. Танти ичкаридан қилиб қайирмоқчи бўлди. Содиқ унинг чилини қайтариб, белидан ушлаб, ўзига тортиди. Кураш қизигандан қизирди. Полвонлар тўққизинчи қафасни ушлашди. Танти тезкорлик кўрсатиб Содиқни елка қилди. Ҳамма томошабинлар бутун вужуди билан берилиб, полвонлардан кўз узишмас эди. Иккаласи ҳам бутун илму ҳунарини намойиш этиб, бор кучлари билан курашишарди. Содиқ охирги кучини тўплаб, рақибини ёнбошга олди-да, белидан туя қилди берди.

— Ҳалол, ҳалол!..

...Сафарниёзга йиқилгани жуда алам қилган эди. Бекнинг ўғли деган шаънига доғ тушгандек, дили ҳуфтон бўлиб уйига қайтди. Ич-этини еб, ўзини қўйгани жой тополмади. У шундай чора излардики, бу билан полвонлик обрўсини сақлаб қолиши керак эди. Лекин эртага Содиқни йиқитолмаслигига кўзи етиб турибди...

...Курашлардан сўнг узоқ йўл босиб чарчаб-ҳориб келган Содиқ сал мизғиш учун эндилага чўзилган ҳам эдики, от дупур-дупурини эшитиб ўрнидан турди. Хотини,

болалари ширин уйқуда. Елкасига тўнини елвагай ташлаб чиқди. Дарвоза тагида саман отли, белига ханжар таққан Сафарниёзни кўраркан, нима ниятда келганини сизди. Лекин босиқлик билан сўради:

— Хизмат, бойвачча?

— Гаплашгани келдим.

— Кулбамга таклиф этолмайман. Болаларим ухлашяпти.

Сафарниёз унинг гапига эътибор бермай, қўйнидан ҳамён олиб, Содиққа иргитди.

— Ол! Бир умр еб ётасан! Лекин билиб қўй, йиқилиб берасан.

— Пулингиз ўзингизга буюрсин, бойвачча! Полвонлар кучу инсофни сотмайдилар.

— Тананга ўйлаб кўр, бир марта йи-

қилсанг осмон узилиб ерга тушмас! Кўнмасанг, отангнинг қора куни бошингга тушмасин.

— Эр йигитнинг гапи битта бўлади.

Сафарниёз бир оз безрайиб тургач, отининг бошини шартта кўчага бурди.

Норғул эшоннинг тўйига узоқ-яқиндан томошабину полвонлар келди. Полвонлар ўртасида кураш ярим тунгача давом этди. Бу курашнинг ғолиби ҳам Содиқ бўлди. У полвонлар учун бериладиган базмда ўтирмай, анча кундан бери дам олмаганини айтиб, қишлоғига жўнади.

Бироқ у уйига қайтмади. Икки кун деганда Содиқнинг чавақланган жонсиз жасадини қишлоқ яқинидаги тўқайзордан топишди. Бутун қишлоқ мотам тутиб Содиқни сўнгги йўлга кузатиб қолишди...

□ □ □

Турсун АЛИ

1952 йили Фарғона область, Қува районида туғилган.
Ҳозир Тошкент Давлат университетида ўқияпти. 1973
йилдан буён республика матбуотларида шеърлари
билан қатнашиб келади.



ВАРРАК УЧИРАР УКАМ...

Навбаҳор шамолидан укам қалбида сурур,
Варрак ясаб қоғоздан учирадир фалакка.
Шунда менинг ўйимда хотиралар уйғонур,
Варрак учирган кезим эслайман энди якка.
Бир варрак ясагандим, йўқ эди ҳеч тимсоли,
Ва лекин кетди шамол ипни узиб кўлимдан.
Тагин ўша варракдек бир кун тақдир шамоли,
Бахтим-муҳаббатимни нари сурди йўлимдан.
Навбаҳор шамолида варрак учирар укам,
Менинг ёдимга тушар ўшал суюк варрагим.
Кўз ўнгимдан кетмайди илк муҳаббатим асло,
Варрак учирар укам, сирқирайди юрагим...

* * *

Кеча кун бўйи йиғлаган осмон,
Бугун,
Табассумга кўмилган.

Олам бугун,
Ҳеч ғам кўрмаган
Келинчақдек турар масрур.

Кеча отин қамчилаган,
Тентак шамол,
Бугун у ҳам ҳолдан тойган.

Менинг юрагимга эса
Кечаги булутли,
Шамолли,
ёмғирли кун
Чизиб кетди ўз суратин.

* * *

Шудгор қилинган ерлар,
Бепоён саҳролар куйлар.
Гунчалар,
куртаклар...

Куйлар заминни ёриб, тилиб,
Қуёшга интилган майсалар.
Куйлар денгизлар,

Тириклар,
ўликлар.
Куйлар бутун борлиқ,
Бутун коинот...
Афсус,
Биз одамлар
Уларни доимо англаб тингламаймиз!

ОНАМ ХОТИРАСИ

Овлоқ қишлоқдаги қабр узра оғир,—
Бош эгиб жимгина ўртайман бағир.

Қабристонга чўккан совуқ сукунат,
Чўккан юрагимга беҳудуд ҳасрат.

Бунда менинг мунис онам ётибди,
Балки тушда мени кўраётибди.

Гарчанд баён этсам бирма-бир бу дам
Онамнинг тушида мен шундай одам:

Энг ақлли — доно инсон ҳам менман,
Илм бобида танҳо инсон ҳам менман.

Беморнинг умрига чанг солганда дард,
Жарроҳ бўлиб унга бўлганман ҳамдард.

Юлдузлар шаҳрига нурдай учганман,
Фазолар бағрида зафар қучганман.

Бир лаҳза ўзимнинг кашфимдан ҳатто,
Хайратда қолганман, такрор хайратда.

Олмадим, кимнингдир паноҳидан жой,
Ҳаёт осмонида мен гўёки ой.

Онамнинг тушида шундаин зотман,
Мен шундайин инсон — яъни Ҳаётман!...

Ох, шундай толега етолдимми мен,
Онамнинг руҳин шод этолдимми мен?..

Овлоқ қишлоқдаги қабр узра оғир —
Бош эгиб жимгина ўртайман бағир.

ШЕЪРИЯТ


Ҳали танимайман, билмайман мутлоқ,
Билмайман қайдасан, қайси томонда.
Соҳир жамолингни кўрсатиб ҳар чоғ,
Гулим, қолдирмагил мени армонда.

Сен чорлайсан бўлиб ёруғ юлдузим,
Менинг иқболимда порлаган малак.
Сенсиз қора бўлур менинг кундузим,
Сенсиз юрак эмас кўксимда юрак.

ВАТАН

Кўзларимнинг нурида,
Пахтадай бокира хаёлларимда,
Юрагимнинг қаърида,
Муҳаббатимнинг соф осмонида
Сен борсан ВАТАН.





1952 йили Тошкентда туғилган.

Ўз ҳикоялари, очерклари ва мақолалари билан 1965 йилдан бери республика матбуотида қатнашиб келади.

У ҳозир Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшитириши Давлат комитетининг Адабий-драматик эшитиришлар бош редакциясида редактор вазифасида ишламоқда.

МАЪСУДА

Ҳар сафар болалигимни эсласам, негадир аввало, кўкка бўй чўзган сервиқор тоғлар, худди зарқоғоз ёпиштирилгандек узоқдан йилтираб кўринадиган қорли чўққилар, тоғлар тепасида муаллақ осилган пахмоқ булутлар, қадди букик ишқомлар, бир-бирига мингашиб кетган тупроқ томли қишлоқ уйлари кўз олдимга келади.

Икки тарафи қуюқ бодомзор боғ кўчамизни хотирлайман. Болалигимиз шу кўчада ўтган эди. Эсимда: мактабдан қайтидик — кўчага югурардик. То кун ботиб, қош қорайгунча қий-чув кўтариб қувлашмачоқ, бекинмачоқ ўйнардик. Кўпинча биз ўғил болалар кураш тушардик. Орамизда энг зўри Турғун эди. Ҳаммамиз ундан ҳайиқардик. У тўладан келган, қўллари катта-катта, ўн икки-ўн уч ёшларда эди. Курашда доим у ютиб чиқарди. Турғун баъзан бизга қўшилмас, гоҳ мажнунтол қуюқ соя ташлаган булоқ бўйида, гоҳ ўрқач-ўрқач тепаликлар орасида кўзойнак тақиб, китоб ўқиб ўтирарди. У, кўзи яқинни яхши кўрмаганилиги учун кўзойнак тақишини негадир биздан яширишга уринарди. Уялармиди... Буни деярли кўчамиздаги ҳамма болалар билардик. Билардигу ўзига айтишга қўрқардик. Зўр эди-да!

...Эсимда, ўшанда эрта баҳор эди.

Теварак-атрофда илк кўклам нафаси сезилиб қолган, сочларига толбаргак таққан қизалоқларнинг, биз ўйинқароқ болакайлрнинг шодон қийқиригимиз уззукун тинмасди.

Худди ўша кезлари бизниқига икки юзи

қип-қизил, сергап холам Маъсуда дегли қизчасини етаклаб келганди. Аямнинг айтишича, холам: «Шаҳар жуда шовқин. Шу ерда, боғда кандидатсыйимни ёзаман», деганмиш. Бу хабар ўша куниеқ бутун қишлоғимизга тарқалди. Аямнинг «китоб ёз диган синглизини» кўргани кўни-кўшни айлар кунда чиқишарди.

Холамнинг қизи Маъсуда худди кўтир-чокқа ўхшарди. Сочлари жингала-жингала, қош-кўзлари қош-қора. Ўзи шу йил кулда биринчи синфга бораркан-у, менинг учинчи синф «Ўқиш китобим»ни шариллатиб ўқирди. Аввалига Маъсуда ҳеч кимга қушилолмай, уялиб, қимтиниб, ҳовлимиздан ташқарига чиқолмай юрди. Кейин кўшн қизлар қўйишмади шекилли, болалар билан ўйнай бошлади...

Бир кун ҳовлимизда, супада дарс тил-ёрлаб ўтирган эдим. Эшик тарафда кимдир ҳўштак чалди. Қарасам, Турғун: «Има дейсан?» десам, «бу ёққа кел!» деб имо қилди. Бордим. У дўппайган чўнтақларидан қисимлаб данақдек-данақдек довуччаларни олди-да, менга узатди.

— Ма! Яرمىси сенга, ярмиси қарин дошингга!

— Довуччаларинга зор эмасмиз, кррлик бўлса ўзим олиб келаман!— дедим кўлимни орқамга яшириб.

Турғуннинг жаҳли чиқиб оқ-сарикдан келган юзи қизариб кетди.

— Ол, дегандан кейин ол-да! Бирол ерни зор даяптими? Анави айтганди да, ўшанга...

— Ким?
— Анави-чи?! Қариндошинг!
— Маъсудами?
— Оти Маъсудами? Ҳа. Уша...
— Нима деганди?
— Қишлоғингларда довучча борми, деб сўрагани. Ола қол эди.

Довуччаларни олдим-у, негадир алам қилиб, хўрлигим келди. «Нега менга айтмади? Мен ҳам олиб келиб берардиму шу довуччани?!»

Уйга кириб, аямлар билан совса тугишаётган Маъсуданинг олдига довуччаларни ташладим.

— Ма, ол, гадой! Бировга ялиниб юрибсан.

Маъсуда гуручдек-гуручдек тишларини йилтиратиб жиламайди.

— Вой, жинни-ей, мен ялинибманми? Довучча бўлса олиб кел, дедим.

— Менга айтсанг, олиб келиб берардим.

— У зўр-да! Ҳеч кимдан қўрқмайди,— деди Маъсуда мақтанганнамо оҳангда. Йиғлаворай дедим.

— Ҳеч қанақа зўр эмас! У кўзойнак тақади, билдингми?! У шапкўр!

Шундай дедим-у, югуриб хонадан чиқиб кетдим...

* * *

Уша-ўша Турғун уйимизнинг атрофида ўралашадиган бўлиб қолди. Гоҳ қўйини тўлғазиб довучча олиб келар, гоҳ аллақадерлардан даста-даста чучмомалар териб берар, гоҳ велосипедида Маъсудани «катайса» қилдирарди.

Мени бўлса дамим ичимда. Уйда ҳам, кўчада ҳам Маъсуда билан гаплашолмасдим. Уша куни аразлашиб қолгандик.

Бир куни кечга яқин кўчага чиқдим. Қарасам, болалар шовқин солиб кураш тушишяпти. Даврага яқинлашдим. Турғун майкачан бўлиб ўртада юрарди. Икки-уч болани йиқитган бўлса керак, қўлларини белига қўйиб: «Қани, яна ким тушади?» дегандек кўзларини қисиб, даврадаги болаларга тез-тез қараб қўярди.

Шу пайт Маъсуданинг таниш овози эшитилди:

— Турғун, Саъдулла билан кураш тушасанми?

Ҳамма ялт этиб менга қаради. «Маъсуда ҳам шу ерда экан-да! Нима деяпти у ўзи?» Тиззаларим қалтираб кетди. Қўрққанчанимни сездирмасликка уриниб, олдинга чиқдим. «Тушасанми?» «Тушаман!» Турғун шундай деди-ю, негадир ранги оқаринқираб, бир Маъсудага, бир менга қараб қўйди.

...Икковимиз бир-биримизни белимиздан кучоқлаб, даврани айлана бошладик. Кутилмаганда, у бирдан мени кўтариб урмоқчи бўлди. Оёғимни ерга маҳкам тираб қолдим. Кейин бир-икки марта чалиб йиқитишга ҳаракат қилди. Бўлмади. Бир сафар йиқитди ҳам. Тўсатдан чўккалаб қолдим-у, кейин худди спортчилардек чаққонлик билан сакраб ўрнимдан туриб олдим. Нафасимни ростлаш учун четга чиқдим. Кун кеч бўлиб, теварак-атроф ғира-шира қоронғилашиб қолганиданми, ё кўзойнаги йўқлигидан кўрмай қолдимми, ишқилиб Турғун бир лаҳза қўлларини ҳавода силкиб, мени қидира бошлади. Болалар қийқириб кулиб юборишди. Турғунга жуда раҳмим келиб кетди. Қийин-да бечорага!

— Ҳей, полвон! Очкийингни тақиб ол!

Бу Маъсуданинг товуши эди. Турғун Маъсуда турган тарафга бир зум саррайиб қараб қолди. Кейин жаҳл билан менга ташланди. Белимдан маҳкам қисиб олиб, айлантира бошлади. Унинг тишларини ғижирлатаётганини, пишиллаб нафас олаётганини эшитардим, холос. Ҳамма нарса кўз ўнгимда чирпирак бўла бошлади. Шу пайт кўз олдимни қоплаган ҳалқачалар ичида Турғуннинг ёшланган кўзларини кўрдим-у, ҳушимга келиб, ўзимни ўнглаб олдим. Жон аччигида унинг чайир қўлларидан силтаниб чиқиб, кўкрагидан итариб юбордим. Турғуннинг ўзини ҳам боши айланган шекилли, бир лаҳза каловланиб турди-да, тўсатдан гурс этиб ерга йиқилди.

Болалар бараварига «ууй» деб юборишди.

Маъсуданинг шарақлаб кулгани эшитилди.

— Қуруқ гавада экан-ку, бу полвонинглар, фу-у!..

Ҳамма гур этиб кулиб юборди.

Турғун ўрнимдан сакраб турди-ю, даврадагиларга еб қўйгудек бир қараб қўйди-да, уйи томон югуриб кетди.

Уша-ўша у кўчамизда қайтиб кўринмади. Кўчанинг «зўри» мен бўлиб қолдим. Кейин билсак, Турғун Хўжакентдаги акасиникига кетиб қолган экан...

* * *

Орадан йиллар ўтди...

Турғун нега ўшанда йиқилди? Мени аямдими? Ё даврада ёлғизланиб қолгани таъсир қилдими? У ёлғиз бўлса ҳам ҳеч қўрқмасди-ку!— дедим ўзимча. Ҳеч ишонгингиз келмайди кийин. Эҳтимол, Маъсуданинг: «Эй, полвон, очкийингни тақиб ол!» дегани таъсир қилдимикан? Билмадим. Ҳали-ҳали бунга тушунолмайман.

* * *

Мана, яна баҳор келди...

Кўм-кўк осмон юзида яна варраклар учди. Куртаклар кўз очиб, япроқ ёзди. Уклар майсалар ердан бош кўтарди.

Худди шундай кунларнинг бирида Хўлакентга, баҳорги дала ишлари ҳақида очерк ёзиш учун борган эдим, Турғунни учратиб қолдим. Анча озибди, қорайибди. Сочларига битта-яримта оқ, пешонасига эжин ҳам тушиб улгурибди. Уйига таклиф қилди. Анчагача гаплашиб ўтирдик. Ҳозир у ГЭС қурилишида ишлаётган экан.

Негадир оиласи тўғрисида ҳеч нима демади. Мен ҳам сўрашга ботинолмадим. Тушга яқин хайрлашиб кўчага чиқдим. Ана шундагина таваккал қилиб сўрадим:

— Турғун, кечирасан, сўрамоқчи эдим... Уйланганмисан? Оиланг борми?

— Ҳа, бор,— деди у лабидаги ўчай деб қолган сигаретни чуқур тортиб.— Тўғрироғи бор эди... Ҳаёт сен билан мен ўйлаганимиздан кўра мураккаброқ экан, оғайни. Яшириб нима қилдим. Одамнинг оласи ичида, деганлари рост экан. Хотиним билан икки йил туппа-тузук яшадик. Кейин билсам, у бошқа биров билан... юраркан. Ур-

дим, сўқдим. Дўқ-пўписа қилдим. «Яхши кўрганим, биринчи муҳаббатим», деди. «Унда нега менга тегдинг?»— десам, йиғлайди. Бўлмади. Ажралишдик...— Турғуннинг овози титраб кетганини сездим.

— Шунақа дегин,— дедим унинг ярасини янгилаб қўйганимдан хижолат чекиб.— Кечирасан, мен билмасдан...

У индамади.

— Болаларингиз ҳам бормиди?

— Ҳа, битта қизим бор,— деди у маъюс кулимсираб. Кейин тепалик тарафда ўйнаб юрган болалар томонни кўрсатди,— ҳов, ана!

У кўрсатган тарафда бир неча қизалоқлар бақариб-чақариб қувлашмачоқ ўйнашарди. Турғун ўрнидан туриб қичқирди:

— Маъсуда! Эҳтиёт бўлинглар, қизим! «Маъсуда!!!» Ялт этиб унга қарадим. Турғун кўзойнагини олиб, рўмолчаси билан хиралашган ойналарини артаркан, чуқур хўрсиниб қўйди...

Мен катта йўлда борарканман, тепаликда боғ кўчада ҳамон болакайлар қий-чув кўтариб қувлашмачоқ ўйнашар, ложувард баҳор осмони уларнинг шодон қийқириқларига тўлган эди...





Виктор УСТИНОВ

Воронеж областида туғилган. Денгизчилик мактаби ни тугатгач, Тошкент Давлат университети журналистика факультетига кириб ўқиди. Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар союзида ишламоқда.

УЧ НУҚТА

«Сашка, сенга битта саволим бор,— деб ёзибди самойловалик Прохор бобо наби-расига,— онанга ёрдам беряпсанми ёки саланглаб юрибсанми? Сашка, билиб қўй, сен оиланинг каттаси бўласан-а, яқкаш бешга ўқилинг керак. Укаларингга ўрнак бўл. Саккизинчи синфнинг дарслари ҳазилакам гап эмас. Халқимиз ёнғоқни чақмасанг мағзини тота олмайсан, деб қўйибди. Мен ёдимга келган нарсани хатга туширдим. Ҳаётнинг ўзи инсонни саволга тутади. Шундай жавоб бериш керакки, кетидан уялиб қолмаслик лозим. Бўлмаса иш ўнгидан келмайди. Ҳаёт худди ақлинг етмаган дарсга ўхшайди. Агар ўзинг яхши сабоқ олмасанг, сенга ҳеч нарса ёрдам беролмайди...»

Ёшлик кунларимиз яхши дамланган хушбўй чойга ўхшарди, ичиб тўймасдик. Ҳиди кўнгилга урмасди. Ажойиб кунлар. Тунлари ойдин, мусаффо. Кўлдаги балиқлар худди ойни тутиб оладигандек сапчишарди. Сарвқомат дарахтларни айтмайсанми? Фозлар балаңд учса — сув бўлади. Чумоллар ғужгон ўйнайди: ҳар биттаси тўрттасига озуқа тўплаш дардида. Ҳосилдан кутилган ер сўқа кутади. Қани, ерга биз тилингга тушунмаяпмиз, деб кўр-чи!

Ҳадемай момақалдироқли кунлар бошланади! Ох, Саша, ана шунда кўзиқоринлар шунчалик кўпайиб кетадики... Сенга нима десам экан...»

Хат шу ерга келганида бўлиниб, уч нуқта қўйилган эди. Буваси гапни ниҳоясига етказмай, ўрни келдими, учта нуқта қўйиш-

ни яхши кўрарди. Ўзи шундай дерди: «Буёғида гап кўп. Келгин, кўрасан!»

Каникулга яқин яна битта хат келди: «Сашка, сенга битта саволим бор,— дебди хатида буваси.— Аҳволларинг қалай? Онанг эсон-омонми? Агар бирор нарса: думбамойми, мураббо ёки ёқа учун тулки терисими, зарур бўлса, айтинглар, юбораман. Ҳайронман, нега энди жим бўлиб кетдинглар? Сенлардан хат кутганим-кутган. Совуқ тўсатдан тушиб қолди. Печнинг ёнидан жилмаяпман. Куним дори-дармонга қолган. Сашка, дард шундай нарсаки, мисқоллаб келадую ботмонлаб кетади.»

Ўтинни роса ғамлаб беришди. Урмондан бир арава ўтин олиб келиб, ўзлари арралаб, ўзлари ёриб ташлашди. Печкага паёкларни қалаб қўйсанг борми, бирам қасирқусурлаб ёнадики, худди сен билан гаплашаётгандек...»

Роса қалин кийиниб олганман: эгнимда почапўстин, оёғимда пийма! Иссиқ кулоқчиним бор. Энди гапнинг буёғини эшит. Биз — механизация мактабидаги болалар билан ўрмонга овқат ташлаб келяпмиз. Совуқ авжида. Ҳайвонлар ордан ўлиб қолиши мумкин. Кийик деганинг ҳам одамдан чўчимайдиган бўлиб қолган.

Мактабимиздаги болалар худди саралаб олингандай. Мен уларнинг мурабийси бўламан. Қишлоқдаги биринчи тракторчи бўлганим учун уларга тракторнинг қисмларини ўргатаман. Менинг «тулпорим» музейда турибди. Сен ҳали ёруғ дунёга келмаган ўттизинчи йилларда мен унда колхоз ерла-

рини ҳайдаганман. Нимасини айтасан! Келгин, ўзинг кўрасан...»

Сашка бувасининг хатини ўқиб, жилма-ниб кўйди. Буваси бирам айёр-ки...

Сашка буваси билан кериларди. Нега энди керилмасин. Граждан урушида жанг қилиб, Ворошиловни кўрган. Сталинградда фашистларнинг додини берган. Икки орден, тўрт медали бор...

«Сенга бир саволим бор, Сашка. Режаларингни дарҳол ёзиб юбор. Фурсат ғанимат. Ҳеч қачон баҳор шундай келмаган. Сенга айтган чағалайлар ҳам катта бўлиб қолди. Халқда бир гап бор: чағалай кўрган одамнинг омади юришади. Мен шундай чағалай кўрдимики... Улар учиб келишдими — демак муз кўчгани.

Тракторлар қимирлаб қолди. Мактабдаги болаларнинг ўзлари ҳайдашяпти. Сашка, трактор ҳайдаш унча қийин эмас. Аммо уни беш кўлдек ўрганиб олишинг керак. Сен келгин, зўр тракторчи бўласан. Мен қаридим, энди. Етмишдан ошиш осон эмас. Соғлиғимнинг ҳам мазаси йўқ. Сашка, кечиктирмай жавобини ёзиб юбор».

Сашка хатни нафасини ичига ютиб ўқирди. «Бир ҳафтага бориб келганимда,— ҳаёлидан кечирди у.— Чағалайларни кў-бардим, трактор ҳайдардим».

Хат охирида буваси ўз қойдасига амал қилиб: «Қўмиладиган жой йўқ, деб ғам ема. Қўлимизнинг суви шундай тиниқки, аксинг кўринади. Тагин... Денгиз қўлтиғидаги ям-яшил эман...» — деб уч нуқта қўйибди.

Сашка, бувасининг фикрига тушиниб «ура!» деб юборди.

«Бувам ғалати-да. Яна лоф урибди. У ерда ҳеч қанақа денгиз қўлтиғи-ю, эман йўқ. Қаёқдаги йўқ гапларни тўқибди. Ёш бола эмасман-ку». Сашка хат ёзмоқчи бўлди-ю, бувасини ранжитиб қўйишдан чўчиди. У ҳали бирор нарса ёзиб улгурмай туриб, ёз-нинг бошларида бувасининг ўзи келиб қолди.

Сашка бувасини ёшлигида кўрган эди. Унинг қиёфаси аллақачон ёдидан чиқиб кетган. Буваси Сашка тасаввур қилганидек эртаклардаги паҳлавонларга ўхшамасди. Жиккакина, кўса чол бўлиб, Сашкага жуда ўхшаб кетарди. У неварасидан сўради:

— Сашка, сенга битта саволим бор. Нега энди сен мен билан қишлоққа бор-гинг келмаяпти?

— Гапларингиз ростми, ёки шунчаки... — деб Сашка бувасининг кўзига тикилди.

— Вой, гапга тушунмас-эй. Бор гапни айтяпман! — ҳайратланди буваси.

— Зерикарли бўлса керак.

— Зерикарли эмас, — унинг гапини бўл-ди буваси. — Чиройли. Сўз билан таърифлаб

бўлмайди. Кўрганлар дармонда, кўрмаганлар армонда.

— Трактор-чи?

— Трактор ҳам бўлади. Борсанг, ўрга-тиб кўяман, ҳайдайверасан.

Сашка, борайми-бормайми, деб иккила-ниб қолди. Буваси бўш келмади. Сашка бо-ришга аҳд қилди. Бувасининг гаплари чин-ми, ёлғонми эканлигини синамоқчи бўлди.

Онаси Сашкани йўлга отлантираар экан, тинмай уқтирарди:

— Бувангинг гапидан чиқма. Айқининг яқинига йўлама. Ишшайма. Тракторга олис-дан туриб қара.

— Ойи, мен ҳам қишлоққа бораман, — деди ўртанча ўғли Виталий.

— Менам... — ғингшиди кичкинаси — Алёша.

— Битангининг кетганинг етади, — деб ойиси чамадоннинг қопқоғини ёпди.

Қишлоқ кўчалари ойиси айтиб бергани-дек чанг эмас, кенг ва асфальтланган экан. Икки четида қайинлар буй чўзиб турарди. Кўчалар худди шаҳардагидек ёритилган. Уйлари ғиштин. Пештоқиға «Гастроном», «Поликлиника», «Маиший хизмат уйи» деб ёзилган чиройли бинолар кўзга ташланарди. Маданият уйининг ланг очиқ дераза-ларидан куй янгарди...

Қишлоқ буваси хатида ёзганининг ўзги-наси эди: «Чап томонда кўл, ўнг томонда ўрмон. Йўлларга ранг-баранг гуллардан гила-ман тўшалган, Сашка кўл бўйидаги эманга маҳлиё бўлиб тикилар экан, шивирларди: «Денгиз қўлтиғида ям-яшил эман...»

Яқин орада трактор «тарр» этди-ю, бир-пас нафаси ўчиб тургач, ҳаммаёқни бошига кўтариб, тариллай кетди. Сашка оёғини қў-лига олиб, овоз чиққан томонга чопди. У кечқурун уйга қайтиб кела солиб, овқатга ёпишди. Бир тоғорача карам шўрвани пақ-қос уриб, яна сўради. Буваси мийиғида ку-либ кўйди: овқат еган одамнинг иши унум-ли бўлади.

Сашка ташқарига чиқиб, эски пўстинни ўт устига ёзиб, ухлаб қолди. Буваси унинг чарчоқ чеҳрасига, мойли қўллари ва куй-лагига қараб кулиб кўйди.

Буваси икки кундан кейин уни мактабга олиб келди. Шунда Сашка ҳайрон қолди. Буваси тракторчи ҳам, механик ҳам бўлиб ишламас экан. Қоровул экан, холос. Аммо уни жуда ҳурмат қилишар экан. Директор-нинг ўзи уни қўйишга жой тополмасди. Буваси Сашкани кўрсатиб деди:

— Михаил, сенга ўринбосар олиб кел-дим... Набирам чинакам техника эгаси бў-либ чиқшини истайман.

Директор Михаил Семёновичнинг ўзи Сашкани қўлидан етаклаб мактабни айлан-

тириб чиқди. Бувасининг меҳрибон мураб-
бий эканлигини мароқ билан сўзлаб берди.

Орадан бир ярим ҳафта ўтгач, буваси
Сашканинг онасига хат ёзишга тушди:
«Сен болани йўлдан урма. У йўлини топ-

ди. Механизациянинг устаси бўлмоқчи. Ис-
тасанг, ўзинг ҳам кел. Турмушимиз чакки
эмас. Хат охирида катта бўлиб қолган на-
бирасига: «Виталий, сенга саволим бор...»
деди-да, уч нуқта қўйди.

□ □ □

УСМОН ФАЙЗИЙ



Вобкентлик, бухгалтер бўлиб ишлайди. Арузда ёзади.
Ғазалларида классик поэтик анъаналарини замонавий
руҳ билан сўғоришга ҳаракат қилади.

ИСТАДИМ

Бу ҳаётни мен ҳамиша кўкламу ёз истадим.
Қимга бу нашъа муяссар бўлса, ҳамроз истадим.
Покиза дилни қуёшу ойга этгайлар қиёс,
Мен қуёш, шу ой каби юксакка парвоз истадим.
Эй, билимдон оқилу манзури олам мард элим,
Шухратингнинг шаҳрига қудратли овоз истадим.
Зарра ҳар тупроғим Усмон мадҳин кўкдан ошуриб
Она юрт, ўзбек элимдан хуш наво, соз истадим.

ҚЎРМАБДУР

Сенингдек лоларуҳни ҳеч гулу гулзор қўрмабдур,
Лабингни лаззатин уйқуда ҳам ҳеч зор сўрмабдур.
Ҳаёлинг кўксига бош қўйдию бир лаҳзае жоним
Жами ошиқ аҳли қутлади, афғор юрмабдур.
Гўдақлар кулгусидек беғубор — севги, санам сирин
Дилида сир тутиб, ғунча — кулиб бисёр турмабдур.
Кўриб оҳу кўзинг, жоним, нечук ишқ ихтиёр этмас,
Кўзинг мардумлари кўзга, Ватан, эй ёр қўрмабдур?!
Ҳали илк ибтидодин то бу дам севги, санам дерлар,
Вале олам сенингдек дилбару дилдор қўрмабдур.

ГУЛМИ ДЕСАМ

Хандага мойил турарди лаб экан — гулми десам,
Тонг насимин телбалатган сочи — сунбулми десам,
Не сабаб шайдо бу кўнглим, сайри боғ истар бу тонг,
Сарвинозим боғ аро куйларди — булбулми десам.
Гулшан ичра шўриши ишқ этади бунёд дилбарим,
Сайри гулзор истаган мастона — кўнгулми десам.
Гуллар ичра гулбадан эрди ва ё ким кўкда ой,
Ўз аксим сувда кўрдим, ойна — кўзгуми десам.
Рақс тушиб анвои гуллар анбарафшон бўлди боғ,
Севгида танҳолигинг жонона мангуми десам.



Ғулом ШОМУРОДОВ

Шеърни журналистикага омухта қилган шоирлардан бири. У Ўзбекистон радиосининг Бухоро область мухбири бўлиб ишлайди. Майин, лирик бўёқлар унинг шеърларига жон бағишлайди.

* * *

Қор ёғмоқда,
Оппоқ қор майин.
Сутга чайиб бутун оламни
Қор ёғмоқда,
Ёққани сайин
Ажиб ҳислар қуршар одамни.
Ташларканман
Қадам оҳиста,
Пойандозим гўё қаҳқашон,

Атроф...
Атроф фақат оқ шуъла,
Туташ бўлиб кетмиш ер, осмон.
Кезарканман,
Энтикиб бу дам
Жим тинглайман бутун борлиқни.
Қордан нафас олмоқда олам,
У айтмоқда шаффоф кўшиқни.

* * *

Ой нури тарам-тарам,
Денгиздай мавж уради.
Нурга чўмилган олам
Гўдак каби кулади.

Юраман, нур селига
Ғарқ бўлгандай ҳаммаёқ.
Боқаман, бутун олам
Нурдан яралган — оппоқ!

* * *


Шафақ ўчар,
Мени кучар
Кўк камзулли
Дилбар тун.
Юрагимда қолди порлаб
Бугун кечган

Нурли кун.
Эртам яна
Нурга тўлиқ —
Шукуҳига қонар дил.
Жамолини кўрмоқ бўлиб
Юлдуз бўлиб ёнар дил.

* * *

Қум ташланди
Сувнинг бетига —
Овозсизу
Изсиз йўқолди.
Тош ташланди,
Чизиб доира

«Шалоп» этган овози қолди.
Кузатдим
Ушбу ҳолатни —
Қалбда қарор топдим шу фикрим:
Йўлим узун бўлмагай, балки,
Лекин беиз ўтмагай умрим!



Абдумажид ШОМИРЗАЕВ

1945 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1968 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетини битирди. Биринчи шеъри «Ёш ленинчи» газетасида 1963 йилда эълон қилиниб, шундан буюн республика матбуотида ўз ҳикоялари, таржималари билан мунтазам қатнашиб келади.

АЙТИШУВ

Десам: нечун васлингга этгайсан, дилозор, зор?
Деди: лаззат қолмагай кўрсанг мани бисёр, ёр.
Десам: сабру тоқатда мендирман диловор вор,
Деди: бермакка салом — соямгадир ҳазор зор.
Десам: қўлинг тегса гар бағрим бўлур анор, нор,
Деди: илтифот, ширин калом — бари бекор қор.
Десам: дегил бу сўзни рақибга — ул бемор мор,
Деди: улдир бир шунқор — қилибдурмен бекор ор.
Десам: дилга ташладинг, деб рақибни шунқор, қор,
Деди: улдир ўртада, сену менга — ишқор, қор.
Десам: бўлибман гулга, севги айлаб изқор, қор,
Деди: ғалат каломинг оташ бўлмас хунқор хор.
Десам: кибру ҳавоинг ҳаво димлиғ, ишор, шор,
Деди: ҳожат не, айламак сўзни ихтисор, сор?
Десам: сўзинг сиртмоғу, зулфинг менга, дилдор, дор,
Деди: оламни айлар бул лаҳжада дутор тор.
Десам: севгимизга, кел, айтай бирга алёр, ёр.
Деди: лафзинг гар ҳалол, сенга ҳам эътибор бор.
Десам: шараф эгасидурмен — мен бахтиёр ёр,
Деди: жоним садқадир, Дилором Шаҳриёр, ёр.

КЕЛДИМ

Ваъда айлаб келмадинг, ўзим кўргали келдим,
Кўп ташвиш-ла ҳолингдан хабар сўргали келдим.

Юрдим тўлғониб мисол Зарафшон куни бирла,
Сен-ла бу оқшом қониб суҳбат қургали келдим.

Боссанг қадам чайқалур ажаб Сир ила Аму
Хўп қаро икки занжир — зулфинг кўргали келдим.

Барглар остидан боқар мисоли икки чарос
Кўзларингга, қоши ёй, термиб тургали келдим.

Улгурмаган шабнамга бўса тутиб бир гилос —
Лабинг тутмасанг дариф қандин сўргали келдим.

Дилдор, ўйлама, ҳусним мадҳ этгали келган деб,
Боғлаб дилиннга дилим, ошён қургали келдим.

Ногаҳон кетса тегиб, танга солгуси оташ,
Дилафкорим, илкингдан тутиб, юргали келдим.

ЁР АЙЛАДИМ

Гўзаллар гўзали ул барнони дилдор айладим,
Хаёлий паримас, ҳур ўзбек қизин ёр айладим.

Бўлса гар парий уни алмашмам минг парисига,
Ҳар киши дилидагин ўзига гавҳар айладим.

Қизлар ҳаё, ёр вафо бирла гўзал экан мунча,
Кўрмасам уни бисёр, ўзимни хумор айладим.

Дарс бергай нечаларга илму одоб, чиройда у,
Шижоатини кўриб меҳнатда, шунқор айладим.

Севги боғига бошлаб, севгин сўзин англатди у,
Бул оқшом бўлиб иқрор, сиримни ошқор айладим.

Абдулмажид, икки дил қулф асроридин ип эшиб,
Қўлга олган қаламни бир умр дутор айладим.

ТЎРТЛИКЛАР

Кўчат кўчатмас, илдиз отиб чин барг бермагунча,
Меҳнат ҳикмати ношудга не — ризқин термагунча.
Ошиқдан кулган тушунмагай ишқу рашк азобин
То куйиб, севги ҳижронида кўкрак кермагунча.

* * *

Болалик йиллар бўлар экан бир вулқон десам,
Ёшлик тоғ жилғасидек шўху зилол дедилар.
Давоси не бўлур пок номга тушса доғ десам,
Қайта биллурлаш лойқа сувни маҳол дедилар.

* * *

Муҳаббат савдоси тушгай қизу эрга ҳам,
Синашиб хўп, сўнг қургайлар турмуш бирга ҳам...
Эъозлай бил дейдилар, чин дилдан маҳбубни,
Ортиқча урмагил аммо ўзни ерга ҳам.

* * *

Азобларга ошиқ бардоши кенгмиш,
(Фақат, ҳар азобни чин ошиқ енгмиш).
Севмаса гар маҳбуб, ишқин қозонмоқ
Ялтироқ қўртда ўт ёқишга тенгмиш.

* * *

Ул кўнгил қўйганин сезолсанг зарра,
Айбингни яширма либосу зарда.
Дилдан суйган боқмас ёр нуқсонига —
Ахир, айбларга чин севги парда.

ТУЮҚЛАР

Жоҳил келтириб шатранж, тез дона сур, ма, деди,
Оқил, билмайин ўрнин пиёда ҳам сурма, деди...
Фикр шатранж, тил шох, сўзлар эрур анга навқар,
Ноўрин сўз ўйнатиб, жафосин сурма, деди.

* * *

Боболар қўяр гўдакка феъл-жисмига монанд от.
Оталар, бўлгин ботир деб, ҳадя этар саман от.
Дунёдек бўлсин феълинг кенг,— алла айтар оналар,—
Камтар, сахий бўл, иғвою фисқи-фасод — бадни от.

* * *

«Мен сенга, сен менга тегма,— деди кулиб,— тек ёт».
Хатони яширсак, дедим, ахир бу айб, уёт.
Беғараз танқид самардир... ўйласанг ўзингни —
Бошга тушса ташвиш, бўлур қондош ҳам етти ёт.

* * *

Дилбарлар дилбари, дилдоримисан,
Қалб малҳами бўлур дилдоримисан.
Ё ёрни стамларга этгувчи дучор
Бир жон офати-ю, дил доримисан.

* * *

Инсон бирла севги бўлганда бино,
Вафою ҳақ сўзга қўйганмиш бино.
Севги бобида ким нақл қилса ёлғон
Ул қургаймиш пойдевори бўш бино.

МУАММО

— Нега одамлар ўртасида бор адоват?
Ҳей, қачонгача давом этар бундай одат?
Сўз қотар Эшмат, ечмоқ бўлиб бул муаммони:
— Ҳой, пакана-ю фитна, суллоҳ, ялқов Тошмат,
Савол. Лек менга ёлғон сўзлаб, ҳаддан ошма.
Бўлмаса... Библиб қўйгин, бутун хон-монингни...
— Нима?— ғазабдан қалтирайди Тошмат шу чоқ:
— Ким ялқов, суллоҳ, эй дорози кони аҳмоқ?
Савол қолиб бир четда, кетар бошланиб жанг.

* * *

Шеър ўз йўлига. Уйлаб кўрсак дўстим, бир он:
Тилга эътибор бермаса гар, қай бир инсон,
Бўларкан, Эшмат шоввоз каби, кўп ҳоли танг.

БАҲОРДА

Бир зум шамолга айланиб ел,
Чанг-тўзон, тупроқ тўзғитиб хўп,
Қўндириб кетди баргларга гард.
Гўё саратон, келиб гармсел
Дилларда ташвиш қўзғатиб хўп,
Индириб кетди баргларга дард.
Кўкда кезар оқ қушлар янглиғ,

Парча-ю пурча тўп булутлар
Тутдилар мотам, қора парда.
Атрофни босди қоронғулик,
Қушлар чирқ-чирқни унутдилар.
Кўз ёшин тўкди шу орада,
Ғазабдан осмон гоҳ ўкириб,
Гоҳ телба каби қаҳ-қаҳ уриб.

Лек боққач қайдан дарча очиб
Боққач борлиққа нурун сочиб,
Дақиқа ўтмай кўк наққоши:
Гардларин ёмғир ювиб ўтган,
Дардларин бир-бир қувиб ўтган,
Баргда ялтиради севинч ёши.
Шамс уни кўмди нурга сийлаб,
Шаббода эсди силаб-сийпаб...

Ёмон сўз шамолга ўхшайди гоҳ...
Ғамли инсонлар учрайди гоҳ...
Бахтиёрдим, гар ёмғир бўлиб
Бир дил ғуборин юволсам.
Бахтиёрдим, Ер Шамси бўлиб,
Қайғу ёшларин қуволсам.

□ □ □

Абдухалил ҚОРАБОЕВ



Абдухалил Қорабоев китобхонларга шоир сифатида таниш эди. 1978 йили Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида «Кўзларингда қуёшча чўғ» номли шеърлар тўплами чоп этилди. Кейинги пайтларда республика матбуотида эълон қилинган ҳикоялари унинг насрда ҳам муваффақиятли қалам тебратганини кўрсатмоқда.

ХАРСАНГ

Куллага баҳор кеч келади. Май ойларида ҳам Аравон тоғининг қорли чўққиларидан этни жунжиқтирувчи шамол эсиб туради. Акбар ота айниқса шу қиш кўкламни бетоқат бўлиб кутди. Кексалик, бунинг устига ёлғизлик... Кечалар узун. Чойхонага чиқай деса, йўл сирғанчиқ. Бир жойда йиқилиб тушиб майиб бўлиб қолса, кўринг томошани. Оқшом чойга қаттиқ нон бўктириб қўяди-да, беданаси учун бир луқма гўшт майдалайди. Улиб-нетсам кунимга ярар, деб боқиб юрган она-бола кўйидан икки-уч хабар олади. Қўрага гапириб кириб, гапириб чиқади.

Ота ярим кечагача ухлай олмайди. Гуллари ўчиб, қора-сарик доғларга айланган катта сандиғидан тугунча олади. Уни титкилаб лотинча ҳарфлари хиралашиб кетган газетани ёзади. Сарғайган хужжатларни шамоллатган бўлади. Улардан биттасини қўлига олганда хира кўзлари қисилади, пешонаси тиришиб, дўпписи хиёл қимирлайди. Титроқ овозда пичирлайди. «Муни Фрунзенинг ўзи берган!» Зум ўтмай отанинг кўзлари тинади. Аллақандай ваҳимадан юраги қисилиб, чуқур уф тортади: «Жон-да, кечаси «пүф» этиб чиқиб кетса. Мурдам шу ерда ҳеч ким билмай туриб қолса-я. Йўғ-е, баҳор келиб қолди. Иссиққа чиқиб олсам, дармонга кириб кетаман».

Аравонсои соҳилларида кўй, мол ҳайдаган болаларнинг қий-чувлари эшитилиб қолди. Ота «хайрият», деб севиниб қўйди. Шу кеча тонг ёришиши олдида отанинг кўзи бир илинди-ю, қайтиб ухлаёлмади. Урни-

дан туриб қўйларга ем солди. Кечаси ювиб қўйган яктагини кийиб, оқ халтачадан икки-уч сиқим курут олди-да, кўча дарвозасининг илмоғини солиб йўлга равона бўлди.

Ҳа, ана, куртакларам бўртиб қопти. Бу... чойхоначи ҳалиям Жабборвоймикин-а. Жашинаванда йигит-да. Киришинг билан чой келтиради. Уёқдан-буёқдан гапириб зериктирмайди. Бошқалари бўлса, эээ...» Ота бозорбошидаги катта қайрағоч ёнида тўхтади. Унинг остидаги харсангни силаб кўрди, сўнгра бир четига ўтириб, ўтган-кетганни кузата бошлади. Бутун бозорбошига эшитиладиган кўнғироқ отанинг бағрига ҳарорат олиб киргандай бўлди. Интиқлик билан мактаб томонга ўгирилар экан, яктагининг чўнтагини сийлаб қўйди. Мактаб эшигидан димланиб турган сувдай отилиб чиққан болалардан беш-олтитаси қайрағоч томонга чопишди:

- Ана-а! Акбар бува кептилар!
- Ҳо, эсдан чиқаришмабди-да, ботирлар.
- Нега келмай қўйдингиз, бува?
- Қиш. Йўл чатоқ. Йиқилиб-нетиб бирор ерим узилиб кетса, санлар тузатиб қўярмидинг?
- Тузатардик,— чуғурлашди болалар.
- Бэ-э...— Ота болаларга қурт улашаркан, таъкидлади:— Бу бекоргамас, яхши ўқиганларга! Ҳов, сен маллавой, кимми боласисан?
- Йўлдошвой акани.
- А? Қайси Йўлдошвой?

— Шофер Йўлдошвойни.
— Э-э, Хайтвойни неварасиман, де-майсанми. Ҳа-а-а, буванг ғалати одам эди, раҳматли. Бувангга тортсанг, чакки бўлмайсан, болам.

Отанинг катталар билан унчалик иши йўқ. Тез-тез мана шу харсанг атрофида болалар билан чуғурашади.

Ота чойхонада ўтирган пайтларида дардлашгиси келиб қолса, биров кулоқ солади-ми, йўқми гапириверади: «Э-э, булар нимани билади. Мен Фрунзенинг ўзи билан гаплашганман. Мактаб очиш ҳақидаги буйруғиям бор менда. Кўр Шерматнинг йигитлари мени мана шу қайрағочга боғлаб эллик қамчи урган. Мана, яғринимни кўр, тиртиқ бўлиб кетган. Маши чўлтоқ бармоқларимни Холхўжанинг ўқи шундай қилган».

— Мабода Совет Иттифоқи Қахрамони эмасмисиз?

— Қахрамонам биздақа одам-да, нега ишонмайсан!— отанинг жаҳли чиқади. Сўнгра ҳафсаласи пир бўлиб, жим қолади. Енги ичида типирчилаётган беданасини олади-да, бармоғини намлаб силай бошлайди. Ижирғаниб ўрнидан туради-да, секин-секин қадам ташлаб чойхонадан узоқлашади. «Ўзингнинг тенгинг бўлмаса, гапингга ишонармиди»...

Баъзи кунлари ота чойхонага қувноқ бир рўхда кириб келади:

— Кечкурун бундоқ санаб чиқсам, маҳалламизда қирқ учта бева боракан. Ун йилдан бери ёлғизман.

— Биронтасига уйланиб олмайсизми,— ҳазиллашади Жаббор чойхоначи.

— Бэ-э, бари пенсия олади. Тўқ. Менга тегармиди! Ҳа, бир вақтлар битта нонгаям эрга тегиб кетишаверган. Ҳозир, ўх-хў!..

Чойхонада қичқирқ кутарилади. Акбар отанинг дили ёзилиб давом этади:

— Қайси кун Нурмат кўсанинг беваси оқ рўмонли силкиб, чайқале-еб кетаяпти қарасам. Бир гапириб кўрай-чи, дедим. Балого қолдим: «Терваниб қопсизу, тирик тоvon қилиб нима қиламан»,— дейди. Қиҳ-қиҳ-қиҳ,— отага кампирнинг гапи нашъа қилибми силкиниб-силкиниб жулади.

Акбар отанинг шу чойхонада айтган ҳикоялари рост бўлса, унинг кўз очиб кўрган хотинини беклар икки яшар ўғилчаси билан чопиб кетган. Иккинчи хотини уруш йиллари терламадан нобуд бўлган. Уша хотинидан битта қизи бўлган экан. Шаҳарга эрга тегиб, бола-чақали бўлган мухри йўқ экан. Кейинроқ маҳаллагадилар: «Сенга битта этак ёпар даркор, бош оғриғи бор, кўз оғриғи бор»,— дейишиб бир аёлга уйлаб қўйишди. У шўрликниям ўпка касали бор экан, икки йилдан кейин ўлиб қолди.

Ушандан бери ота ёлғиз. Уйланишга юрғли бетламайди.

* * *

Баҳор бутун қишлоққа жон киритиб юборди. Аравонсой тун бўйи кулоқни қомагга келтириб вағиллайди. Чойхона сурилари соҳилдаги мўъжазгина боғ ичига кўчирилган. Қишлоқдаги яққаю ягона қирағоч ҳам ям-яшил бошини баҳор кўшигига тутган. Акбар ота ҳар кун ийўлга чиқадиганда харсанг тошда соатлаб хаёл сурди. Болаларни кутади қурутга тўла чўнтагини бўшатиб сой буйига— чойхонага иш олади.

Ота шанба кун кўчага чиқолмади. Ҳовлисини тозаллади, ҳазонларни тўплаб уқўйди. Ҳар гал пенсия пулини санаб, эринмай тахлаб, сандиқдаги рўмончага тугилган пулга қўшиб, қайта санаб кўради. Одам бу гал почтачидан пулни олди-ю, де-раза тоқчасига ташлаб қўйди. Якшанба кун қайрағоч остидаги харсангда ҳам узоқ ўтиролмади. Болакай «улфатларини ҳам сўнги кўнғироққача кутолмади. Қурутларини йўл-йўлакай дуч келган болани улашди.

Ота ўша кун уйига бориб ётганича ўрнидан қайтиб турмади. Дафн кунининг эртаси шаҳарлик қизи келдими «отам-ма, отам-ма...» деган овоз эшитилди-ю, би-лаҳзада тинди. Акбар отанинг мунгайиб турувчи қамиш томли ғарибгина кулбасид-икки пайшанба уч-тўрт одам кўринди, кейин ҳеч қандай шарпа эшитилмай қолди. Марҳумнинг қирқи ўтмасиданоқ шаҳарлик қизи уйини сотиб юборди.

* * *

Келаси йили баҳорда бутун қишлоқ ақли Акбар отанинг номини ўзгача шуқуқ билан ёдга олди. «Акбар беданавозни би» ҳарбий киши излаб келибди. Йигирманчи йилларда босмачиларга қарши бирга жанг қилишган экан. Шаҳсан Фрунзенинг топшириғи билан қишлоқда мактаб очишиб, болаларни ўқитишган экан. Фалончилар шуларнинг ўқувчиси экан. Мана бу қайрағочнинг остидаги катта харсанг бору, шуни мактаб олдига ёдгорлик қилиб ўрнатмиш, деб аравада Ширмонбулоқдан олишиб келган экан. Қайрағоч ёнида отишма бўлиб иккаласи яраланиб, шу-шу бир-бирини кўрмай кетган экан. Ҳарбий киши Акбар аканинг қабри устида роса йиғлабди, сотилиб кетган уйини ҳам бориб кўриб келибди», деган гаплар бир кундаёқ қишлоққа тарқалди.


Бир ҳафтадан кейин қишлоқ мазори-

нинг четидаги янги қабр бошида қайрағоч
остидаги харсанг пайдо бўлди. Тошнинг
ойнадек қилиб силлиқланган юзасига қуйи-
даги сўзлар ўйиб ёзилган эди: «Ҳаётини
бугунги ёрқин кунлар пойдеворини тик-
лашга бағишлаган, жанговар ва содиқ қи-

зил гвардиячи, қишлоқнинг биринчи муал-
лими Акбар Ниёзов хотирасига дўсти, ге-
нерал Степан Григорьевич Ершовдан»
Қишлоқ қабристонидан пайдо бўлган бу
лавҳа ота умрининг муқаддимаси бўлиб
эшитилди.

□ □ □

Ҳайрулла ҚОСИМОВ



1948 йилда Наманган районининг Қоратепа қишлоғида туғилган. Ҳозир Задарё районида чиқувчи «Коммунизм йўли» газетасида ишлайди. Шеърлари нафис, жонли хис-туйғуга бой.

БЕДОРЛИК

Юлдузлар қотгандай худди самода,
Ойни ҳам сокинлик домига ютар.
Гулни тебратару салқин шаббода,
Сўнг гўё ўзи ҳам уйқуга кетар.
Сукунат сеҳридан дарё осуда,
Япроқлар кафтида шабнамлар ухлар.
Мавжудот уйқуда, борлиқ уйқуда,
Ташвишлар, паймонлар, ситамлар ухлар.
Гўё сукунатнинг ҳоқимлигида
Токи эл уйқудан чалғимагай деб,
Тун аста тортароқ туманли парда,
Борлиққа ёпишни кўрган каби эп.
Бироқ,
Сукунатни этганча чок-чок,
Парвоз этаётир она алласи.

Болишга юз бурқар бир лола-ёноқ;
Тун эмас ошиққа ором палласи.
Ором палласимас тун ҳарбийга ҳам,
Ҳушёр — пок юраги тўлиб туйғуга.
Ухлолмас волида — жабрдийда ҳам,
Ўғли жангда кетган мангу уйқуга.
Бизни банди этган уйқумас дўстим,
Эртанги курашнинг оҳанрабоси.
Дегайлар: тунингиз хайрли ўтсин,
Янги режаларнинг тун ибтидоси.
Оламдан бир зарра аслида юрак,
Лекин зиммасида олам қадар юк.
Орзулар уйғоқми — уйғоқсан демак,
Яшамоқ сууюқдир, бедорлик сууюк.

ЙУЛЛАРИМ

Йўлларим,
Йўлларим — ёниқ муродим,
Айланма, серўрқач, давомли довон.
Чираниб қасдма-қасд ташлайман одим,
Дадил интиламан, ҳу, чўққи томон.

Унда бўй чўзганмас ҳали гиёҳ ҳам,
Босган изларимда қолдираман гул.
Босган изларимда гул ундирмасам,
Бенишон йўқ бўлиб кетганим маъқул.

Умрим поёнида кошки муаттар —
Ўша чечакларга сингиб кетолсам.
Ўзим ўзлимни айлаб сафарбар,
Ўзим ўз йўлимни босиб ўтолсам.
Орқага қайтмоқлик ёмондан-ёмон:

Эккан гулларимни этмоқдир пайҳон.

ҲАЁТ ҲИҚМАТИ

Отам көксаликнинг даврини суриб,
Хур даврни кўриб, қаддин тугар рост.
Дўпписин тиззага кийдира туриб,
Уруш йилларидан сўзлайди бир оз.
Сўзин тугатаркан таъкидлар қур-қур:
— Интилиш ёр бўлди менга доимо.
Уғлим, замонадан қониқдим, шукур,
Ҳали қониқмадим ўзимдан аммо.

Қисматдан зорланмас, ҳамон жангчи У,
Қўлда толёғочдан сопланган кетмон.
Чиллаю саратон етаклайди сув,
Мурғак ниҳолларга бахш этади жон.
Отам сўзларида ҳаётбахш нур бор,
Уша нур ҳамиша йўлимга маёқ.
Қурашга ундайди юрагим такрор,
Қониқиш — ўлимдир, унутма, ўртоқ.



Саъдулла ҲАКИМ



Саъдулла Ҳақим «Ўзбекистон социал таъминоти» журналида ишлайди. Шеърларида давримизнинг энг муҳим, салмоқдор масалаларини кўтариб чиқишга ҳаракат қилади.

КОММУНИЗМ

Дерлар,
бир ўзга таъб бордир ҳар кимда,
Эҳтимол шу сабаб жоиз эрур баҳс.
Коммунизм — менинг тасаввуримда —
Эрксевар,

меҳнаткаш,
энг мукамал шахс.

Гоҳ дерлар: «У қачон инсон умрини
Гулларга буркагай баҳор мисоли?»
Мен кўриб турибман ҳар лаҳза уни,
Шеъримга илҳомдир ёрқин камоли.
У дастлаб туғилди Маркс онгида,
Саҳрода кўз очган булоқдек азиз.
Гарчи кўчинларнинг қолди қомида
Ва лекин йўқ бўлиб кетмади беиз.
Соф ва соз этиб у ҳаёт иқлимин,

Мунаввар куёшдек балқди нурафшон
Ниҳоят Ленин деб қўйдилар исмин,
Россия уйқудан уйғонган замон.
Тинчлик минбаридан сўзлар у бу кун,
Йўлин ҳақлигидан мардона бўлиб.
Қирмиз уфқларни кўзлар у бу кун,
Мазлумлар қошида парвона бўлиб.
У — она, тунлари аллалар айтиб,
Эзгулик ҳақида,

Билмагай уйқу.
Садоқати билан умр лаззати,
Суюк ёр ва дардкаш, жафокаш дўст у.
У — пахта умрига умрини тиккан
Захматкаш ва ҳалол бободоҳондир.
Гуллар шивиридан ёниб энтиккан
Шоири замон у, асл инсондир.

КЎЗЛАР

Мен учун сен на дўст ва на ёр,
Олисдасан бамисли юлдуз.
Тасодифан учрашдик бир бор,
Икки уфқ каби юзма-юз.

Яйраб кетдим, навбаҳорда илк
Қуёш нурин эмгандек гиёҳ.
Дунёдаги барча яхшилиқ
Кўзларингга жо эди гўё.

Не тонг, Беатриче кўзлари
Сочган бўлса шундай ёруғ нур.
Ёритмаса ўша нур бағрин,
Данте балки бўлмасди машҳур.

Балки бедард бағритошлар ҳам
Бундай фаттон кўзга келса дуч,
Бемор қалбга бўлмоққа малҳам
Топган бўлар эди сабот, куч.

Хаёлларим бўлиб баҳона,
Юрагимда уйғонар Мажнун:
«Олам аро бўлдим афсона,
Оху кўзни севганим учун».

Ёдинг билан бахтим зиёда,
Мен куйларман ошиқларга хос:
— Мўъжизалар йўқдир дунёда,
Мўъжизакор кўзлар бор, холос!


ТҮЙЧИ ЭРЙИГИТОВ ХОТИРАСИ

У — халқнинг жўмард ўғлони,
Уч эмасди шуҳратга, шонга.
Содиқ қолди энг сўнгги они
Ўзбек деган табаррук номга.
Энди бутун элга аёндир:
Ўз ҳаққига дов билиб кимни,
Тўйчи жангда жон берди жасур,
Ўлим билан енгиб ўлимни.

Шу боис у жон бўлиб яшар,
Жоним аро ёди барқарор.
Юртим учун лозим бўлса гар,
Жасорати қисматимда бор.
Йўқса надир умр мазмуни,
Жон деб жафо чекмоқлик нечун?
Омонатга олганмиз уни,
Келажакка бахш этмоқ учун!




БОЛАЛАР АДАБИЁТИ





Иброҳим Раҳим. «Тинимсиз шаҳар».
Рассом Қурбон Алиев.

Баҳодир АМИНОВ



Баҳодир Аминов «Ўзбекистон маданияти» газетасида ишлайди. У кўп йиллардан бери болаларга аталган шеърлар машқ қилиб келади. Шеърлари вақтли матбуотларда эълон қилинган.

ОҚ КАПТАР

Оқ каптар, оппоқ каптар,
Ол мени қанотингга.
Сўнг учайлик бехатар
Эртақлар ҳаётига.

Балки у ерда ҳеч ким
Уруш нелигин билмас.
Бунда гоҳо бувимнинг
Кўзларидан ёш тинмас.

Рўпарада бир сурат:
«Бу йигит — бобонг, — дерлар.
Бахтинг учун беминнат
Жон берди қанча эрлар.

Уруш деган ялмоғиз
Номи ўчсин оламда.

Нетай, борлиғим ҳануз
Ёнар доғу аламда.

Майли, сен «уруш-уруш»
Уйнасанг, ўйна, болам.
Қатталар қилса уруш
Қайларга етар нолам?»

Бувим пинжига кириб
Йўқ бўлиб кетай дейман.
Бувимдай хаёл суриб,
Эртақлар айтай, дейман.

Оқ каптар, оппоқ каптар,
Ол бизни қанотингга.
Сўнг учайлик бехатар
Эртақлар ҳаётига.

ТИЛЛА ҚҲҒИЗ

Тилла қўнғиз, соз қўнғиз,
Қанотингни ёз, қўнғиз.

Ортингдан эргашайин,
Қувлаб қирлар ошайин.

Тутқич бермасанг, майли,
Тутиб олсам де:— Балли!

Қўрқма, йўқдир озорим,
Озор берган — безори.

Нурдан ипак тарайман,
Оёқчангни ўрайман.

«Зув-зув» этиб, ғувиллаб,
Ё мотордай гувиллаб,

Учгил осмон-фалакка,
Қолдирма мени якка.

Кеч кирганда, қўнғизчам,
Бўлиб қолгин юлдузча.

Термулайин, тўймайин,
Сенга қўшиқ куйлайин:

Осмон тўла юлдузлар —
Бари тилла кўнғизлар.

Улар ичида танҳо
Кўнғизчам бор бебаҳо.

Аста милт-милт этади,
Демак, мени кутади.

Тилла кўнғиз, соз кўнғиз,
Қанотингни ёз, кўнғиз.

ҚУЁШ ҚАНИ!

Ёмғир, ёмғир ёғалоқ,
Сабабин билай тезроқ.

Ёмғир, ёмғир ёғалоқ,
Арғамчингни тут тезроқ.
Булултарга ўрлай мен,
Само юзин кўрай мен.
Қуёш қайларда қолди,
Нега қовоғин солди?
Сабабин билай тезроқ,
Ёмғир, ёмғир ёғалоқ.

Осмон юзи ёришиб
Камалак чиқса шошиб,
Майсалар кўтарса бош,
Жилмайиб боқса қуёш.
Олам нурларга тўлса,
Нурлардан нур тўкилса.
Қоронғи тушмаса ҳеч,
Яйрасам эртаю кеч.

Кўлмақда сув кўпирар,
Одамлар зир югурар.
Қушлар ҳоли не кечди,
Ойим нега кечикди?
Гуллар япроғида ёш,
Қани болари — сирдош?

...Эҳ, сал қисилиб кетдим,
Қисилиб исиб кетдим.
Ёмғир, ёмғир ёғалоқ,
Арғамчингни йиғ тезроқ.

МЕН АЙТСАМ АГАР...

Кўзларидан нур тўкилар,
Сўзларидан дур тўкилар,
Менга қараб жилмайганда,
Назаримда, қуёш кулар —
Айтайинми ким?
У — менинг ойим.

Опам менинг Ширинойдир,
Укам гўёки ширмойдир.
Бизлар кўкда юлдуз бўлсак,
Дадам — қуёш, ойим — ойдир.
Дилимда қуёш,
Ой унга йўлдош.

Ачом қилиб ҳар маҳал,
Мени атаб «қанду асал»,
Меҳр билан бошим силаб
Сўнгра ишга жўнар жадал —
Мен сизга айтсам,
У — менинг дадам.

Дўстларим бор — бари шундай
Чеҳралари очиқ кундай.
Яйраб-яйраб ўсар барча,
Энди сизга гапим бундай:
Бўлайлик ўртоқ,
Ҳамиша иноқ.

ЮЛДУЗЛАР

Осмонда ой зар сочар,
Зар — юлдузлар, юлдузлар.
Кимдир зар олиб қочар,
Қолдириб ёруғ излар.

Мени сеҳрлаб гўё
Тонг ҳам отди бирпасда.

Минг бир рангда кўк юзи,
Чорлар мени ўзига.
Жимжима ҳар юлдузи,
Сингиб кетар кўзимга.

Уфқда қуёш кулиб,
Тура қол деб имлайди.
Ой, юлдузларни суйиб
Қолганимни билмайди.

Тушимми-ўнгимми ё?
Ойдаи сузаман аста.

Кеч кирганда яна ой
Зар сочиб очар чирой.
Қўли очиқ Оймўма
Юлдузларга мунча бой.

САВОЛ

Силкинди само,
Чўчиб тушди ер.
«Ие, бу нима?»
Сўрар Алишер.
«Момоқалдироқ
Қалдираб ўтди.
Сен кўрқма бироқ»,—
Дейди Ойтўти.
«Кўрқсам-чи сал-пал,
Нима бўлади?»
«Ундами,
аввал
Ҳамма кулади».
«Ер ҳам кўрқди-ку?»

Учуғу қани?»
«Кўзиқоринлар —
Ер учуқлари».
Алишер кулар,
Ва кетар нари.
«Мен кўрқсам агар
Лабим устида
Кўзиқоринлар
Ўсармиш, ҳеч-да».
Қани, болалар,
Ўйлаб куринг-чи.
Гап нима ҳақда?
Сўзлаб беринг-чи.

ҚАҲРАМОННИНГ ДЕГАНИ

Варрагимнинг парраги
Қаранг: гув-гув этади.
Уни кўриб бувимнинг
Юраги шув этади.

«Кўрқманг,— дейман,— бувижон,
Бу бариси қорғоздан,
Эрта салом йўллайман
Сизга олис космосдан.

Ушанда сиз қўл силкиб:
«Эсон-омон қайт», дейсиз.
«Тезроқ қайт, кўрганларинг
Шошмай бир-бир айт», дейсиз.

Тушдагидай вазнсиз
Ҳолатга тушганларим,
Юлдуздан юлдузларга
Бир зумда учганларим.

Барин сўзлаб бераман,
Ёлғон қўшмай, яширмай.

Қандай бўлса шундайича
Кўпиртирмай, оширмай.


Ушанда ёқа ушлаб,
Ҳайрон қолинг, майлига.
Йўқ, деманг, таклиф этсам,
Сизни юлдуз сайрига.

Эҳ, қани энди тезроқ
Мен ҳам катта бўлсайдим.
Дейсиз-ку ўзингиз ҳам:
«Қамолингни кўрсайдим».

«Ий-е, ий-е, варрагим
Ипи узилиб кетди.
Кечириг, бувижоним,
Гапим чўзилиб кетди.

Лекин-чи, шу ип йўли
Мени космосга элтар»,—
Шундай дея Қаҳрамон
Илдам югуриб кетар.

□ □ □



Турғун АЮПОВ

Турғун Аюпов 1943 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг илк «Олча» сарлавҳали шеъри 1957 йилда «Ленин учкуни» газетасида чиққан. Т. Аюпов 1970 йили В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлади. Бир неча йиллар давомида комсомол, совет органларида хизмат қилди. Ҳозирги кунда у Ўзбекистон ССР Давлат кинематография Комитетида ишламоқда.

ЯНГИ ЕР СОВҒАСИ

Кирдим катта полизга,
Полиз кетган олисга.
Йўл-йўл тўнли босволди
Қовунларнинг энг олди.

Атир ҳидин отарди,
Думалашиб ётарди.
— Ол!— дея у зғатдан,

Узилиб кетди банддан.
Мен ва бувим чайлада
Утириб шу паллада
Сўйиб қилдик коса ҳам,
Каржлаб едик роса ҳам.
Сингган унга меҳнат, тер,
Совға қилган Янги Ер.

ПИЛЛА — ТИЛЛА

Боғимизга ҳусн тут,
Баргин ейди ипак қурт.
Биз топширган пилладан
Шоҳи, атлас кияр юрт.
Биз колхозга қарашиб,
Қучоқ-қучоқ барг ташиб,
Сўкчакларга соламыз.
Қуртлар ўсар яйрашиб,
Яшил баргни суйишар,
Қуртлар баргга тўйишар.

Дам олишиб, куч йиғгач
Уйқуга ҳам киришар.
Қуртлар ишга киришиб,
Пилла ўрар тиришиб.
Сават тўлар пиллага,
Ипак — олтин-тиллага.
Боғимизга ҳусн тут,
Баргин ейди ипак қурт.
Бизнинг асл пилладан
Шоҳи, атлас кияр юрт.



Ҳабиб РАҲМАТ

1941 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У ўрта мактабни 1958 йилда тугатгач, қурилишда, пойабзал фабрикасида, босмаҳонада ишчи бўлиб ишлади. 1962 йилда Тошкент маданий-оқартув техникумига ўқишга кириб, уни 1966 йили кутубхоначилик ихтисоси бўйича тугатди.

1958 йилдан буён болаларга бағишланган шеърлари билан республика матбуотларида мунтазам қатнашиб келади.

1973 йилда эса Республика давлат қўғирчоқ театрида унинг «Овдаги ҳодиса» номли пьесаси саҳналаштирилди.



БАҲОР ТАШУВЧИ ҚУШЛАР

Қирлар баҳмал макони,
Борлиқ яшнар шунчалар.
Ўтса турна карвони,
Чуғурлашар қушчалар:
— Салом, баҳор ташувчи,
Салом, сизга турналар.

Бирдам кўниб дам олинг,
Кейин бошларсиз сафар.
Улар ўтар ғувиллаб:
— Дам олишга вақт борми?
Қурр-ей,
Ўзга элга ҳам,
Этказайлик баҳорни.

ОЛАМ ТҮЛСИН ҚУШИҚҚА

Қўлимда тош ўйнардим,
Кўкка отиб, илардим.
Завқланиб мен ўзимча,
Сакраб-сакраб қувнардим.
Митти қушча кўрди-ю,
Учди-кетди пир этиб.
Қўлимдаги тош билан
Юбордимми кўрқитиб.
Милтиллатиб кўзини,
Тикилар мен томонга.
Мунча тортар ўзини,
Ўхшайманми ёмонга?

Хаёлида ўйларми,
«Тош отар деб мен томон».
Кимдир отган тошдан у
Зада бўлган бегумон.
Милтиллаган кўзингга
Тош тегмасин — йўқ, йўқ, йўқ,
Милтиллаган кўзингга
Ёш тўлмасин — йўқ, йўқ, йўқ.
Қўлимдаги тошчани,
Ташлавордим шу замон.
Шодон қўшиқ — куйингга
Тўлиб турсин ер-осмон.

АСКАР УКАСИ

— Дадажон, аскар акам,
Қадам ташлар, гурс,
гурс,
гурс.
Ватанимга,
Халқимга

Содиқман деб берган сўз.
Шундайми?
— Шундай!
— Мен уларнинг укаси,
Қандай бўлишим керак.
Ватан ишига тайёр.

Шундай бўлишим керак.
Шундайми?
— Шундай!
— Ватанимни,
Халқимни

Кўз қорамдек сақлайман,
Аскар акамга ўхшаб,
Эл ишончин оқлайман.
Шундайми?
— Шундай!

БОМБА

— Дада,
дада,
бомба нима?
— Бомба ажал қуроли,
Бирор ерга тушса борми,
Кўп одамнинг заволи.
— Дада,
дада,
ажал, нима?

— Ажалми?..
Ҳм...
бу ўлим.
Ҳеч кимсанинг бошига у,
Соя солмасин ўғлим.
— Шу бомбани ким ясайди?
— Одамлар,— дер дадамлар.
— Вой, ажални ўзларига
Ясайдимиз, одамлар?


ҚУРҚМАС КАПИТАН

Сузиб борар барг сувда,
Митти кема мисоли.
Бошқаради осуда,
Капитани — чумоли.
Даҳшат солар тўлқинлар,
Кема бўлар чирпирак.
Зўр келолмас қўрқувлар
Капитан хўп доворак.

Учраб қолди қоя-тош,
Кема чунон урилди.
Бўлган каби у одош,
Юз градус бурилди.
Йўлга солар капитан,
Бунга парво қилмайди.
Аммо қандай йўл билан
Тўхтатишни билмайди.



О ЧЕРКЛАР





Тўлқин. «Ю лдузлар тўкилмайди».
Рассом Э. Валиев.



1949 йилда Каттақўрғон районидаги «Пролетарий» колхозида туғилди. 1972 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирди. 1975 йилдан бери СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

ЕҒДУ

Вахш — қардош Тожикистоннинг энг жўшқин дарёларидан. Биз ана шу дарё кўкисида қад кўтарган Норақ нурухонаси томон шошилардик. Олдинда осмонўпар бинолар кўрина бошлади.

— Ана, Норақ! — деди ҳамроҳим, «Советский экран» журналининг махсус муҳбири Татьяна Михайловна.

— Ассалом, Норақ! Мадҳингни куйлашга келдик. Номингни тилга олсак, кўз олдимизда башар кўёши буюк доҳий Владимир Ильич Лениннинг ёрқин сиймоси намоён бўлади.

...Ана, у иш столида Советларнинг Бутун Россия VIII съездида минбарга чиқиб сўзлаш учун ўз режаларини оққа кўчиряпти.

Қутилмаганда эшик очилди. Бир киши қўлида ҳозиргина босмадан чиққан, бўёқ ҳиди анқиб, йилтираб турган китобни доҳий столи устига келтириб қўйди. Бу машҳур ГОЭЛРО планининг китобча ҳолидаги биринчи нусхаси, икки юз йирик олимнинг ўн ойлик баракали меҳнатининг маҳсули эди. Вақт тизгиз. Бу китобчани эртага съезд делегатлари ўртасида тарқатиш лозим. Шунинг учун ҳам доҳий ўзига қафт чиқиқларидек аён бўлган олти юз эллик саҳифали рақам, жадвал ва схемалардан иборат китоб сатрларини сўнгги бор кўздан кечира бошлади. Китобчада сингдирилган мазмунни ўзида мужжасам этган образли, жозибали суратга Владимир Ильич узоқ тикилиб қолди. Юзида табассум пайдо бўлди. Сурат ўртасида юрак акси чизилиб, унинг ичига «электрлаштириш» сўзи

ёзилган. Ундан таралган нурсимон чизиклар инсоннинг озиқ-овқатга, кийим-кечакка, транспортга, уй-жойга, маданиятга булган ҳаётий эҳтиёжини англатувчи турли хил квадратларга бориб тақаларди. Атиги биш эҳтиёж! Буларсиз яшаб бўладими? Йўқ! ГОЭЛРО планига мувофиқ ўттизта электр станцияси қурилиб, ундан ҳосил қилинадиган 8,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси вайронага айланган, очлик ҳуққу сураётган мамлакатга ана шу неъматларни ҳада этиши лозим эди. Биргина сенин ГЭСинг эса тўла куч билан ишласа, йилга 11 миллиард 400 миллион киловатт-соат қувват беради, Норақ!

Доҳий башорати совет кишиларига раҳ намо бўлди. Ҳозирга қадар В. И. Лениннинг машҳур ГОЭЛРО планини юз баробардан ошириб бажаришди. Ушанда буюк доҳий сенинг тақдиринг ҳақида ҳам ўйла гандир, Норақ! Ҳа! У Ватан иқболини уйлаган эди. Доҳийни ўша пайтда буюк интеллигент фантасти Г. Уэльс «Кремль ҳаёлини раста» деб атаганди. Кейинроқ эса, у Лениминизга қайта келганида доҳий гоёпарининг амалга ошганини кўриб, айтган гапни дан ўзи уялиб қолди.

Юртимиз харитасига бир назар сол, Норақ! Ҳў, кўряпсанми эгри-бугри чизикларни? Улар Ватан жисмига қон томирларидан таралган дарёлар. Улар 108 мингга. Ана шулардан энг шўхи, тезоқари сенинг тақдирингни ювиб ўтаётган Вахш.

Норақ! Уттизинчи йиллар «Эдингдами» ўша йили Тошкентдан бир гуруҳ тошкентлик диҳирувчилар, гидротехниклар сенин ҳуққу

ринга келган эдилар. Сендан унча узок бўлмаган Тутқовул қишлоқчасига, асов Вахш бурилиб, сен томон оқадиган жойга келишиб кузатган эдилар. Афсуски, уларнинг схема ва планлари битиш арафасида тўхтаб қолди. Тўсатдан бошланган Улуғ Ватан уруши улар фикрини бўлди. Геолог ва қидирувчиларнинг режалари, тўплаган ҳужжатлари, Ватанимиз юраги — Москвадаги «Гидропроект» институтида ва «Сред-азгидропроект» папкаларида авайлаб сақланади.

Урушдан сўнг эса кўксингда азим ГЭС қуришни бошлаб юборишга имкон бўлмади. ГЭС яратиш ниятида юрган мутахассислар 1955 йили яна сен томон йўл олдидлар. Остонанга фикри олмос Калининский, Гандин ва Моисеев каби инженерлар келдилар.

Тоғлар узугига ёқут кўз бўлиб тушган Норақ ГЭСи қурилишига 46 миллатдан иборат 15 минг бунёдкор жалб этилди. Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши деб аталган бу объект бунёдкорлари орасида ўзбекистонлик ёшларни ҳар қадамда учратиб мумкин. «Норақгэсстрой» бошқармасининг инженери Валижон Мухаммадиев ҳам Ўзбекистондан комсомол йўлланмаси билан борган. Уни рус ишчилари эркалаб Валерий дейишаркан.

Валижон институтни битиргач, тўғри аспирантурага борди. Эрта-индин ГЭСсозлик мавзуси бўйича илмий даражасини ёқлайман деганда Норақ ГЭСи қурилишини эшитиб қолди. Шунда у ҳам, иккиланмасдан, ҳамма ишини йиғштириб, Тошкентдан тўппа-тўғри Нораққа отланди. У ГЭС қурилишига оддий ишчи бўлиб кирди. Йиллар ўтди. Гигант нурхона қад кўтара бошлади. Шу орада Валижон ҳам назарий билимини тажриба билан мустаҳкамлаб борди. У оддий ишчиликдан «Норақгэсстрой» бошқармасининг етакчи раҳбарларидан бири даражасига кўтарилди. Валижон Мухаммадиев жаҳон гидросозлари учун тажриба мактабига айланган бу улкан объектда мингмиглаб кишиларнинг ишини енгиллаштирадиган, юз минг сўмлаб тежам берадиган назарий фикрлари билан илм аҳлини лол қолдирди.

Комсомол йўлланмаси билан ишга борган ўзбек йигитларидан пармаловчи Мўминжон Уринов, экскаваторчи Раҳимжон Шариповларнинг хизматини эли, халқи ҳаммиша қадрлайдилар. Мўминжон асли Андижоннинг Султонобод посёлкасида. У Норақ ГЭСида ишлаб обрў-эътибор топди. Кўксини орден ва медаллар безади.

Марғилоннинг Туғмозор қишлоғидан келган Раҳимжон Шарипов ГЭС қурилишида-

ги мардона меҳнати туфайли «Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонига сазовор бўлди. Кейинчалик Тожикистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди.

Норақда ишлаётганлар орасидан меҳнат фронтининг ажойиб дарғалари етишиб чиқди. ГЭС қурилишида меҳнат қилаётган «Уралэлектротяжмаш» заводи токарь-каруселчилар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Степан Топорков, «Спецгидроэнергомотаж» бошқармаси монтажчилар бригадасининг бошлиқлари, СССР Давлат мукофоти лауреатлари Анатолий Шильников, Максим Динко, «Норақгэсстрой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Мухаббат Шариповларнинг номи ҳозир тилларда достон.

Дўстлик қудрати билан бунёд этилаётган Норақ ГЭСида ҳаёт қайнамоқда. 300 дан ортиқ қудратли «БелАЗ»лар, чўмичининг сифими бир кубометр бўлган ҳайбатли экскаваторларнинг ҳайқирғи тоғу тошни ларзага солаётин. Машиналар тизими юксакликка — тўғон устига ўрмалайди. Уларнинг кўпчилигини Николай Муханов, Тошбой Абдиев, Николай Ким сингари тadbиркор комсомоллар бошқаришмоқда. Турнақатор бўлиб кетаётган машиналар орасидан бораётган ху ана у «БелАЗ» рулида ўзбекистонлик комсомол йигит Абдуғаффор Жабборов!

Шу топда ўзбек йигитларидан бири Абдуғаффорни кўриши билан шодлигидан қичқириб юборди:

— Ўзбекистонлик бунёдкор ёшларга шон-шарафлар бўлсин!

Бир оздан сўнг булутларга елка тираб турган оксоч тоғлар акс-садо берди:

— Ўзбекистонлик бунёдкор ёшларга шон-шарафлар бўлсин!

Абдуғаффор «эътиром учун ташаккур» дегандай машинасини бир «ди-дит»латдида, яна йўлга равона бўлди...

Норақ ГЭСининг етти турбинаси ишга тушди. Жами тўққиз турбина қурилади. Ҳар бир турбинанинг қуввати 300 минг киловаттга эга.

Дунёда энг улкан тўғон Швейцариядаги Гранд-Диксанс тўғони эди. Унинг баландлиги икки юз саксон тўққиз метр. Норақ ГЭСи тўғони эса уч юз метрга етади. Тўғон асосан оз тупроқ ва тоғ жинсларидан қуриямоқда. Норақ тоғининг икки оралиғида ўн ярим миллиард кубометр сув сифувчи омбор вужудга келтирилди. Унинг ёрдамида Тожикистон ва Ўзбекистондаги

миллион гектар қўриқ ер ўзлаштирилади. Сув омбори Амударёнинг бир меъёрида оқишини таъминлайди. Амударё қирғоғида ўрнатилган олти насос станцияси Норақ ГЭСининг энергияси ёрдамида сувни Қарши чўлларига кўтариб беради.

Норақ ГЭСи энергиясини узатиш учун «Средазстройпроект»нинг кўпгина лойиҳалаш ташкилотлари кўрсатмаси асосида икки ўтказгич ҳалқа (ЛЭП) қуриляпти. Биринчи ҳалқа Норақнинг ғарбидан Душанбе — Ғузор — Самарқанд — Бекобод — Пискент бўйлаб ўтган бўлса, иккинчи ҳалқа Норақ — Душанбе — Тошкент ўзани бўйлаб кетади. Тошкент икки ҳалқанинг уланиш марказидир.

Юқорида зикр этганимиздек, Норақ ГЭСи ҳар кеча-кундузда икки миллион 700 минг киловатт-соат, йилига ўн бир миллиард 400 миллион киловатт-соат энергия ишлаб чиқаради. Бу энергия билан Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларидаги қўриқ ерларга оби ҳаёт етказиб берилади. Натижада асрлар бўйи қақраб ётган ташна чўлларда боғ-роғлар барпо этилади. Ҳар йили миллион тонналаб «оқ олтин» етиштирилади. Бундан ташқари, Норақ ГЭСи икки республиканинг асосий саноат районларини энг арзон электр энергияси билан таъминлайди.

Қуёш уфққа бош қўйиши билан минг-минглаб электр чироқлари ёниб, Норақ шуълага чулғанди. Бу нур дўстлик кудрати туфайли вужудга келган Норақ нури, норақлик ГЭСозлар қалбидан ёғилаётган ёғдуга ўхшарди.

Норақ шаҳри ортда қолди. Биз Вахш соҳили бўйлаб яна юқорига — тоғлар

орасига йўл олдик. Тянь-Шань ва Помир тоғлари орасидан жўшиб оқиб ўтаётган Вахш дарёси соҳилида яна бир қурилиш объекти кўзга ташланади. Бу ерда Ўрта Осиёдаги яна бир гигант корхона — Роғун ГЭСи қуриляётган экан.

КПСС XXV съезди қарорларига биноан қуриляётган Роғун ГЭСи Ўрта Осиёдаги барча республикалар халқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу ҳақда ГЭС қурилишининг бош инженери Евгений Павлович Карпов шундай дейди:

— Биз бунёд этаётган бу нурхона ҳар кеча-кундуз 30 миллион 600 минг киловатт-соат энергия беради. Бу энергия юксак вольтли линиялар орқали Роғундан юзлаб километр узоқдаги районларга узатилади. 8,6 миллиард кубометр оби ҳаёт сиғдирадиган сув омбори эса Вахш водийсидаги ерларнигина эмас, балки Амударёнинг ўрта оқимидаги зона — Сурхон—Шеробод водийси, Қарши дашти, Туркменистон қўриқ ерлари, Хоразм воҳаси ва Қорақалпоғистон ерларини сув билан таъминлашни яхшилашга ёрдам беради.

Бу ерда тупроқ ва тош шағалдан дунёда энг баланд — 350 метрли тўғон қад кўтаради.

Қурилиш майдончалари, бетон заводи, шағал карьери, автобаза, ремонт устахонаси ва бошқа объектларни қуриш учун 50 миллион сўм ажратилди. Умуман, Роғун ГЭСи учун 1 миллиард 100 миллион сўм маблағ сарфланади.

Вахш кўкисидаги қўш гигант — Норақ ва Роғун ГЭСлари совет кишиларининг бахтиқболи, фаровонлиги учун хизмат қилади.

— Сенинг ёғдуйингга мунтазирмиз, нур булоғи — асов ВАХШ!





Самарқанд областининг Ургут районида туғилган. Урта мактабни битиргач, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқийди. Ҳозир «Ўзбекистон маданияти» газетасида ишлайди. Ҳикоя ва очерклари республика газета-журналларида мунтазам босилиб туради.

УЧ ОҒА-НИНИ БОТИРЛАР

Уч оға-ини ботирлар ҳақидаги эртақларнинг деярли ҳаммасида ака-укалар уч томонга кетади. Икки ака бахтсиз бўлади, кичкинаси эса қандайдир тасодифга кўра толе топади.

Бугун сизга таништирмақчи бўлганимиз уч оға-инилар эртақлардагиларга ўхшашмайди. Уларнинг ҳаёти ҳам, тақдирини ҳам ўзига хос. Булар уч йўлдан кетишмайди, аксинча, бари бир йўлдан боришди. Зеро, энг катта акаси бошлаган ана шу йўл уларни бахт манзилига етаклади.

...Боку Давлат политехника институтининг тақсимот комиссияси Латиф Салмоновдан сўради:

— Хўш, ўртоқ Салмонов, мана институтини ҳам тугатдингиз. Қаерга бориб ишлашни истайсиз?

Латиф Ўзбекистондаги Қарши чўлини ўзлаштирувчилар, у ерда олиб борилаётган улкан ишлар ҳақида кўп эшитган, кўп ўқиган эди. Уша зарбдор қурилишга бориб меҳнат қилишни кўнглига тугиб юрарди. Ҳеч иккиланмай жавоб берди:

— Ўзбекистонга, Қарши чўлига!

Комиссия аъзолари бир-бирига қараб оқибди.

Кимлар луқма ташлади:

— Ростданми? Яхшилаб ўйлаб кўрдингизми ёки романтиками?

Бу гап Латифнинг нафсониятига тегди. Лекин ўзини оғирликка олиб, «ҳа, жуда яхши ўйлаганман», деб қўя қолди.

— Ҳар ҳолда кейин биздан хафа бўлиб

юрманг-да, иним. Чунки у ерда Каспий денгизининг ҳавоси йўқ. Ҳарорат эллик даражадан ошиб кетади.

Латиф чидаб туролмади.

— Юз даража бўлсаям бораман, сўзим қатъий!

Комиссия раиси ўрндан туриб, Латифга қўлини узатди:

— Раҳмат, ўғлим. Мард экансан. Оқ йўл тилайман сенга. Ишонаманки, у ерда ҳам меҳнатинг билан ўзингни кўрсатасан. Институтимиз номига, қолаверса халқимиз номига доғ туширмайсан. Омон бўл!

— Раҳмат, домла!

Латиф Қарши чўлидаги темир-бетон буюмлари заводига ёзилган йўлланмани олиб уйига келди. Бўлган воқеани онасига тушунтирди. Онаси, гарчи ўғлини бағридан чиқаргиси келмаса-да, фарзандининг истагига қарши боролмади.

— Қаерда бўлсанг ҳам омон бўл. Олгину олдирмагин, бошинг тошдан бўлсин, деб ўғлининг пешонасидан ўпиб кузатди.

Латиф Қарши аэропортига келиб тушганда юзига илиқ шамол урилди. Ҳаво ростданам иссиқ эди. Нафас олиш оғирдек туюлди. Шунда хаёлига лоп этиб тақсимот комиссиясидаги луқма тушди. «Наҳотки шундай бўлса? Ишлаёлмай қайтиб кетсам-а? Наҳотки? Бу ердагилар қандай ишляпти? Шубҳасиз мамлакатимизнинг турли жойларидан келган ёшлар бор. Улар ҳам дарров кўникиб кетишмагандир? Ирода керак! Матонат, чидама керак! Сўзидан

қайтиш йигит кишининг иши эмас!» Латиф бир зум аэропорт атрофидаги ялангличка тикилиб ана шуларни кўнглидан ўтказди. Сўнг дадил қадамлар билан илгарилаб юрди.

Қарши қурилиш бошқармасининг кадрлар бўлимида уни яхши кутиб олишди. Бундай мутахассислар зарурлигини айтишди. Латиф Қарши қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати тарихига кировчи биринчи темир-бетон буюмлари заводида ишга қабул қилинди.

Корхонада иш суръати жуда тез. Чунки бепоев чўлни ўзлаштиришда бу заводда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Зеро, корхона ишчилари дала шийпонлари учун темир-бетон деворлар билан бирга, чўл учун энг зарур бўлган сўғориш лотоклари — новлар ишлаб чиқарадилар. Чўлни эса темир-бетон новларсиз сўғориб бўлмайди. Асрлар давомида қақраб ётган ерда сувнинг юриши ниҳоятда қийин. Бир тегирмон сув икки километрга бормаё тешанинг спидек бўлиб қолади. Бу шароитда чўлни сўғориш мумкин эмас. Шунинг учун ана шундай лотоклар ишлаб чиқарилади. Бундай новларда сувнинг бир томчиси ҳам исроф бўлмайди.

Латиф чўлни ўзлаштириш учун ана шундай зарур бўлган лотоклар ишлаб чиқаришнинг инженер-технология сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Институтда олган назарий билимларини ҳаётга татбиқ этди. Кейинча Латиф қолиплаш цехига мастер бўлиб ўтди. Бу ерда у ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатига бевосита масъул эди. Лотокларнинг қанчалик сифатли бўлиши корхона учун ҳам, чўлқуварлар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Институтни битирган ҳар бир одам ма-лакали мутахассис бўлавермайди. Қўлида диплом бўла туриб, ишнинг фаҳмига етмайдиганлар ҳам топилади. Назарий жиҳатдан дуруст бўлгани билан амалий ишда нўноқ «мутахассис» кимга керак? Хусусан, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилувчи мутахассислар учун тажриба катта роль ўйнайди. Латиф бунга яхши билади. Шу боис, у тажрибали ишчилар, инженерлар ёрдамига сўянди. Билмаганларини тортинмай сўради, маслаҳатлар олди, ўрганди.

Билмаганини сўраб, ўрганган олим, Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ана шу машҳур байтини Латиф доимо ёд ўқиб юради. Узи шунга амал қилади. Цехдагилар ҳам

унга яқиндан ёрдам бердилар, ўзларининг тажриба ва маҳоратларини у билан баҳам кўрдилар. Айниқса, заводнинг бош технологи Анатолий Павлович Комнатний унга йўл-йўриқ кўрсатди.

— Мен қанчалик тажриба орттирган бўлсам — буларнинг ҳаммаси устозим Анатолий Павлович туфайлидир, — дейди Латиф. — Чунки у киши менга меҳнатга муҳаббатни, бардошни, касбга меҳр қўйишни, баъзида учраб турадиган қийинчиликлардан эсанкирамаслиқни ўргатди. Беш йил институтда олган таълимим бир бўлдию бир йил шу корхона иши ва раҳбарлари, айниқса, Анатолий Павловичдан олган сабоқларим бир бўлди, десам рост. Ун марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деган нақл бор. Шунга ўхшаб, лоток ишлаб чиқариш ҳақида ўнта лекция тинглашдан кўра, унинг ўзи билан бир марта танишиш, иложи бўлса шу меҳнат жараёнида иштирок этиш кўпроқ самара берар экан. Одамнинг кўзи пишаркан...

Шундай қилиб, орадан бир йил ўтар-ўтмас озарбайжон йигити Латиф Салмоновнинг номи бутун корхонага ёйилди. Унинг меҳнатқашлиги, камтарлиги, ўз касбининг чинакам устаси бўлиб етишгани ҳақида завод раҳбарлари, «Қаршистрой» бошлиқлари турли йиғинларда гапира бошладилар. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида чиқарилган маҳсулотлар юқори сифати билан барчага манзур бўла борди. План ва мажбурият эса ой сайин ошиши билан адо этиларди.

Инсон боласи фаришта эмас. У киндик қони тўкилган ердан, ота-онаси ва қариндош-уруғларидан узоққа кетганда қалбида соғинч туйғуси хуруж қилади. Касбдошлари, дўстлари қанчалик кўп ҳамда олижаноб бўлишмасин, бари бир ота-она, ака-ука соғинчини босолмайди. Латиф ана шу нарсани ҳис этди. Баъзан ёлғиз қолган кезлари, айниқса уйку қочган тунларда онаси, укаларини эслар, тугилиб ўсган жонажон шаҳри Имишли кўз ўнгида намоён бўларди. Шунда у ўз-ўзига савол берарди:

«Нима, кетгинг келиб қолдимми? Каттаю кичик эъозлаб, ҳурмат қилиб турса-ю, сен кетасанми? Инсофданми шу? Хўш, юртингни, қариндош-уруғларингни соғинган бўлсанг нима қипти? Қачонгача соғиннинг этагидан ташқарига чиқолмай юрасан! Узи туғилган уяга ўралиб қолиш фақат ўргимчакка хос. Сен инсон боласан-ку! Инсоннинг эса орузси юксак, бағри кенг, пир-вози баланд бўлади. Соғинган бўлсанг, бо-риб кел. Ҳозирги замонда у юрт билан йу-юртнинг ўртаси нима деган гап. Озарбли

шун қочиб котибдими?! Бор, уч-тўрт кун қариндош-уруғларингни кўр, айлаиб кел. Аммо қолман деган фикрни хаёлингдан чиқариб ташла! Бу ер ҳам сенинг Ватанинг! Бугун Советлар мамлакати сенинг Ватани, унинг ҳар бир қарич жойи сен учун бахт ва муқаддас!»

Латиф ўзининг овозидан ўзи чўчиб кетди. Ҳаёлан ўзи билан ўзи гаплашиб, баланд овозда гапирганини сезмай қолганди. У ушш тундаёқ укасига хат ёзди. Хатда она-сининг соғлигини сўради, шаҳридаги янгиликлар билан қизиқди. Сўнгра куйидаги сатрларни битди: «Иним Ёқуб! Мана, мен Қарши чўлига келиб, адашмадим. Бахтимни топдим. Бу ердаги ишларни кўрсанг ҳайрон қоласан. Замондошларимизнинг қудратига офарин айтасан. Айниқса, чўлни ўзлаштираётган одамларнинг олижаноблиги, бир-бирига меҳрибонлиги кишини севинтиради. Бу ерда элликка яқин миллат фарондлари бир ота-онадан туғишгандек аҳил, иноқ. Шунинг учун ҳам чўлни ўзлаштириш, суғориш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Кўз очиб юлғунингча қум барханлари устида улкан корхоналар, ажойиб совхозлар бунёд этилаётир. Кўриб қувонасан киши.

Иним! Менинг сўзимга кирсанг, сен ҳам кел бу ерга. Укамиз Зокирни ҳам олиб кел. Биргалашиб ишлаймиз. Эҳтимол, кейинчалик онамизни ҳам ёнимизга олиб келармиз...»

Ёқуб акасининг мактубини ўқиб, чуқур ўйга толди. У чўл ўзлаштирилишини кўрмаганди. Оғасининг хатидан тасаввур қилиб кўрди. Поёнсиз дашт ва унда шижоат билан ишлаётган машиналар, офтобда юзлари, билаклари қорайган бақувват йигитлар гавдаланди.

Орадан кўп ўтмай Ёқуб билан Зокир ҳам Қаршига келишди. Энди Латиф ёлғиз эмасди. Ажойиб дўстлари, меҳрибон устозлари қатори ёнида туғишган укалар ҳам бор. Улар ҳам шу заводга ишга қабул қилинди-лар. Ёқуб билан Зокир ҳам акаси издан бориб, ишчанликда, одамохунликда дўстлари, устозлари назарига тушди. Ёқуб заводда ишлаш билан бирга Қарши политехникумига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатди. Ҳозир қолиплаш ҳеҳида бригада бошлиғи. Укаси Зокир эса арматура цехининг илғор ишчиларидан.

1976 йил мамлакатимиз ва республика-миз тарихида унутилмас бўлиб қолади. Чунки бу йилда КПССнинг XXV ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездлари бўлиб ўтди. Бу сана Латиф ва Ёқублар учун янада қимматлироқ, унутилмасдир. Шу йилнинг айна баҳорида ака-укалар Коммуни-

стик партия сафига қабул қилинди-лар. Уша куни уларнинг қувончи чексиз эди. Барча касбдошлари, устозлари уларни самимий қўтладилар. Уч оға-ини севинчларини хат орқали онасига изҳор этишди...

Бепоеён Қарши чўлига Латифнинг келганига беш йил бўлди. Шу давр ичида у корхонанинг энг илғор, обрўли ишчилари сафидан ўрин олди. Бугунги кунда чўлни боғу бўстонга айлантиришда ўзининг ҳам салмоқли улуши борлигини у яхши билди. Латиф етакчилик қилаётган цех коллективи ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилларида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Йиллик планлар муддатидан илгари ошириб бажарилди.

Шуниси диққатга сазоворки, цех ишчилари бажараётган ишларнинг сифати барчани мамнун этмоқда. Суғориш лотоклари, таянч ўрнида ишлатиладиган устунлар, труба-лар талаб даражасида. Завонинг барча ишчилари қатори мазкур цех коллективи ҳам партиянинг XXV съездида ўртага ташланган «Самарадорлик ва сифат учун» шiori-га қатъий амал қилмоқда. Шунинг учун ҳам чўл мироблари ҳам, деҳқонлар ҳам улардан миннатдор. Қилган меҳнатингдан одамлар мамнун бўлса, энг олий мукофот шу эмасми? Зотан, барча меҳнатлар зами-рида она юртга, меҳрибон халққа хизмат қилиш туйғуси мужассам бўлади. Хизма-тингдан эл рози экан, демак сен ўз бур-чингни шараф билан бажарясан. Мана шу сенинг бахтинг, иқболинг!

...Бугун уч оға-ини ботирлардан кенжа-си — Зокирнинг туғилган куни. У ўн сак-киз баҳорни қаршилади. Дўстлари, ҳам-касблари, устозлари тўпланишган. Улар Зокирга соғлиқ, ишларида омад тилаша-ди. Қарши чўлига келиб, янглишмаганини такрорлашади. Бу сўзларни эшитиб ўтир-ган Латифнинг хаёлига негадир беш йил олдинги ишга тақсим қилиш пайтидаги суҳ-бат келди. «Беш йил! Барча қийинчилик-лар, машаққатлар ортда қолди. Энди мен ҳам, укаларим ҳам бу ернинг шароитига, табиатига кўникиб кетдик. Энди бу ерда бизнинг жонажон дўстларимиз, суянадиган тоғларимиз бор... Дарҳақиқат, бу ерда Каспий денгизининг ҳавосидан бошқача-роқ ҳавони сездим. Бу — чўл ўрнида яш-наб ётган пахтазорнинг, биз ишлаб чиқар-ётган темир-бетон ариқчалардан оқаёт-ган Амударё сувининг ҳавоси! Бу ҳаво, бу ҳид мен учун азиз ва қадрли! Бу ерда Каспий тўлқини йўқ. Лекин ундан кўра куч-лироқ, шиддатлироқ тўлқин бор. Бу — кўп миллатли совет кишилари бажараётган улуғвор меҳнат тўлқини! Бу ерда Каспий шовқини йўқ. Аммо ундан ўн чандон ба-

ландроқ шовқин бор. Бу — поёнсиз чўл қаърини тилка-пора қилаётган сонсиз трактор, экскаватор, скрейпер ва машиналарнинг овози. Бу қумликлар, сахроликлар ўрнида қад кўтарган улкан корхоналардаги двигателларнинг шовқини. Булар мен учун ғоят азиз, қадрли! Менинг ҳаётим шулар билан чамбарчас боғлиқ!

Ҳа, бу ернинг ҳавоси иссиқ, одамларининг қалби ундан ҳам иссиқроқ! Мана шундай қайноқ қалбли кишилар сафида бўлган

одамга иссиқ ҳам, совуқ ҳам қор қинмайди».

Латиф қалин қора сочларини бармоқлари билан тараб, ўрнидан турди. Қирмин қадаҳларга лоларанг шароб қуйди.

— Қани, дўстлар, олинглар! Орау нулидаги ишонч йўқолмаслиги учун, қатъийли бўлиш учун ичайлик!

Қадаҳлар жаранглади...

Уша куни уч оғани чўлқуварнинг уйида тонгга қадар чироқ ўчмади.



Д О Н О Л А Р Б И С О Т И Д А Н

Санъат — инсониятнинг ўзи ва муҳити ҳақидаги муаз-
зам қўшиғидир.

А. ЛУНАЧАРСКИЙ

Санъат — инсон қудратининг энг олий намоёиши.

Л. ТОЛСТОЙ

Санъатнинг энг юксак мақсади — инсон юрагини уриш-
га мажбур этишдир, чунки юрак — ҳаёт маркази;
санъат инсониятнинг бутун маънавий ва моддий ҳаёти
билан доимо чамбарчас алоқада бўлиши керак.

Ж. ГЮЙО

Санъатга икки тоифа ёвуз куч таҳдид солади: бири —
маҳоратдан бенасиб ижодкор, иккинчиси — санъатдан
бенасиб маҳорат эгаси.

А. ФРАНС

Зўракилик билан оригиналлика интилиш ҳамиша
ҳашамдорлиққа олиб боради.

Н. ЧЕРНИШЕВСКИЙ

Ёзишни ўрганишдан аввал батартиб фикрлашни одат
қил.

ГОРАЦИЙ

Ижодкорнинг аъмоли — инсон руҳияти замирини ёри-
тишдир.

Р. ШУМАН

Бизнинг санъатимиз воқелиқдан баланд турмоғи, ин-
сонни ундан узмаган ҳолда юксалтирмоғи лозим.

М. ГОРЬКИЙ

Санъат — оддийликдан ғайриоддийлик, ғайриоддийлик-
дан оддийлик топа билишдан иборатдир.

ДИДРО

Санъат асари инсоннинг кундалик ҳаётига янги туйғу
олиб кирган тақдирдагина ўзини оқлайди.

Л. ТОЛСТОЙ

Асарнинг савияси — чинакам социалистик санъат учун
ҳал қилувчи сиёсий масаладир.

Б. БРЕХТ

«ЁШЛИК» МУШОИРАСИ





Миртемир. «Танланган асарлар».
Рассом Б. Штин.

ҚИЗЛАР

Соф чинни чиқарган овоздек тиниқ,
 Жарангли кулгуни янгратса қизлар,
 Йигитлар олдида этса шўх қилиқ,
 Ҳаёсиз экан деб ўй қилмангизлар.
 Эпкинда силкинган тоғ лоласидек
 Даврада тўлғанса раққоса, зинҳор
 Сиз унинг шаънига сақлай кўрманг кек,
 Узлигин унутмас зеҳнли дилбар.

Сув сепса ёзда гоҳ юзингизга қиз,
 Қишда елкангиздан қор тикса гоҳи.
 Ва шўхроқ боққанда кўзингизга қиз,
 Ҳаяжон қилманг, у — шодлик гувоҳи.
 Бўстон нафосати — гуллар хандаси!
 Ҳаётда шод қизлар гулдир бизда ҳам,
 Бўлмасак уларнинг содиқ шайдоси,
 Ҳеч маъно қолмайди умримизда ҳам.

Ленинобод

□ □ □

Турсуной СУЛАЙМОНОВА

БАҲОР КЕЛИБ...

Баҳор бўйи келиб қолди боғлардан,
 Шалолалар сакрашади тоғлардан.
 Қирғоқларга ялпизлар ҳид таратиб,
 Огоҳ этар бу ғанимат чоғлардан.

Баҳор бўлиб боғларимга кириб кел,
 Кўрмоқ бўлсанг гулдек ниҳол бўйларим.

Баҳор келиб мавжга тўлди куйларим,
 Сену баҳор бўлди ёлғиз ўйларим.

Усма кетмас қизчаларнинг қошидан,
 Лола унди қир-адирлар бошида.
 Баҳор келиб ёқиб кетди дилимни,
 Огоҳ этиб бу муҳаббат ёшидан.

Фарғона

□ □ □

Назира ЙЎЛДОШЕВА

* * *

Мен асримнинг гражданиман,
 Шу асрга жўрдир овозим.
 Фарзандиман Ўзбекистоннинг,
 Унинг қалбин куйлайди созим.

Йўлга чиққум аҳд, ишонч билан,
 Йўлга чиққум завқ, қувонч билан.
 Қайтмам совуқ қамчи урса ҳам,
 Қайтмам кучли бўрон урса ҳам.

Хазонларни супургим йўлдан,
 Хазонлардай қолмасман сўлиб.
 Қоқилсам-да кўздан тўкмай нам,
 Йўлга чиққум куёшдек кулиб.

Она халқим — чорла, розиман,
 Сенга фидо жоним ва созим.
 Фарзандингман, эртанги кўм-кўк —
 Баҳорингни ўйлашим лозим!

Бухоро

□ □ □

ОРЗУ

Қалбимда жўшган орзу
Ярқираган бир кўзгу.

Қоғозда ҳам жўшади,
Шеъримга завқ кўшади.

Қалбимда ҳислар ғунча,
Очилмаган тугунча.

Шеърим дилда қатма-қат —
Элга аталган фақат.

Шеърим элда юз очсин,
Қалбингизда кўз очсин.

Ғоз-ғоз қилсин шеърларим,
Парвоз қилсин шеърларим.

Тошкент

□ □ □

Хуррам МАҲМУДОВ

ФАРРОШ

Шаҳрим маст уйқуда, кўчалар
жимжит...
Одатин тарк этмас фақат фаррош
чол.

Ширин уйқусин кўзидан қувиб,
Ишга шўнғиб кетар эрта тонг маҳал.
Йўлак-йўлакларни этар чиннидай,
Атроф гулзорлар боқади кулиб,
Гоҳ тўхтаб хаёлга асир бўлади,

Баланд биноларга маҳлиё бўлиб.
Янги кун бошланар шуқуҳ-шонга

фарқ,
Қуёш жилва қилар, боладай маъсум.
Менинг наздимдаги шу қутлуғ

куннинг
Фаррош чол ёзгандай муқаддимасин.

Деҳқонобод

□ □ □

Абдумажид АЗИМОВ

* * *

Умид-ла дунёга боқаман мағрур,
Қараб туролмасман бепарво, беғам.
Замон фарзандимиз ўйлаймиз ахир,
Шерикмиз дардига, қувончига ҳам.

* * *

Шивирлар шўх сабо куйла деб уни,
Баҳорнинг тонгида давр нафаси.
Шеърят ҳамроҳим бўлди қай кун.
Қалбга яқин бўлди ҳамма-ҳаммаси.

Шўрчи

□ □ □

УКАЖОН

Кўзларимни боғлама, қўй,
 Қўй, укажон, боғлама.
 Шодон кулиб нарироқда
 Излашимни пойлама.
 Назаримда сен бир бахтсан,
 Мен ҳалакман тутолмай.
 Очиқ кўз-ла тутмоқ мушкул,
 Беркитсанг қайдан тутай?
 Назаримда сен тақдирсан,

Қизиқувчан, ҳазилкаш.
 Ҳар куйга солиб қалбим
 Ҳисларга қилма талаш.
 Кўзларимни боғлама, қўй,
 Қўй, боғлама, укажон.
 Кулгичларинг кўрмоқликдан
 Ҳеч маҳрум бўлмасин жон.

Наманган



Носиржон ЖУРАБОВ

ҲАЁТ

Буюк бир мактабга ўхшайди ҳаёт,
 Хилма-хил мавзуда кўпдир сабоғи.
 Ўзидир муаллим, ўзидир устод,
 Ўзидир жилвагар илҳом булоғи.

Буюк бир саҳнага ўхшайди ҳаёт,
 Биз ижро этамиз инсонлик ролин.
 Нимадир яшайди, нимадир барбод
 Бўлади ва кимдир топади йўлин.

Наздимда шахматга ўхшайди ҳаёт,
 Уйлаб юриш керак, чунки рақиб бор.
 Рақиб қаршисида қолмай десанг мот,
 Шошма-шошарлиқни қилма ихтиёр.

Наздимда кўзгуга ўхшайди ҳаёт,
 Боқсам келажаким бўлар намоён.
 Сизга ҳам кўзгуга ўхшаса, ҳайҳот,
 Синмасин, синдирманг уни ногаҳон.

Наманган



Дилором ИКРОМОВА

МУҲАББАТ

Қувончдан порлайди кўзларинг яна
 Дилларни ром этар сирли овозинг.
 Қайси бир чаманда куйлайсан ёна
 Орзулар боғига етаклар созинг.
 Сукунат ичида тоғ лоласини
 Қўлимга тутқаздинг тонгдай ёришиб.
 Кўзларим кўзингга тушди ногаҳон,
 Билмадим бахтми бу, қолгандим шошиб.
 Бағримга босдим умид лоласин,

Юксак тоғлар сари қоқдим мен қанот.
 Мавж урар, қалбимнинг куй хазинасин,
 Дилбар бир оҳанги яралар наҳот.
 Осмондек мусаффо, тоғдек пурвиқор,
 Беғубор, сеҳрли, мангу муҳаббат.
 Бахт недир, ўйлайман, топдим ниҳоят,
 Муҳаббат — севги бу, севилмоқ абад!

Тошкент



ҲИЖРОН

Сени кўрдим, яна ногаҳон
Тушларимда акс этиб қолдинг!
Қўзғалди-ку, соғинч-ҳаяжон,
Тинчлигимни ўғирлаб олдинг!

Ёмон экан ҳижрон азоби,
Унга қандоқ берайин чидам?
Тикансиз гул бўлмаганидек,
Бўлмас экан ҳижронсиз ишқ ҳам!

Тошкент

□ □ □

Уткир РАҲМАТОВ

ҲАНДАЛАК

Ҳулкар ҳуркиниб турса субҳидам соч ёйганда,
Кенг полизда рақс этар майин, дилкушо сабо.
Маст қилгувчи муаттар ҳидни қалбим туйганда,
Кўк нимчалик бағри кенг, далам, ўзинг дилрабо!

Ҳар бир палак остидан мўралайди ҳандалак,
Кўксига атир сепган қиз каби бўй таратиб.
Нос қовоғи қўлида, бобом шимариб билак,
Парвона бўлиб юрар бир мўъжиза яратиб.

Ариқчада сув гўё куй бўлиб туюлади,
Бобом-чи, хаёл сурар чимиргунча қошини.
Гоҳи хафа, гоҳида мийиғида кулади,
Гўё ўйлаб тургандай у йигирма ёшини.

Ҳар бир палак юзида ялтирайди дур-шабнам,
Мўралаган қуёшнинг кўзларидан эмиб нур.
Ҳали-замон тўкилиб кетишини билса ҳам,
Минг бир рангда товланиб қиларди ҳадсиз ҳузур!

Шундайин фирдавсмонанд шу далага кўз ташлаб,
Чарх уради бобомнинг қалбида эзгу тилак:
— Бу замонда кошкийди яшасам қайта бошлаб,
Такрор-такрор экардим, фақат сени ҳандалак!

Ҳар бир палак остида мўралайди ҳандалак,
Кўксига атир сепган қиз мисол бўй таратиб.
Нос қовоғи қўлида, бобом шимариб билак,
Парвона бўлиб юрар уни ўзи яратиб!

Самарқанд

□ □ □

СОНЕТ

Қалбинг каптар бўлди, палапон жонга,
Меҳру муҳаббатдан ташладим тузоқ.
Қалбинг дафтар бўлди; сендай жононга
Шеърин сатрлардан битдим зарварақ.

Қалбинг ҳулқар бўлди, ишқ осмонини
Тонг, саҳар ёритдинг мисоли маёқ.
Қалбинг кавсар бўлди; армуғонингни
Лабларимга тутдинг бўлиб соф булоқ.

Қалбинг сарвар бўлди, гоҳ машаққатга
Ташлаб, синамоқчи бўлдим у бироқ,
Кетолмасдан қолдим қошингдан йироқ.

Қалбинг кишвар бўлди, бу мамлакатга
Йўловчимас, бўлдим умрлик қўноқ,
Ишқимга байроқсан, кўзимга қароқ.

Наманган



Моҳира МАЖИДОВА

ХАЁЛЛАРИМ

Кўксингизга ўзни ташлайман бу дам,
Денгиздек беадад, шўх хаёлларим.
Нурафшон кўринган манзилларда ҳам,
Гоҳи сиз-ла кездим, гоҳ ҳаялладим.
Ёлғиз қолар бўлсам хонада унсиз.
Ширин ўй сураман унинг ҳақида.
Нега қараб қолдинг, юргин дея тез,
Дилимга қуюлар дилбар ақида.
Мангу ҳамдардимсиз, азизсиз менга,

Парку кўксингизда топаман таскин.
Орзули гулларим сиз билан бирга,
Боғларда кезаман шодон ва ҳорғин.
Учқур хаёлларим, бугун қайдасиз,
Бир зори васлдек, соғиндим бу он.
Келинг, ҳорғинлигим унутиб бирпас,
Илҳақ дугонамдек кучайин шодон.

Шаҳрисабз



Толиб ТУРСУНОВ

ШАФТОЛИЗОР

Ширин-ширин, латиф ҳислар
Олиб келди сўлим баҳор.
Кўйлак кийди пушти тусда
Шафтолизор, шафтолизор.
Олча ўраб ҳарир рўмол,
Ўрикзорга ёққандай қор.
Нимрангина ёқут мисол —
Шафтолизор, шафтолизор.
Зумрад майса билан тўлди
Мўъжаз ҳовли, паҳса девор.
Ошиқларга пакка бўлди
Шафтолизор, шафтолизор.

Энтикишлар, изҳори дил,
Пичир-пичир... тилсими бор.
Ҳаммасига гувоҳ ҳозир
Шафтолизор, шафтолизор.
Нари кетмай бу маскандан
Хониш қилар булбул хумор.
Тинглар куйнинг мафтунидай
Шафтолизор, шафтолизор.
Майин-майин эсган еллар
Қўшиқларга тўлди диёр.
Гўзалликка рамздай турар
Шафтолизор, шафтолизор.

Фарғона



* * *

Онам кўзи билан боқадир Ватан,
Ватан кўзи билан боқадир онам.
Иккисин меҳрига юрагим пайванд,
Иккисин меҳридан яйрайди танам.

Қалбимга қуйилиб шу икки нигоҳ
Барча дардларимни ювиб кетади.
Бутун борлигимда эзгу иштиёқ,—
Тиниқ туйғуларга даъват этади.

Ватан — географик ўринмас фақат,
У фақат яшашга имкон ҳам эмас.
Юракда қонларга айланган рағбат,
Ё ҳал сингари тиниқ бир ҳавас.

Дунё туйғулардек нурли ва равшан,
Бағримга сингудай гўё кенг олам.
Менга онам бўлиб туюлар Ватан
Ватан кўзи билан боқади онам.

Ёдгор О Б И Д О В таржимаси.

□ □ □

Муҳаммаджон ҲАЙДАРОВ

БОЛАЛИК

Юксак булутларга уриб кўксини,
Қуёшга етгудек учади варрак.
Олислаб, олислаб, қаттиқ силтаниб
Ипидан узилиб кетар бедарак.
Узоқ-узоқларга кетади учиб.

Варрақлар..
Ёшликнинг қувноқ эрмаги
Дарахтлар шохида қолар осилиб
Қачондир айтилган ёшлик эртаги...

□ □ □

ШЕЪР ҲАҚИДА СОНЕТ

(Ғ. Ғуломга)

Азим куррамининг азим кафтида
Инсон бир заррадай келади фақат.
Куймайди шу зарра олов тафтида,
Сувларга чўкмасдан қилади меҳнат.

Шу зарра титратиб, жумла жаҳонни
Забардаст қўлида тутиб туради.
Шу зарра ёшартиб кўҳна замонни,
Истаса тақдирин қайта қуради.

Заҳматкаш инсонга лол қолиб дунё,
Пойига бош эгиб, қилади таъзим.
Шеърлар ҳам уларга ўхшайди гўё
Унинг қудрати ҳам, азимдир, азим.

Инсон бахти учун чекаркан заҳмат,
Шеърият уларга қилади хизмат...

Ф а р ғ о н а

□ □ □

ОДАМЛАР

Илк бор киприк қоқиб, маъсум боққанда,
 Ўткир нигоҳингиз диққатим тортди.
 Вақт ўтиб улғайган сайин қалбимда,
 Сиздек яхшиларга ихлосим ортди.

Беминнат, бесилтов илтифот билан,
 Мана ҳануз мафтун этиб келасиз.
 Зарур бўлса ором билмай тепамда,
 Парвонадек учиб-қўниб еласиз.

Ҳаётда адашар эрсам гоҳ йўлдан,
 Қаршимда машъалдек порлар кўзингиз.

Йиқилсам шу замон тутиб қўлдан,
 Қувват берар айтган ҳар бир сўзингиз.

Тасаввур этолмам ўзлгим сизсиз,
 Сизни деб талпинар толмас юрагим,
 Майли, умрим бўлсин қисқа ё узун,
 Уни яшашда бор битта тилагим:

Ҳар лаҳза учрасин турли тасодиф,
 Қийнасин ҳижрону, қийнасин фироқ.
 Майлига, айрилай барча боримдан,
 Лек сиздан, одамлар, бўлмайин йироқ.

Ю қ о р и Ч и р ч и қ

□ □ □

Озод МУМИНОВ

* * *

Тонг туғилди!
 Уйғониб шу он
 заррин нурлар таратди қуёш.
 Аста-секин ёришди осмон,
 Нафис гуллар кўтардилар бош.
 Тонг туғилди!
 Урилди бир бонг.
 Еруғликни кўрди халқимиз.

Аста-секин англади ҳар онг
 Энг бахтиёр одамлармиз биз.
 Тонг туғилди...
 Бутун оламга
 бахт нурлари сочилар ҳамон.
 Олтмиш йилки зулмат, аламга
 Барҳам берган тонг-мангу омон.
 Тошкент

□ □ □

О. ЖАББОРОВА

ҚИЗЛАР КУЛГУСИ

Қизлар кулгусида маъсум баҳорнинг,
 Нозик назокати, илиқлиги бор.
 Нуқрадай софлиги оппоқ наҳорнинг,
 Мусаффо тонгларнинг тиниқлиги бор.
 Қизларнинг кулгуси ғубордан холи,
 Алам йўқ, армон йўқ қиз кулгусида.
 Кулганда минг чирой очар жамоли,
 Сирли севинч тўлиқ қиз кулгусида.
 Бу севинч — дилларга инган илк севги,

Бахт тўла эртанги кунларга ишонч.
 Бу севинч — ошиққан онлардан белги,
 Ширин орзуларга йўғрилган қувонч.
 Иложсиз қалбларга тушгай аланга,
 Қизлар шодланишиб кулганда хандон.
 Лекин севинч ногоҳ айланиб дардга,
 Кулгуларга ғубор қўнгани ёмон.

Наманган

□ □ □

ИШОНЧ

Мен сени ёд этарман, ўтар куну тунларим,
 Турналар каби қатор.
 Мана, умидвор кутдим, йўлларингга кўз тутдим,
 Аммо келмадинг дилдор.
 Йўқ, мен умид узмадим, хаёлимни бузмадим,
 Бўлса ҳамки дилим хит.
 Эртага ҳам келмасанг, саодатим кулмаса,
 Индиндан қилгум умид.
 Соғинч билан ҳар дамим, ҳиржон бўлиб ҳамдадим,
 Утмасман-ку умрбод.
 Гоҳ ғам, гоҳ қувонч билан, умид ва ишонч билан
 Яшар ахир одамзод.

А Р А З

«Ҳар оқшом жамолинг соғинганимни
 Тонгларга уланган кечалар айтсин.
 Васлинг умидида зор юрганимни,
 Ошиқлар сайр этган кўчалар
 айтсин...»

Муттасил оҳ чекиб шеър битди шоир,
 Қамчилаб илҳомнинг чопқир отини.
 Уқийвериб бундай шеърларни, охир —
 Уйдан кетиб қолди суйган хотини.

С а м а р қ а н д

□ □ □

Шоира АКРАМОВА

САККИЗЛИКЛАР

* * *

Болаликнинг жўшқин, олов йиллари,
 Орзу-хаёллари дилга чўғ солур.
 Қоғозга тўкилган қалб суронлари
 Унинг васфи бўлиб қалбимда қолур.

Тилаклар — қалбимнинг жавоҳирлари
 Юлдуздек безасин умр кўкини.
 Орзулар чорласин келажак сари,
 Бўлмасин орзунинг асло якуни.

* * *

Борди-ю, мен сенга яна интилсам,
 Ортингдан ўшандай қолсам ўй суриб.

Савол назари-ла сенга тикилсам,
Иқболинга чиқсам, елиб-югуриб.

Туйғулар жўш урса яна юракда,
Тунда ҳилол билан сўзлашсам агар.
Билсанг, бу — гурур ва севги

жангида
Музаффар севгидан келган
хушxabар.

* * *

Субҳидамда сирли бир ҳиснинг
Оғушида хаёл қолган дам.
Баҳор менга келтирса гуллар,
Интиқ кутар сени юрак ҳам.

Туйғуларим тутқазмас қанот,
Сени ўйлаб ёзаман шеърлар.
Оқшом боғда кезаман хушҳол,
Наҳот шуни муҳаббат дерлар?

* * *

Севинчдан, шодликдан энтикиб
ҳар дам,
Ойга бўлганимда тунлар маҳлиё.
Баргларга тонг чоғи қўнганда

шабнам,
Исминга ёзиб мен шеъру ғазал ё —
Табиат сеҳрига бўлганда мафтун,
Жамолин кўрсатса кўкда тўлин Ой.
Ортга назар ташлаб, ўйга толаман,
Наҳот ишқ шунчалар хотирага бой?!

Тошкент

Ақида АЗИЗОВА

БАҲОР

О... баҳорнинг сўлим кунлари,
Кўкда юлдуз кулган тунлари,
Меҳри билан нурга чўмаман,
Юрагимни гулга кўмаман.

Мунча тоза боғларнинг ранги,
Қояларда кумушлар чанги.
Қир-адирлар кийгандай кимхоб,
Анҳорларда думалар симоб.

Олам гўзал. Ҳусни бошқача,
Товланади жонсиз тошгача.
Баҳор менинг ўзим аслида,
Шундай бир ҳис бу гул фаслида...

Тошкент

КУЙЛАРИМ

Шўхлик билан куйлаб қоласиз
Кўкни ўпган оқсоч тоғларни.
Баъзан чуқур ўйга толасиз
Созга солиб кўркам боғларни.

Шалолалар жўшқинлигини
Сиз этдингиз мисраларга жо.
Ирмоқларнинг шошқинлигини
Мадҳ этасиз мунча дилрабо!

О, қалбимнинг акси — куйларим,
Сизда менинг ҳиссим ва туйғум.
Сизда бордир умид-ўйларим,
Сиз бўлсангиз қочади уйқум.


Дунёда мен ҳаёт эканман,
Тухтамайсиз, ҳаттоки бир зум.
Тилларингиз сўзлайди бийрон,
Лабингиздан кетмас табассум.

Сизнинг ҳар бир ширин сўзингиз
Юрак тори бўлиб жаранглар.
Рубобим ва меҳрим ўзингиз,
Сизга ҳурмат, муҳаббатим бор!



«ЁШЛИК» ТАБАССУМИ

Ҳажвий шеърлар, миниатюралар,
эпиграммалар.





Бердах. «Танланган асарлар».

Рассом И. Циганов

МИНИАТЮРАЛАР

ТУҒРИВАЭГРИ

Садир ота ўгли Бадирнинг ёнига ҳассасини дўқиллатиб кириб келади. Бадир нимадандир хуноб.

САДИР — Ҳа, ўғлим, бугун ишга бормапсизми?

БАДИР — ...Шундай... бормадим... боргим келмади...

САДИР — Ие, бу нима деганинг, ўғлим?

БАДИР — Нима деганим бўларди, боргим келмади деяпман-ку!

САДИР — Ёш боламисан, боргим келмади деганинг нимаси?

БАДИР — Бир нарсанинг тагига етмагунча қўймайдиган жуда ғалати одатингиз бор-да, бобой!

САДИР — Бугун чап ёнинг билан турганмисан дейман, гапларинг қиш чилласининг изғиринидан ҳам совуқ. Айт, нима бўлди ўзи?

БАДИР — Айтган билан нима фойда... Одамларга яхшилик қилиб барака топиб бўлмас экан.

САДИР — Нега ундай дейсан, бу гапинг хато, ўғлим.

БАДИР — Хато эмас, жуда тўғри гап шу. Ишхонамиздаги Бўтавойни танийсиз-а? «Жигули» машинаси бор.

САДИР — Ҳа, ҳа, танийман, кўча-кўйда кўриб қолса дарров машинасини тўхтатади.

БАДИР — Ана шу Бўтавойга машинани тўғрилаб берган ким? Мана мен, Бадриддин ўғлингиз бўлади. Бўлмаса у машина Каримга тегиши керак эди.

САДИР — Тўғриладим дегин?..

БАДИР — Тўғриладим-да. Бўлим бошлиғимиз бир йилдан буён ўғлини боғчага жойлаштира олмай юрарди. Бориб бир кунда тўғрилаб келдим. РайОНОда бир бола кўтарган хотин орқамдан қараб қолди.

САДИР — Бир кунда-я?!

БАДИР — Бир кунда тўғриладим. Боғча боласи экан-ку, ўтган йил кузда қизини ҳам институтга тўғрилаб қўйган эдим.

САДИР — Хўп, қани гапиравер-чи, яна кимга қандай яхшилик қилгансан?

БАДИР — Ғиёс ака қизини узатаётганда илтимос билан келиб қолди. Навбатсиз иккита гилам тўғрилаб бердим. Иккита ходимимиз қўлида гилам оладиган қоғозини ушлаганча қолаверди. Ундан аввал бошлиғимизнинг тоғасига ҳам ўн метр дорожка тўғрилаб берган эдим. Унда ҳам битта одам...

САДИР — Яна кимга нимани тўғрилаб бердинг?

БАДИР — Э, нимасини айтасиз, ишхонамизда ким бўлса, ҳаммасига яхшилик қилганман, мана энди оқибат натижа...

САДИР — Энди сенга бир савол, ўғлим.

БАДИР — Савол ҳам берадилар, бобой... Қани, саволингизни айтинг-чи!

САДИР — Сен бу ишларни нима мақсадда қилдинг-у, ҳозир нима учун айтиб ўтирибсан?

БАДИР — Нима мақсадда бўларди... ҳожат чиқардим, ҳожат... энди бўлса мени ишдан бўшатиб ўтиришипти. Биронтаси ёнимга тушмади-я!

САДИР — Кўп нарсаларни тўғрилаганман, ҳожат чиқарганман деяпсан, лекин бу ишларни сен эгри йўл, эгри қўл билан қилгансан.

БАДИР — Бобой, сизга бир нарса бўлганми ўзи?!

САДИР — Мен сени аввалроқ бўшатишса керак деб ўйлаб юрардим. Тагинам осонликча кутулибсан.

БАДИР — Қўйинг-е, сиздан шу гап чиққандан кейин, бошқалар нималар демайди.

САДИР — Бошқалар ҳам айтишар, сен ҳозирча менинг айтганимни эшитиб тур-

гин: куп ишларни тўғриладим деяпсан-у, лекин ўзинг эгрисан, ўғлим, ўзингдан кўр.
Содир ота букчайганча ҳассасини дўқиллатиб чиқиб кетади.
БАДИР — (унинг орқасидан.) Ҳа, бобой тушмагур, ўзлари мана шундай зўрға
эгилиб юрадилар-у, лекин доимо тўғри гапирадилар!

□ □ □

Анвар ТОЖИЕВ

КАМИНА

Мухбир ва маданият ўйи ходими суҳбатлашяпти.

МУХБИР — Кечирасиз, сўзингизни бўламан. Репертуар масаласи қандай?

ХОДИМ — Репертуар масаласими? Жуда яхши. Умуман ёмон эмас.

МУХБИР — Қандай янги қўшиқлар, куйлар кейинги вақтда репертуарга киритилди?

ХОДИМ — Кейинги вақтда репертуарга бир неча қўшиқлар, куйлар киритилди. Халқ севиб тинглайдиган, мириқиб эшитадиган куй ва қўшиқлар бор.

МУХБИР — Ешларга оид нима янги нарсалар бор?

ХОДИМ — Ешларга оидми? Жуда кўп. Янги, масалан, мана, кечагина ижро этилган ўйин-ашула. Мана, ашуланинг текстига диққат қилинг-а.

«Қошингни қоралигига ишонмайман,

Қизлар ичра саралигингга ишонмайман».

Ешлар ҳақида ашула бўлса, шунчалик бўлар-да!

МУХБИР — Ишқ-муҳаббат ҳақида экан. Шеър автори ким экан?

ХОДИМ — Тўражон Ҳамдамов. Ашулани эшитмаганиз-а? Музикасини айтинг.

Лирика услубида ёзилган.

МУХБИР — Музикасини ким ёзган?

ХОДИМ — Музикасини ҳам Тўражон Ҳамдамов яратган. Музикани оркестрлаштиришда ҳам гап катта. Яъни, масалан, музика чалиниб туради-да, бирдан тўхтайтиди. Буюқдан гижжак секин-аста наво қилади, кейин рубоб қўшилади, кейин доира, ундан кейингина бошқа асбоблар ижрога киради. Эҳ, музикани оркестрга тушуришдек машаққатли иш бўлмаса керак. Бечораларнинг топгани ҳалол!

МУХБИР — Музикани ким оркестрга мослаган?

ХОДИМ — Тўражон Ҳамдамов!

МУХБИР — Унда оркестр дирижёри ҳам Тўражон Ҳамдамов эмасмилар?

ХОДИМ — Ҳа, ўйинни саҳналаштирувчи ҳам Тўражон Ҳамдамов!

«Қошингни қаролигига ишонмайман», —

деганда, раққоса бир шох ташлаб, саҳнани тўлдириб ўйнаганини кўргангинизда эди.

МУХБИР — Майли, кўрармиз. Қўшиқни ким ижро этди?

ХОДИМ — Тўражон Ҳамдамов!

МУХБИР — Ҳай, Тўражон Ҳамдамов ким ўзи?

ХОДИМ — Каминанинг ўзлари!

МУХБИР — А? Унда маданият уйининг директори ким бўлади?

ХОДИМ — Яна каминанинг ўзлари!

МУХБИР — А?!

ХУМОРХОН

Хуморхон диванда, юмшоқ кўрпа-ёстиқлар узра чўзилган. Эшик тақиллаб, «Тез медицина ёрдами»дан врач кириб келади.

ХУМОР — Хайрият, келдингизми? Кутавериб, тоқатим тоқ бўлди-ку!

ВРАЧ — Кечирасиз. Икки жойга кириб келишга тўғри келди. Кайфиятингиз яхшими? Хафа бўлиб, ўзингизни уринтирманг. Қани, қўлингизни беринг... Пульс бир оз пастроқ. Оғзингизни очинг... Тилингизни чиқаринг... «А» деб кўринг. Томоғингиз бир оз қирилган. Қани, кўзингизни кўрсатинг... Сал иссиғингиз ҳам борга ўхшайди. Урнингиздан тура оласизми? Қўлларингизни қимирлатиб кўринг... Яхши! Раҳмат! Бир оз сиқилибсиз. Тўғрими?

ХУМОР — Ҳа! Жуда сиқилиб кетдим. Тарс ёрилиб кетай деяпман.

ВРАЧ — Қизишманг. Сизни уринтириш мумкин эмас. Кайфиятингизни бузадиган нарсани ўйламанг.

ХУМОР — Уйламай бўладими? Ҳали ҳам нуношта қилганим йўқ.

ВРАЧ — Иштаҳа дори ёзиб бераман. Кейин, қувват берувчи витамин дорилар ичинг. Лекин, илтимос, бетоб одам иложи борича оғир бўлиб, кам безовталаниши керак. Ўзингизни сақланг. Юракни кенг қилинг.

ХУМОР — Ойи, хо, ойи!

ОНА — Ҳа, қизим.

ХУМОР — Ейдиган бирор нарса борми? Нега мунча имиллайсиз. Кун ярим бўлди-ку.

ОНА — Ҳа, сут қайнаб тошиб кетибди. Кўнглим беҳузур бўлиб, ҳовлини айланиб келгани чиқувдим. Энди магазиндан кефир олиб келиб бераман.

ХУМОР — Кефир ичмайман!

ОНА — Бўлмаса қаймоқ олиб берай. (Кетади.)

ВРАЧ — Ҳозир биринчи уколни қилиб кетамиз. Буёғига медицина ҳамширалари келиб туради.

ХУМОР — Уколингиз нимаси?!

ВРАЧ — Укол қилмасак бўлмайди.

ХУМОР — Уколни ойимга қилинглар.

ВРАЧ — Бемор сиз бўлатуриб, онангизга укол қиламизми, ойимқиз?

ХУМОР — Бемор ойим. Врачни ойимга чақирганман. Эшитдингизми! Бошлари айланиб, кўзлари тиниб кетяпти. Кечадан бери иссиқлари кўтарилган.

ВРАЧ — Онангизни чақиринг.

ХУМОР — Ойим магазинга кетдилар. Ҳозир келадилар. Мени бетоб деб ўйладингизми? Тавба! Врачлар ажойиб бўлишади-да. Дарров диагнозлар қўйиб юбордингиз-а! Нималар деб ёздингиз касалимни. Бир ўқиб беринг-чи.

ВРАЧ — Мана, ҳозир кўрай-чи. Ҳа, мана, Хуморхон, исмингиз жисмингизга монанд десам, касалингиз ҳам монанд экан. Касалингиз диагнози таннозлик, беҳаёлик, юзсизлик, қолаверса, виждонсизлик касали. Давоси халқ орасида шарманда қилиб, кўзингизни очиб қўйиш. Шундагина одам бўласиз. Таннозхон!



ҚУШНИЛАР МАСЛАҲАТИ

Сариқ касаллигидан касалхонада даволаниб келган Шаҳлохонни кўргани қўшни хотинлар йиғилиб чиқишган.

1-ҚУШНИ — Вой, айланай, қўшнижон, ранг-вошлариз жудаям яхши, сағал семи-рибсиз. Қуриб кетгур сариқни ранги ҳалиям кўзининг оқида борақан. Асорати ёмон бўлади, дейишади. Эҳтиёт бўлинг, диэт сақланг, лекин диэт деб ўзини сириб қўйманг, дўхтирлар бирни икки қилиб гапираверади. Дўхтирнинг гапига кулоқ солсайиз бир ҳафтада рамақижон бўлиб биров аксирворса йиқилиб қоладиган бўласиз. Ҳа, ҳалиги туркана дориларданам қилиб туринг. Мана, катта аммамнинг кичкина қудасининг қўшниси ачиган хамиртуришнинг сувини ичвуриб-ичвуриб дарддан мусаффо бўлиб кетибди. Ҳозир бир куйнай жувон бўлиб юрибди. Хўп дисайиз, супрамда икки йилдан бери қотиб турган икки кулча хамиртуриш бор, Раҳимжондан чиқазвораман.

ШАҲЛОХОН — Майли, зора эмига соса.

2-ҚУШНИ — Буни ман эшитмаганаканман. Лекин чўтир бувим раҳматли, сиз танийсиз, Сидиқа опоқи, анув анҳорнинг ёқасидаги Мўмақаймоғнинг онаси...

1-ҚУШНИ — Ҳа, бўлди-бўлди... Биламан, йиғинларда қаҳҳо уриб жуладиган кампир эди.

2-ҚУШНИ — Ўлманг, худди ўша. Шу денг кимда-ким сариқ бўлса, сариқ балиққа қарасин, чувалчангни қайнатиб босиб-босиб ичсин, уям бўлмаса, лимонни баргини чой қилиб дамлаб ичсин, дердилар.

3-ҚУШНИ — Бунданам бошқа давоси бор экан. Бит ичқизсин дейишади.

ШАҲЛОХОН — Бу гапни бувам раҳматли ҳам айтган эдилар. Майли, бир қилиб кўрай-чи.

Шаҳлохонни кўргани қанча қариндош-уруғ, қўни-қўшни чиққан бўлса, шунча билар-билмас, узуқ-юлуқ маслаҳат беришди. Шаҳлохон кўпчилик маслаҳатини қилиб кўрди. Натижада касали оғирлашиб, яна касалхонага ётди.

ВРАЧ — Сизга яна нима бўлди? Касалингиз қайталаб қолибди.

ШАҲЛОХОН — Билмадим, яна жигарим оғриб ўзимни ёмон ҳис қилаяпман.

ВРАЧ — Парҳезни бузибмидингиз?

ШАҲЛОХОН — Йўқ, сақладим.

ВРАЧ — Нима сабаб бўлмасам? Бирор ўзингизча дори қилибмидингиз?

ШАҲЛОХОН — Ҳалиги қўни-қўшнилар у-бу қилгин дейишувди.

ВРАЧ — Ҳм... Майли ўзингизни уринтирманг.

Врач коридорга чиқиб хаёл суради...

ВРАЧ — Тавба, касалларга ҳам ҳайронсан, туппа-тузук ақли-хуши жойида жувон наҳотки минг хил тажрибаларда тасдиқланган дорилар, маслаҳатларга ишонмасдан, қаёқдаги асоссиз, оғзаки узуқ-юлуқ гапларга ишонса! Натижаси мана бу... энди буни тузалиши қийин масала... тавба!..



ЭПИГРАММАЛАР

БЮРОКРАТ

Бюрократдан биров
Сўрабди бир кун:
— Бюрократ дейдилар
Сизни не учун?

— Саволингга жавоб
Бераман, лекин
Ҳозирча вақтим йўқ,
Индинга киргин...

ВРАЧ ҚУШНИМ

Кундузи клубда
Қўшнимиз врач.
Тозалик ҳақида
Лекция бошлар.

Ишдан қайтгач эса
Кечкурунги пайт,
Ахлатни чиқариб
Анҳорга ташлар.

ТАБРИК

— Табриклайман, дўстим, янги
Китобинг билан.
— Э, ҳа, раҳмат, аллақачон
Уқидинг дейман.

— Қайда дейсан, ҳар кечаси
Қўлга оламан.
Икки-уч бет ўқимасдан
Ухлаб қоламан...

МИШ-МИШ

— Хабаринг борми, Олим,
Колхоздаги миш-мишдан?
Анов бригадир Долим
Олинди кеча ишдан.

— Афсус, демак Долимга
Анча қийин бўпти-ку...
— Куйинмасанг ҳам бўлар,
Бугун мудир бўлди у...

БАҲОНА

Шахмат ўйнаб мот қилсам
Дўстим Ҳошимни,

— Папирос-ла оғритдинг
Дейди бошимни.

БАЪЗИ ЧОЙХОНАЧИЛАРГА

Синаш учун кам берсангиз,
Пулинг кам, дейди.

Лекин қайтим сўрасангиз,
Йўқ майдам, дейди.

ТАРОЗУНИНГ ДЕГАНИ

Тушдим юлғич қўлига,
Солиб олди йўлига.
Тарақлатиб тошимни,
Айлантирар бошимни.
Ундан тўққиз урай деб,
Ҳамёним тўлдирай деб,
Номълум босар паллам,
Бундан қуриydi силлам.
Тўғри ишлаб қолсамми,

Мижоз кўнглин олсамми,
Тамом юлғич бўғилар,
Дилида ғам туғилар.
Ҳеч ким боқмас ҳолимга,
Қулоқ солмас зоримга.
На илож каж қўлдаман,
Қийин, оғир йўлдаман...

Ленинобод

ТАНҚИДЧИГА

[Ҳ а з и л]

Машҳур танқидчига туғуруқхонадан
Қўнғироқ қилишди, типик хушхабар:
Ўғилча дунёга келмиш онадан,
Хабар ҳам, ўғил ҳам типик нақадар.
Ҳаво ҳам мусаффо эди ўша кун,
Қувонч ва табиат мослигин қаранг!
Машҳур танқидчимиз югурди мамнун,

Ўлкаси ижобий тортилди таранг.
Қўлига тутишди жажжи чақалоқ,
Танқидчи уёғу буёғин кўрди.
«Онаси, асаринг ҳозирча хомроқ,
Лекин, оригинал!» деб баҳо берди.

Уратепа

□ □ □

АДАБИЙ ЎЙЛАР





Ойбек. «Қутлуғ қон».
Рассом А. Ғуломов



Отаёр устоз Миртемир сабоқларидан кўп бор баҳраманд бўлган шонрларимиздан. У устози ҳақида ана шу сўхбатлар, хотиралар, мулоқотлар асосида эссе-қисса ёзиб тугатди.

Қуйида асардан парча ўқийсиз.

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Шеър жони ёхуд тўрт дарвиш сабоғи

Домла Миртемирнинг шеърият, ёшлар ижоди, таржима масалаларидаги жуда кўп сўхбатларида бўлганман. Баҳона билан яна бир куни борсам, домла ҳар галгидек ҳовлисидаги гуллар билан унсиз сўхбатлашиб юрибди: гоҳ бармоқларини гуллар баргига оҳиста тегизиб қўяди; гоҳ гул бандидаги хасни авайлаб олиб ташлайди; турфа рангларга маҳлиё бўлиб, ихлос билан термилиб қолади. Кўпинча мана шу ҳолатда гулзор кезиб, ўз асарларининг аксариятига бўй-баст бичади, хаёлида «пишитиб» олади.

«Аслида мавзу хаёлда пишиб етилгач, оҳанг ҳам, қофия ҳам ўзи келаверади. Акс ҳолда равон оқаётган сувнинг урилиб-урилиб кетишига ўхшаб қолади», дейишни яхши кўради устоз.

Қанчалик эҳтиётлик билан кирмайин, келганимни домла сезди. Қисқагина саломаликдан сўнг, уйга киришимни имо қилиб, тагин гуллар сўхбатига тутинади. Деразадан меҳр билан кузатишда давом этаман. Устознинг «Шайдолик» деб номланган сочмасидаги сатрлар ёдимга тушади: «Еноғида кулгичи бор сулувлардек ҳамиша жилмаяди гуллар... Гул жинниси деманг. Эҳтимол, энг тузук шеърларим, агар бор бўлса, шу гул жинниси бўлган пайтларда туғилгандир. Ҳа, гул шайдосиман. Лекин ёш ўтгандаги шайдолик ўзгача бўлар экан; антиқароқ, теранроқ...»

Худди шу даргоҳни, анвои гулларга бурканган ҳовлини устоз Миртемирнинг

ўз ижодига таққосланса — айнан мос. Бу серфайз хонадон, бу турфа гуллар чама-ни — Миртемирнинг мағзи тўқ, жозибадор ижод гулшанига қиёс қилгулик.

* * *

...Кейинги саволлардан бири, шеъриятда образлилик, қофиялар жарангдорлиги, оригиналлик, деган тушунчалар хусусида эди. Домла савол ёнига араб алифбосида «Тўрт дарвиш» деб ёзиб қўйган экан. Сўзларнинг тагига икки чизик тортди-да, гапни шундай бошлади:

— Ҳўш, Чор дарвиш эсингизда бордир?.. Олис сафарда, кечаси чашма бўйига қўнган тўрт дарвишнинг биринчиси дўстларини ухлатиб, қоровулликда ўтирганда ухлаб қолмай, деб ёғочдан ажиб бир кўғирчоқ ясади (дурадгорликдан хабардор экан-да...).

Иккинчи дарвишга навбат келганда мен ҳам ухлаб қолмайин, деб кўғирчоқни кўйлак, нимча, рўмол билан ясантиради (тикуччи экан-да...).

Учинчи дарвишга навбат келганда у кўғирчоқни чиройли тақинчоқлар билан безайди (заргар экан-да...).

Тўртинчи дарвишга навбат келганда уч йўлдошининг хунарига лол қолиб: «Энди мен нима қилдим, наҳотки, шарманда бўлсам? Бу кўғирчоқ ярқираб турибди, энди бунга жон керак экан, холос. Эй, яратган парвардигор, мени йўлдошларим олдига шарманда қилма, юзимни ерга қаратма.

Шу кўғирчоққа жон бер»,— деб ихлос билан, ич-ичидан ёлвориб пешонасини ерга урган экан, бир вақт қарасаки, ҳалиги кўғирчоққа жон кириб, эшилиб турганмиш...

...Мана дағалроқ ўхшатиш бўлса ҳам мавзу — ёғоч, унинг уст-боши, зеб-зийнати — қофияю, вазндир. Тимсол — образ эса унинг жони. Образсиз шеър қофиялари жарангдор бўлса ҳам, туроқлари ўрнида бўлса ҳам — шеър бўлмайди.

Шу вайдан шеърят элементлари (ўхшатиш, киноя, маъжоз, жонлантириш, истиора ва ҳоказолар) йўқ бўлса ундай шеърнинг умри калта. Фақат назм (тизма) бўлиб қолади...

— Оригинал асар ёзиш — фақат меҳнат дегани,— давом этди сўзида домла,— бунинг учун дастгоҳ юргизувчи ёш ишчидай ёки агрегат бошқарувчи ёш механизатордай укув, манглай тери тўкиш керак бўлади. Ҳамма ишнинг негизи — ҳалол меҳнат!

Киприклардай нечоғлиқ азиз...

Яна бир неча кундан сўнг борганимда домла сўзини шундай бошлади:

— Ёш қаламқашлар орасида ҳаммиша оригиналликка интилувчиларни улуғ даражада яхши кўраман... Чунки, бу фазилатни ёш қаламқашларнинг келажаги учун тамал тоши деб биламан. Шу жиҳатдан Ойдин Ҳожин қизи, Ҳалима Худойберди қизи, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф, Омон Матжон, Муҳаммад Али кабиларнинг машқлари менга маъқул. Мен уларнинг шеърларини ҳар гал қониқиш билан қаршилайман. Буларни ёш деб ҳам бўлмайди ҳозир. Булар адабиётнинг катта йўлига чиқиб олган. Меҳнатлари ҳам оз эмас.

— Ёшларнинг ҳозиржавоблиги хусусида қандай фикрдасиз?

— Ҳозиржавоблик фақат ёшлар учун эмас, сочига оқ тушган шоирларимиз учун ҳам бирдай фарз-ку...

Ёшларнинг замонавийлики ҳаёт симфониясига жүрөвөз тарзда куйлашни Маяковскийдан, Ойбек ва Ҳамид Олимжондан, Гафур Ғулөм ва Шайхзодадан ўрганишларини, ўшалар савиясида, яъни: «Раиса», «Нима бизга Америка?», «Турксиб йўлларида», «Тожкентнома» сингари асарлар даражасига етказиб ва улардан ўтказиб асарлар яратишларини жуда-жуда раво кўрадим.

— Ёшларнинг турли соҳа кишилари орасида бўлиб туришларига, ижодий сафарларга қандай қарайсиз?

— Жуда зарур гап. Ёшлар нечоғлиқ коммандировкаларга, ҳаёт ичида қайнашга, энг зарури, журналистика мактабига ошиқ

бўлса — асарларига шу қадар ранг, нур, мазмун ва узоқ умрлик бахш эта олиши мумкин.

— Устоз ва шоғирд масаласида қандай истаклар билдирардингиз?

— Ҳар бир корхонада, ҳар бир колхозда мураббийлик аънана тусини олгани каби, шеърят цехида ҳам тажрибали шоирларнинг севган шоғирдлари бўлиши дуруст гап, деб биламан. Фақат шоғирдни тўғри йўллай олиш шарт. Бу — энг муҳим масала. Бу — катта фидоийликини, ўтилган йўл ва келажакни ёрқин кўра билишликни талаб қилади.

Устознинг ёзган қисқача таржимаи ҳолидаги: «Йигирма йилдан ошди — Ёзувчилар союзи қошида ёшлар семинарларини бошқараман»,— дегани ёдимга тушди. Шу баҳона бугунги семинарлар, уларнинг роли ҳақида сўрадим.

— Ёш шоғирдорлар учун семинар машғулотлари жуда ҳам кераклиги ҳаммаимизга маълум. Менинг тенгдошларим ҳам, ҳозир адабиётнинг катта йўлига тушиб олган ардоқли қаламқашлардан кўпчилигининг қаламлари ҳам шу семинарларда чархланганидан хабарингиз бор. Албатта семинарнинг мароқли бўлиши ўша чарх масаласини тезлаштиради. Яъни, семинар назария ва амалиёт мувофиқлаштирилган ҳолда ўтказилса деган ниятни айтмоқчийдим...

Ҳа, домла йигирма йилдан ортироқ давр мобайнида қанчадан-қанча машғулотларни бошқарган, уларда не-не қимматли фикрлар айтган... Семинардан бошқа йигинларда-чи? Ёшларга ёзган хатлари-чи? Домланинг шоир Олимжон Холдорга жавоб баҳонасида ёзган «Хат» номли қимматли мақоласидаги муболағасиз, камтарона, юракдан, салимий битилган ушбу мисраларни эслайлик: «Йигирма йилдан ошиқроқ вақт ичида мен сизга ва сиздек шеър шайдоларига, меҳнатсевар ёшларга бир фил кўтаргулик хат ёздандирман. Сиз адабиётимизнинг эртанги кунисиз. Сиз тўғрингизда ўйламаслик — адабиётимизнинг эртасини ўйламаслик бўлади...».

Дарвоқе, ёшлар хатларига муносабат масаласида домланинг ўзи нима деркин?

— Ёшлардан келган хатларнинг ҳеч бирини жавобсиз қолдирганим йўқ,— дейди домла.— Аскарда юрганлар, умримда кўрмаганлардан ва мен бормаган олис бурчаклардан хатлар, шеърлар келади: қирғиздан, қорақалпоқдан, Туркманистондан, Тожикистондан... Ҳаммасига жавоб ёзаман. Юборган шеърларида тутуриқ бўлса, оз-моз қалам уриб газета ё журналларга тавсия этаман. Китоблар ёки китоблар рўйхатини юбораман. Ахир, ҳар бирининг

савияси менга йўллаган хати ё шеърдан маълум-ку...

Ундан ташқари эшигимни тақиллатиб келувчилар ҳам оз эмас: дипломантлар, аспирантлар, ёш шоирлар... Ушаларнинг ҳаммаси билан ҳам вақт толиб албатта сўзлашишга ҳаракат қиламан. Улар орасида китобларимни фойдаланиш учун олиб, бедарак кетганлари ҳам бўлган...

Сўхбат давомида домладан ўз устози ҳақида гапириб беришини сўрадим. Дастлаб муаллимлари ҳақида, айниқса, кўп қиррали талант, толмас коммунист ижодкор Сотти Хусайн ҳақида меҳр билан, тўлқинланиб сўзлади. Таржима баҳонасида устозлари сафи кенгайганлигини алоҳида уқтирди. Мен эса бу пайтда домланинг «Рус тили ҳақида» деган мақоласини, ундаги: «Бир шоир сифатида менинг ёзганларимда ҳам бир қадар маъно, бўёқ, жеранг бўлса, бунинг учун мен Навоий бобом билан бир сафда улуғ Пушкиндан ва унинг тилидан миннатдорман»,— деган сўзларини эсладим.

Домла давом этди:

— Йигирманчи йилларда Маяковскийни ҳижжалар эдим. Ундан кейин Пушкин ва Некрасовга кўнгил қўйдим. Навоий ва бошқа классикларимиз ҳам эргаштириб юрди. Нозим ҳам. Бора-бора Шота билан, Гейне билан ҳам шуғулландим. Тагорни севиб ўқидим. Мана шулар устозларим. Улар кўпчиликл...

Домла камтарликдан шунчаки «кўпчилик...» деб қўя қолди. Бироқ таржимон — Миртемирни қардош халқлар адабиётининг энг яхши намуналарини (жумладан, «Манас», «Қирқ қиз», «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон») она тилимизда жаранглатган чинакам ўзбек заҳматкаши, фидоий ижодкор сифатида яхши биламиз. Биргина «Манас» эпосининг биринчи китоби таржимаси қарийб 14000 мисра! Жами таржималари-чи?! Улар ҳисобланса ва бу мисралар узунасига тизиб чиқилса, заминга шеърар белбоғ бўлгуликдир. Бу белбоғ — халқлар дўстлигининг, халқлар маънавиятининг, халқлар маданияти ва адабий ҳамкорлигининг камалакдек товланаётган олтин ҳалқаси бўлиб кўзни қувонтиради.

Шулар ҳаёлимдан ўтдию домладан бугунги таржимачилик хусусида, айниқса, ёшлар таржималари тўғрисида, ёш таржимонлар кўпроқ нималарга эътибор бериши кераклиги борасида сўрадим.

— Таржима меҳнати ҳар бир ёш ижодкор учун бир мактаб эканлиги ҳақиқат. Мен Эркин Воҳид, Абдулла Ориф, Муҳаммад Али таржималарини, кенжа авлодга келсак, Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўш-

моқов, Абдулла Шер, Машраб Бобо, Омон Матжон таржималарини уларнинг ўз ижоди деб биламан. Зеро, таржима ҳам ижод. Қалам чархланишида таржиманинг аҳамияти улкан.

Мен таржима соҳасида жиндак тажрибам борлиги жиҳатдан ёш таржимонларга шундай маслаҳатлар берар эдим: Юрагингизга мавж сола олган, яъни, сизга маъқул асарларинигина ўгиришга қўл уринг, курбингиз етган асарга қўл уринг. Баланд дорга осилиб, ҳам ўзингизни овора, ҳам ўша асарни оёқ ости қилиб қўйманг; таржима учун танланган асар яратилган тилга теран ҳурмат жуда зарур; таржима қилинган шеър ўқилганда худди Ойбек, Ғафур Ғулום ё Ҳамид Олимжон шеърларини ўқигандагидек равшанликка ва табиийликка эришинг, китобхондан олқиш оласиз, холос.

— Бугунги кунда кўпгина қардош халқлар, жумладан, ўзбек шеърлятида ҳам сонет жанри, сарбаст, эркин вазнлар анча фаол, ҳозиржавоб бўлиб қоляпти. Бунда ёш авлодга мансуб ижодкорлар изланишлари тўғрисида қандай фикрдасиз? 20—30-йилларда адабиётимизда сочма кенг қўлланилар экан. Айниқса, ўзингиз бу жанрнинг энг гўзал намуналарини яратганлигингиз ҳаммамизга маълум...

— Сонетчилик масаласига келсак, Барот Бойқобилов машқларида пухта, ярқироқ, тугал ва умри узоқ сонетлар йўқ, деб бўлмайти. Поэзиянинг бу тури ҳам шеърлятигимизга буюк Навоий китъалари ёки Умар Ҳайём рубойлари қадар зарур, деб биламан. Сарбаст шеър ҳам зарур. Жуда ҳам тўлқин ва ҳаяжонга солган воқеалар сарбаст вазнда тезроқ ўз ифодасини топиши турган гап. Сарбастда машқ қилаётган Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўшмоқов, Сулаймон Раҳмон, Миразиз Аъзам шеърларида эсда қолгулик машқлар йўқ эмас.

Сочманинг эса сарбастдан фарқи бор. Сочма ҳам ҳаяжон тўлқини қирғоқдан ошган вақтда зарур вазн. Оҳанг туроққа сиймай қолган пайтларда сочма қўл келади. Шеърлят учун зарур образлилик сочмада ёйилиб хизмат қилади. Тагор сочмалари, Тургенев сочмалари, Комил Яшиннинг 20-йиллардаги сочмалари, Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» дostonи сочманинг бадийи етук намуналаридир.

* * *

Домла қовоғи солиқ, булутли, айниқса ёмғирли кунда ишлашни унча ҳуш кўрмайди. Кўпинча мана шундай кунларда касали оғирлашиб, кўпроқ вақти даволаниш билан ўтишини билганим учун сўхбатимиз



Ўзбекистон халқ шоғри Миртемир қизи Гулнора билан.

давоми тагин ўша юбилей йили кўкламининг очик, ҳузурбахш тонгида бошланди.

Домлага ўзбек совет шеърлатимиздаги жорий вазнлар ҳақида тўхталишни илтимос қилдим.

— Бармоқ вазнининг ҳам имкониятлари жуда кенг,— деди домла.— Ҳўш... 11 ҳижоли вазн ҳам турлича. Бармоқда кўпроқ масалани туроқ ҳал этади. Туроқларнинг товланиши вазнга руҳ беришга қодир: ё ўйноқи, ё босиқ бир оҳанг. Шунингдек, 3+3 ё бўлмаса 4, ё бўлмаса 5, 10, 12, 13, 14 ҳижолаарда ҳам ажойиб шеърлар ёзиш мумкин...

Биринчи сатр 10, иккинчиси 9, ё бўлмасам биринчи сатр 14, иккинчиси 7 бўлиб келадиган вазнлар ҳам бор. 9нинг 3+3+3 бўлиб келадиганлари ҳам ўқишлик. Бир сўз билан айтганда, бармоқ вазнидаги товланишлардан тўла фойдалана олмаётимиз, шу кенг имкониятларни ишга солиш, шуғулланиш машаққатидан четлаб ўтаётганимиз оқибати ҳалиги сиз айтган 6+5ни дастак қилиб олишга олиб келган...

— Агар қаламкаш, айниқса, ёшлар,— дея алоҳида таъкидлайди домла,— қизғин давраларда, мунозараларда, чечан бўлмаса; сафарларга, меҳнат аҳли орасига ўзини уришдан қочса; зиммасидаги масъулиятли ишини ҳар кун аъло даражада дундиришга кўникмаса, жамоат ишларида ўрни билинмаса — ёзганлари ҳаётдан шунча йироқ, нокерак бўлиб қолаверади. Қалам мана шундоқ кўйналишларда чархланади. Қаламкаш узлуқсиз, самарали ижод жараёнига кўникишни ларзакор уринишларда, ҳаётдаги фаоллиги орасида эгаллайди. Мен буни устоз Ойбек мисолида, ўша бурро, ўта ҳозиржавоб, замонага ўта оҳангдош Ғафур Ғулум, Ҳамид Очилимов ва мен кўрган-билган устоз ёзувчилар мисолида, ўзим ўтган йўл мисолида айтяпман...

* * *

Азиз устознинг «Киприкларим» шеърини эсламан.

Инсон кўз қорачиғининг кўриқчилари киприклар... Шоир шеърга рамзий маъно сингдирган. Аввало, унинг ҳар бир асари киприклари қадар азиз, киприклари қадар аҳамиятли... Шунингдек, шоир ўз шогирдларини, ўзбек совет адабиёти истиқболининг эгалари — ёш ижодкорларни ҳам киприкларим, деб атади. Уларни адабиёт киприклари деб тушунди... Улар ҳақида қайғурди, ишонч билдирди, билганларини ўргатишдан, йўл-йўриқ кўрсатишдан асло эринмади, чарчамади.

...Эй, азиз киприкларим,

Сергакликдан тирикликнинг сиз-ку, энг тириклари...

Киприкларимдай азизларим, нечоғлиқ ҳам суюксиз,

Армонимдай буюксиз!

Юракка ўт тушса...

Нима учун баҳор ойларида кўпроқ тўлқинланишни, иши кўпроқ унишини, бу сўлим фаслда столга кўпроқ ўтиришга майл сезиши сирини домланинг ўзи ҳам аниқ тушунтириб беролмайди.

— Буни изоҳлаб беролмайман. Сири ўзимга ҳам маълум эмас. Бу, бошқа фаслларда ёзмас экан, деган гап эмас, албатта. Фикрларимнинг чархланишига шу фасл кўпроқ туртки бўлишини биламан ҳар қалай...

— Куннинг қай вақтларида кўпроқ ишлайсиз?— деб сўрайман домладан.

— Бундан ўн йиллар муқаддам ҳамма уйқуга кетгач, тинч кечада ишлардим. Кундузи дам олардим—да, кун чиққунча ишлаб, завқланардим. Кексаликда кундузи ёзишга ўтдим. Эрталаб тирикчилик ишлари-ю, бошқа турли юмушлар билан алақсиз қоласан. Кейинроқ аста-секин тонгда икки-икки ярим соатдан ишлайдиган бўлдим. Бу осон кўчмади...

Ҳақиқатан, шоир сахарлаб туришни канда қилмайди. Олдин ҳовлида оз-моз айланади — ўзини ижод жараёнига «тайёрлайди». Ювиниб иш хонасига кирганида эса кўрадиган зарур китоблари стол устида олдиндан тахт қилиб қўйилган бўлади. Соат олти-олти яримлар чамаси. Бир пиёла қаҳвами, чойми, сўт ё қатиқми ичади. Ишлаб бўлгач, соат тўққиз-ўнларда нонушта қилади—да, озгина сайрдан сўнг ором олади.

— Шеър дегани ҳар кун ёзилавермайди-ку,— дея уқтиради домла,— лекин ҳар онда, кун сайин ойдинлашиб бораверади. Мен ёзганимни тўрт-беш кўчираман. Сайқал беришдан завқланаман, ярқираб бораверишидан кўзим қувонади. Ахир, ёзганинг ҳали нуқтасини топганини, ҳали ярқирашга муҳтож эканини кўра-била туриб тузатмасанг кимга зиён?.. Ўз-ўзингни алдаган бўласан. Ута юксак дидли китобхонга, аввало ўзингга хиёнат қилган бўласан.

Лоп этиб домланинг «Тингла, ҳаёт!» китобидаги: «...Ҳамманинг дилини ойнадек ёруғ кўришим керак-да. Бўлмаса менинг ёзганимга ким ишонадиги қарғишдан бўлак не олардми?» деган сўзлари ёдимга келади.

Миртемир умр бўйи: «Ҳамманинг дилини ойнадек ёруғ кўришга», ўз ёзганлари

билан ҳамманинг дилини равшан қилишга интилган ва Бунга кундан-кун, йилдан-йил юксак даражада эришган устоз эди.

Унинг бир шеърдаги «Урмим оддийлардан тагин оддийроқ» деган мисраси бутун ижоди, бутун умрининг лейтмотивидир. Унинг ижоддаги қудрати — меҳнаткаш инсонлигида, чинакам шеърятнинг чинакам меҳнаткаши эканлигида. Шеърсиз унга ҳеч нарса татимайди. Шеър унинг муҳаббати, ҳар ўтган дақиқаси...

Қаъбамсан, шеърят, эзгу эҳромим,
Оғу ҳам бол тулиқ бебаҳо жомим.
Амалим ва ишқим, умиду армон,
Уйқусиз тунларим — жиндак
илҳомим...

— Қайс Лайлосига ё бўлмаса, Гурўғли Гиротига нечоғли шайдо бўлгани шубҳасиз ҳаммага аён,— дейди устоз.— Ё олайлик, техникага қўл берган Турсуной оддий тупроқнинг саховатли қалби билан сирлаша олишга куч топмаганида, даврнинг шунча Барчинларини ортидан эргаштирармиди?.. Шоир ҳам шеърятни ўз шеърый қиёфасида — қудратлилиги, тансиқлиги, қайсарлиги ҳолида сева олсагина элига суюкли бўлади-да. Бунинг ўзигина кифоя эмас. Ижодкор туйғулари тиниқ, айтмоқчи бўлган фикрлари керакли, аниқ бўлиши — сув ва ҳаводек зарур... Бир сўз билан айтганда,— дея тугатди бу галги суҳбатимизни домла,— юракка ўт тушса ёзмасликка чора йўқ. Энг аввало шоир ҳаёт мағзини чақиб, чуқур тушуниб, ундан илҳом оли бишиш даражасига кўтарилмас экан, унга ҳамма нарса баҳона бўлаверади... Юрак тўлқинланса туғилган туйғу ва фикрларни кўчада ётган тош ё бир барг воситасида ҳам изҳор этиш мумкин. Мағзини чаққан кишига патта сотувчи ҳам, гулчи ҳам, қоровул ҳам худди кончи ёки машинасоз, механизатор ёки мироб сингари мавзу бўла олади... Бунга ёш қаламқаш қанчалик барвақт эришса, шунча яхши. Шунча қадрли. Бунинг учун ҳам бетиними, ҳалол меҳнатга кўникиш зарур, албатта.

Исбот — нораво ҳақиқат...

Шундан сўнг домла билан суҳбатимизни давом эттиришга қулай пайт етгунча анча вақт ўтиб кетди. Улуғ Октябрь Социалистик инқилобининг 60 йиллик тантаналари давом этмоқда эди. Қисқа вақт орасида домланинг бир неча бор даволанишига тўғри келар, сал соғайдим дегунча қаттиқ ишлар, ўзини аямас, ҳеч қайси редакция илтимосини ерда қолдирмасликка тиришар эди. Тинимсиз ёзар эди. «Гулистон» жур-

налида, «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон маданияти» газеталарида бирин-кетин чиққан ажойиб шеърый туркумлари ўша кунларнинг маҳсули бўлди. Шу билан бирга, нашриётларда чиқаётган китобларини қайта-қайта кўрар, ўзгаришлар қиритар, лўнда қилиб айтганда домланинг энг авж тошқин ва шошқин палласи эди. Ҳар кун, ҳар дақиқа «юракка ўт тушган» кезлари эди. Ҳатто кўпчилик шеърларини шифохонада, беморлар ором олаётган осийишта паллада — тонгда қоралаб кўярди. Утилган олис, «кенг ва донғил» йўл ҳақида, севиқли Ватан қудратининг оламшумуллиги, улуғворлиги ҳақида, она, армонли ёшлик ҳақида — яратувчи одамлар ҳақида ёзарди. Шеърлардаги етакчи фазилат эса одатдагидек — воқеабандлик, ёрқин тимсоллар даражасига кўтарилган ҳаёт ва табиат кўринишлари, одатдагидан ҳам тиниқроқ аниқлик... Умрининг ўша энг шошқин ва тошқин палласида ёзган катта-кичик шеърлари ҳам, домланинг ўз таъбири билан айтганда, анов-манов шеърлар бўлмади.

* * *

— Суҳбатимизга бугун нуқта қўйсақ ҳам бўлар,— деди домла бир гал борганимда.— Саволларингиз ҳам охирлаб қолгандир. Хўш... Шу кундаги ишларимдан сўрабсиз. Чўлини ўзлаштирувчилар ҳақида кўпдан бери машқ қилиб юрган асарларим бор. Кўп вариантларини йиртиб ташладим нуқтасини тополмай. Топишга ҳаракат қилаялман.

— Узингизга маъқуллари бордир?

— Ленин ҳақидаги сюжетли шеърларим, Қирғизистон ҳақидаги баъзи назмларим, «Сурат» деган дostonим, муҳаббат ҳақидаги баъзи машқларим кўзимга чақнаб кўринади.

— Ҳамид Олимжон ҳақидаги хотирангизда Нозим Ҳикматнинг «Қуёшни ичганлар кўшиғи» китобини таржима қилганингизни айтгандингиз...

— Нозим Ҳикмат шеърларини 30-йилларнинг бошида Ҳамид Олимжон билан тўла таржима қилган эдик. Айтиш керакки, ўша йиллари Нозим шеърлари фақат ёш қаламқашлар учунгина эмас, умуман қалам аҳли учун жуда катта янгилик эди. Уларни биз ёд олиб, адабий кечаларда ўқирдик. Унинг шеърлари замонанинг етакчи мотивлари эканлиги ҳақида шубҳа бўлиши мумкин эмас. Айниқса, туркий тилларда у жуда ҳам оммалашган эди. Унга эргашувчилар ҳам оз эмасди. Менингча, Ҳамид Олимжон ҳам, Гафур Ғулom ва Шайхзода ҳам ундан баҳраманд бўлдилар, нозимона шеърлар — минбар шеърлари»

«ратдилар. Мен ҳам Нозимдан талай ўрандим. Менингча, Нозим асарлари ҳали ҳам ўз ҳароратида — жозибали, салобатли, ирқироқ ва замондош!

Миртемир домла ўз ҳаёти, ўтмиши ҳақида гапириб:

— Ҳеч кимга ёмонлик қилмадим, захматкаш жонман. Халқим қарзини узиш ниятида ҳали меҳнатдан толганим йўқ, — дерди.

Унинг ҳикоясига кўра, умри эзулик учун ола-тасир олишув йўлларида кечган. Шоирнинг яқиндагина ёзган «Асо» шеърдаги мана бу мисралар бежиз куйилиб келмаган:

Йўлбарсдай йигит эдим, ҳа, бир оз
чўккундайман,
Бемаҳал аёзларда бевақт барг
тўккундайман.
Мен ўтган йўл қағирли, тошлоқли бўлган
эди,
Азиятли, чигалли, жумбоқли бўлган эди.
...Ҳа, шундоқ. Мен ўтган йўл узунроқ
бўлгани рост,
Оқибатда кенг, донғил, сутдай оқ
бўлгани рост.

* * *

Баъзан хонага домланинг умр йўлдоши, домлага ҳамisha меҳрибон ва мунис ҳамдами Ёркиной ая кириб келади: ё чойдан хабар олади, ё домлага дори ичиси кераклигини эслатади, ё кимдир телефон қилаётганини айтади.

Шоир бирпас ўйга толади. Дераза оша қийғос гуллаган ўрик шохларидан нигоҳини узмай хаёлга толади. Балки ўтилган олис, долғали, «донғил ва сутдай оқ», улуғвор йўл манзаралари хаёлга кўчаётгандир. Ё Москвада яшаб қолган қизи — шифокор Юлдузи, куёви ва попукдай невараларини кўмсагандир. Балки катта ўғли Миржалол ё тўнғич қизи Доражоннинг болалари билан чуғурлашиб келиб қолишини тусаётган бўлар. Фарзандларидан кўнгли тўқ. Кўвлардан, келинлардан ҳам ёлчиган. Миржалол билан Мирзакони Тошкент Давлат университети Шарқшунослик факультетини битиришди. Бири наъриётда, бири радио-да ишлайди. Доражони инженер. Суюкли, кенжа қизи Гулнора ҳам университетда таълим олади. У ҳам адабиёт йўлини танлади. Фарзандларидан ҳеч бири юзини ерга қаратгани йўқ. Тўққиз невараси бор. Балки дилида шу давру давронга, бугунги кўкси тоғлигига, бобожонлигига шукрона айтаётгандир...

* * *

— Ижодий сафарларнинг ёзганимга таъсири масаласига келсак, — деди бир гал домла, — Фарғона каналида бўлганимда

«Шодиёна», «Яли-яли», «Фарғона» деган, Йўлдош Шамшаров, Саид Аҳмадлар билан Каттақўрғонга, Ёзёвондан Олмосга борганимда «Оқсоқол» деган шеърларимни ёздим. Мирзачўлга борганимда Мирзачўл ҳақидаги, Москва сафарларидан сўнг Ленин ҳақидаги шеърларим ёзилди

Агар шеър ҳаётни кўриш, одамлар билан суҳбатлашиш оқибатида туғилса бу — энг яхши шеър. Шундай бўлмаса, китобий бўлиб қолади.

Туркистонга борганимда эса асосан она қишлоқ ҳақида, она ҳақида кўпроқ ўйлайман. Ана шу мавзудар ҳақида кўпроқ суҳбатлашаман. Кўпроқ шу мавзуда ёзаман. Исбот нораво — ҳақиқат, дегани бу... Бўтам...

...Кўз олдингизга келтиринг: мангу олов олдида йиғлаб турган она ҳайкали. Оқарган сочлари ёйилган, боши эгик... (Шоирнинг «Азалик» шеъри ана шу манзара билан бошланади.) Ундаги мисраларда она қалби; унинг меҳру муҳаббати ҳам, қаҳру ғазаби ҳам, севинчу йиғиси ҳам бутун қудрати билан жонлана боради. Оқибатда она севинчи, она жилмайиши ҳар неданда азиз, ҳар неданда қутлуғ эканлиги яна бир қарра образли, рамзий ва илиқ мисраларда кўринади:

Бир зум жилмайишингдан
айланиб кетсин жаҳон...

Домланинг «Дўст ва замондош ҳақида» деган мақоласи бор. Унда Ҳамид Олимжон тўғрисида: «Қонида, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма зукколик, шоирона сажия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён», — деб ёзган эди.

Бу — устоз Миртемирнинг ўзига ҳам бевосита айtilса мутлақо тўғри бўлар эди.

* * *

Устоз «Бундан кейинги режаларингиз қандай?», деган саволга шундай деди:

— Кейинги йилларда мени кўпроқ банд этаётган мавзу ёшлик даврим, она бағридаги даврим, қишлоғим манзаралари, Қоратоғ манзаралари, ёшликдаги дўстларим, амакиларим ва онам...

Боя айтганимдек, меҳнаткаш инсон сиймоси, чўлларни ўзлаштираётган азамат инсон сиймоси мени ўйлантиради, ўшалар ҳақида янги гап айтиш иштиёқи ҳамisha дилимда. Кўпроқ вақтим ўтроқликда ўтиб кетибди. Бундан кейин кўпроқ юриш, кўриш зарур бўлиб қолди. Ўз севиқли республикамни ҳам тўла биламан, деёлмайман. Бундан кейин, омон бўлсам, республикамизни айланаман, ёзаман. Қолаверса, чет

эллар — Шарқ мамлакатларини социалистик юртларни кўрмоқчиман. Шубҳасиз, ёзмаман.

Афсусл.. Домланинг бу сўзларини эсласангиз суяклар сирқирайди!

У ҳамиша айланиш, кўриш, кишилар сўх-батыга бўлган чанқоқлик билан нафас олувчи эди. Сал соғайдим, дегунча сафарга шайланарди. Қай бир областгами, қай бир йиғингами, ёшлар даврасигами отланарди. Охири сафарларидан бирида Қўқонни айланиб келганди. Ҳар галгидек кўрганларини, таассуротларини дарҳол қоғозга туширди. Уша Қўқон ҳақида туркум шеърларидан намуналар «Ўзбекистон маданияти»да босилди. Ушаларда ҳам домла ўз шеърятининг бош услубига содиқ қолди: ўтмиш ва бугунни муқоясалаш билан бугунимизнинг улугворлигини, Ленин ва Ленин ғояларига шукроналикни бадиий тарзда айтди. Қўқон ва Қўқоннинг бугунги ҳаёт тарзини тасвир этди. Уша туркумдаги «Аҳёнда бир келсам» шеъри ҳам тағин шоирнинг ҳаётга, гўзалликка беқиёс ташналиги, улкан бир қалбнинг элу юртига

қилган хизматидан қониқмаслиги, тағин ёниб, ёзиб, тўлқинланиб яшашга чанқоқлиги ифодаси билан тугаган эди:

Нечоғлиқ пурҳикмат бу ҳаёт тарзи,
Ҳамон бўйнимдадир элу юрт қарзи!

...Хуллас булар устоз Миртемир сабоқларидан томчиларгина... Унинг сафдошлари, киприклари қадар талай ва азиз шогирдлари ҳам бу теран шеърят даргоҳи сабоқлари ҳақида жуда кўп ва хўп гапирдилар, ёзадилар. Ундан авлодлар баҳраманд бўлаверади. Бугунча сўзимизни эса устоз Фафур Фуломнинг Миртемир домлага 1961 йили ёзган ўртоқлик ҳазили билан мухтасар этсак бўлар:

Миназини бузмай ларзакор ва
жарангдор полопон қушдай оҳиста
Ясси бўйлаб чўнг алп сингари зайтунзор
аро девкор ва явқур,
Шеър ёбонларида ёвшан чечакларин
терган ёзуқли қайсар,
Сулув шеърятнинг туғин кўтариб
Жиндай ғазалхон танти шоир
Миртемир келаётир!..



МУНДАРИЖА

НАСР ВА НАЗМ

Мирҳамид Аҳмедов Она кўнгли	
Ҳикоя	7
Абдугани Абдуғафуров. Ҳажвиялар.	10
Аҳмаджон Далиев. Шеърлар	12
Собир Жаббор. Шеърлар	14
Ҳуррият Жалилова. Бола. Ҳикоя	16
Баҳром Маҳмудов. Шеърлар	19
Зоир Мамажонов. Раисликнинг би- ринчи куни. Ҳикоя	20
Абдуқодир Ниёзов. Шингил ҳикоя- лар	23
Темур Норов. Шеърлар	25
Арофат Носирова. Шеърлар	27
Тўра Норбоев. Сиртлонтуйёқ. Ҳикоя.	28
О. Отахонов. Чаноқ. Ҳикоя	31
М. Парпихўжаев. Тоғ қизи. Ҳикоя	34
М. Пирриев. Ҳажвиялар	36
О. Ражабов. Шеърлар	39
А. Раҳмонов. Шеърлар	40
Қутлибека Раҳимбоева. Шеърлар	41
Муроджон Раҳмонов. Қўшиқлар	43
Ҳ. Саидғаниев. Шеърлар	45
А. Саидов. Ёмғирда. Ҳикоя	46
Т. Содиқов. Хаёлпараст. Ҳажвия	48
Убайдулла Содиқов. Она. Ҳикоя	50
М. Тошпўлатов. Содиқ Полвон. Ҳикоя.	54
Турсун Али. Шеърлар	57
Эркин Усмонов. Маъсуда. Ҳикоя	59
В. Устинов. Уч нуқта. Ҳикоя	62
Усмон Файзий. Шеърлар	65
Ғ. Шомуродов. Шеърлар	66
А. Шомирзаев. Шеърлар	68
А. Қорабоев. Харсанг. Ҳикоя	72
Ҳ. Қосимов. Шеърлар	75
С. Ҳаким. Шеърлар	77

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ

Баҳодир Аминов. Шеърлар	81
Турғун Аюпов. Шеърлар	84
Ҳабиб Раҳмат. Шеърлар	85

ОЧЕРКЛАР

Й. Зокиров. Ёғду. Очерк	89
М. Ҳазратқулов. Уч оға-ини ботир- лар. Очерк	92

ЕШЛИК МУШОИРАСИ

Ғ. Эрназаров. Қизлар	99
Ғ. Сулаймонова. Баҳор келиб	99
Н. Йўлдошева. «Мен асримнинг...»	99
М. Еқубова. Орзу	100
Ҳ. Маҳмудов. Фаррош	100
А. Азимов. «Умид-ла...»	100
М. Имомова. Укажон	101
Н. Жўрабоев. Ҳаёт	101
Д. Икромова. Муҳаббат	101
Ж. Охунова. Ҳижрон	102
У. Раҳматов. Ҳандалак	102
М. Мирзо. Сонет	103
М. Маждидова. Хаёлларим	103
Т. Турсунов. Шафтолизор	103
Елена Андреева. «Онам қизи»	104
М. Ҳайдаров. Болалик. Шеър ҳақида сонет	104
С. Умарова. Одамлар	105
О. Мўминов. «Тонг»	105
О. Жабборова. Қизлар кулгуси	105
Э. Азаматов. Ишонч. Араз	106
Ш. Акрамова. Саккизликлар	106
А. Азизова. Баҳор	107
Ғ. Пўлатов. Куйларим	107

ЕШЛИК ТАБАССУМИ		Э. Соҳибназаров. Эпиграммалар 115
Элбек Мусаев. Тўғри ва эгри. Миниатюра 111		С. Ҳожибоев. Танқидчига. Ҳазил шеър 116
Анвар Тожиёв. Камина. Хуморхон. Миниатюралар 112		АДАБИЙ УЙЛАР
Ҳ. Муҳаммад. Қўшнилари. Миниатюра. 114		Отаёр. Устоз сабоқлари 119

На узбекском языке

АЛЬМАНАХ «ЕШЛИК» 5

Рассказы, стихи, произведения для детей, юмор, литературные раздумья, поэтическое состязание.

Издательство «Еш гвардия» — Ташкент — 1979

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: Жамол Камол, Қамчибек Кенжа.

Редактор Тўлқин
 Рассом О. Аҳмаджонов
 Расмлар редактори Қ. Алиев
 Техн. редактор Л. Буркина
 Корректор М. Юнусова

ИБ № 436

Босмахонага берилди 2/IV-1979 й. Босишга рухсат этилди 8/VIII-1979 й. Қоғоз № 1. Формат 70×90¹/₁₆. Босма листи 8,0. Шартли босма листи 9,36. Нашр листи 8,78. Тиражи 30.000. Р—05583. Заказ № 746.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 208—78. Ваҳоси 70 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Вайроқ ордени босмахонаси, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26.